

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИИ  
ВА УРТА МАХСУС ТАЪЛИМ МИНИСТРЛИГИ  
САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ  
ИНСТИТУТИ

Х. ТОШЕВ

ХІХ АСР ОХИРИ-ХХ АСР  
БОШЛАРИДА ЗАРАФШОН  
ЎЗБЕКЛАРИНИНГ  
ХЎЖАЛИГИ  
ВА ИЖТИМОЙ  
ТУРМУШИ

ТОШКЕНТ  
ЎЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЕТИ  
1987

Ушбу монографияда Зарафшон водийси қишлоқ аҳолисининг XIX аср охири ва XX аср бошларидаги хўжалиги ва ижтимоий турмуши этнографик маълумотлар асосида таҳлил этилади. Унда Зарафшон водийсининг маъмурий бўлиниши, аҳолининг этник таркиби ҳамда жойлашуви ҳақида сўз юритилади. Аҳолининг деҳқончилик ва чорвачилик машғулоти батафсил тадқиқ этилади. Монография археологлар, этнографлар ҳамда Ўрта Осиё тарихи билан қизиқувчи барча китобхонлар оммасига мўлжалланган.

М а с ъ у л м у ҳ а р р и р  
тарих фанлари кандидати Т. Файзиев

Т а қ р и з ч и л а р  
тарих фанлари кандидатлари Т. Тошбоева, К. Кубаков

ХАДЖИ ТАШЕВ

## ХОЗЯЙСТВО И ОБЩЕСТВЕННЫЙ БЫТ УЗБЕКОВ ДОЛИНЫ ЗАРАФШАНА В КОНЦЕ XIX — НАЧАЛЕ XX В.

На узбекском языке  
Ташкент, «Фан»

Самарқанд Давлат архитектура қурилиш институти Илмий совети  
ҳамда Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим  
министрлигининг илмий-методик Совети томонидан нашрга  
тасдиқланган

Муҳаррир М. Алиева  
Рассом Е. Владимиров  
Техмуҳаррир Г. Науменко  
Корректор М. Саидова

ИБ № 4061

Теринга берилди 16.01.87. Босишга рухсат этилди 19.02.87. P03537. Фор-  
мати 84×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Босмахона қоғози № 1. Адабий гарнитура. Юқори босма.  
Шартли босма л. 5.25. Ҳисоб-нашриёт л. 5.4. Тиражи 1000. Закаа 16.  
Баҳоси 80 т.

ЎзССР «Фан» нашриёти. Тошкент. 700047. Гоголь кўчаси, 70.  
ЎзССР «Фан» нашриётининг босмахонаси. Тошкент. М. Горький проспекти, 79.

Т 0505040000 — 3527 17 — 87  
355 (04) — 87

©Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти, 1987 й.

## КИРИШ

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси ва Совет ҳокимиятининг барпо этилиши мамлакат экономикасининг ривожланиши, маданиятининг юксалиши ва бутун дунё ижтимоий-сиёсий мавқеининг мустаҳкамланиб боришига кенг йўл очди. Совет ҳокимияти қарор топган дастлабки кунларданоқ тинчлик учун кураш ғоясини илгари сурди. У мамлакатнинг озод бўлишини, барча халқлар ва миллатлар, элатларнинг миллий тенглигини таъминлади. Амалий жиҳатдан мамлакатни индустрлаштириш, электрлаштириш, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш чоралари кўрилдики, буларнинг бари халқ фаровонлиги ошишига хизмат қилди.

Кейинча кооператив план асосида мамлакатимизда социалистик тиклаш, қайта қуриш ишлари кенг кўламда олиб борилди. Совет ҳокимияти ҳам ижтимоий-сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан ўз мавқеини тиклашга эришди ва социалистик давлат сифатида обрў-эътибор қозонди. Бу натижаларнинг ҳаммасига ички ва ташқи душманга қарши аёвсиз курашиш, Ленин васиятларига амал қилиш, халқларнинг ўзаро тенг, бири-бирига дўст, биродар бўлиб аҳил яшаши натижасида эришилди. Совет ҳокимияти шу йўлдан дадил бориб, уни тобора мустаҳкамламоқда.

Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг навбатдаги энг долзарб масалаларидан бири халқ хўжалигини юксалтириш, аҳолининг иқтисодий ва маданий эҳтиёжларини янада қондиришдир.

Ленинча миллий сиёсат натижасида мамлакатимиздаги барча миллат ва элатлар ягона қардошлик оиласида — социалистик оилада бир маслак ва бир ният билан ижодий меҳнат қила бошладилар.

Партия амалга ошираётган амалий тадбирларни, унинг ижобий натижасини биз Советлар днёрининг тенг ҳуқуқли аъзоси Совет Ўзбекистони тимсолида ҳам кўришимиз мумкин.

Республикамиз аҳолиси ярим асрдан зиёдроқ вақт ичида ҳаётининг тубдан ўзгартирилиши, унинг патриархал-феодал тузумдан социализмга, мазлумлик ва ҳуқуқсизликдан озодлик ва тенгликка, қашшоқлик ва қарамликдан фаровон турмуш кечиришга ўтиб олиши ленинча миллий сиёсатнинг тантанаси, социалистик тузум самарасидир.

Совет кишилари, жумладан, қишлоқ аҳолиси турмуши ва маданиятининг кун сайин юксалиб бориши халқ оммасининг ижтимоий фанлар тадқиқ этиши зарур бўлган проблемаларидан ҳисобланади.

Халқ турмуши ва маданиятини ўрганиш этнографик тадқиқот ишларида муҳим ўрин эгаллайди. Шу масалани кенгроқ ёритиш мақсадида муаллиф XIX аср охири ва XX аср бошларига қадар маъмурий жиҳатдан Бухоро амирлиги тасарруфидаги Туркистон генерал-губернаторлигига қарашли Самарқанд областини қамраб олувчи Зарафшон водийси аҳолисининг турмуши, маданияти, урф-одатларини тарихий манбалар, архив ҳужжатлари, статистик маълумотлар, газета ва журнал материалларига асосланган ҳолда, шунингдек, узоқ йиллик кузатишлари натижасида мазкур тадқиқот ишини юзага келтирди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Зарафшон водийсида яшаган аҳолини машғулотларига кўра икки группага ажратиш мумкин. Бу водийнинг ўтроқ аҳолиси деҳқончилик билан чорвачиликни қўшиб олиб борган. Бундай хўжаликларда ер, сув етакчи аҳамиятга эга бўлган. Улар пахта, ғалла, дуккакли экинлар, полиз ва сабзавот экинлари, шунингдек беда экишган. Водийнинг чўл ва дашт қисмида яшаган аҳоли турмушида эса, аксинча, чорвачилик етакчи ўринда турган.

Умуман, водий аҳолиси турмушида деҳқончилик чорвачилик билан уйғунлашиб борган, чунки ер ҳайдашда, ғалла янчишда, сув тортишда, ҳосилни ташишда ҳайвон кучидан фойдаланилган. Чорва молларининг кўплаб боқилиши аҳолининг озиқ-овқат (гўшт, сут маҳсулотлари), кийим-кечак (иссиқ кийим-бош ва пой-абзал) ва ерни маҳаллий ўғит билан бойитиш имконини берган.

XIX асрда ўзбеклар этнографияси, жумладан, Зарафшон водийси аҳолиси тўғрисида баъзи бир мақола ва китоблар ёзилди. Бу манбаларнинг авторлари, асосан, рус олимлари, сайёҳлари ва дипломатлари эди.

1874 йили Л. Н. Соболевнинг «Зарафшон округи ва унинг географик, статистик маълумотлари тўғрисида»<sup>1</sup> асари босилиб чиқади. Бунда асосан Зарафшон округининг табиий шароити, территорияси, Зарафшон округининг туманлари, экин майдонлари, сув иншоотлари, сув тақсимлаш тартиби, шу билан бирга, округ қишлоқлари, аҳолиси, уларнинг этнографик состави ва шунга ўхшаш масалалар ёритилган бўлиб, бу ўлкадан кўпроқ иқтисодий жиҳатдан фойдаланиш учун ўрганишга ҳаракат қилинган. Қишлоқ аҳлининг турмуш ва маданиятини ёритиш масалаларига эътибор берилмаган.

Самарқанд область справочник китобчасида<sup>2</sup> областнинг маъмурий бўлиниши, табиий шароити, шу билан бирга, сиёсий ва иқтисодий аҳволига оид материаллар, аҳоли сонининг ўсиши, миллий таркиби, қисман бўлса-да волость, қишлоқ жамоалари ва қишлоқлар аҳолисининг қайси қабила ва уруғларга мансублиги ҳақида маълумот берилади. Шу билан бирга, уларнинг машғулоти ҳақида, яъни чорвачилик, пахтачилик, ғаллачилик, полизчилик ва деҳқончиликнинг бошқа турлари тўғрисида, уларни ўстириш усуллари, қишлоқ хўжалик қуролилари, чорвачиликнинг тармоқлари бўйича миқдори ҳамда суғоришга оид маълумотлар берилади.

Айрим манбаларда эса ўзбекларнинг урф-одатлари, халқ маорифига оид материаллар берилган<sup>3</sup>.

Революцияга қадар нашр этилган этнографик адабиётларда, биз ўрганаётган воҳада яшовчи ўзбекларнинг турмушини ёритадиган материаллар қисман мавжуд. Шулардан Г. Арандаренконинг асари<sup>4</sup> диққатга сазовордир. Автор Зарафшон воҳасидаги йилқичилик, қўйчилик ва қорамолчиликнинг умумий аҳволи, чорва молларини боқиш ва асрашда қўлланиладиган усуллар тўғрисида маълумот беради. Мазкур асар шу вақтгача ўз аҳамиятини йўқотмасдан, ўзбекларда ўтмишда чорвачилик қай аҳволда бўлганлигини ўрганаётган ҳар бир текширувчини қизиқтириб келмоқда. Лекин асар авторининг қарашларида синфий чегараланганлик се-

<sup>1</sup> Соболев Л. Н. Географические и статистические сведения о Зеравшанском округе. СПб., 1874.

<sup>2</sup> Справочная книжка Самаркандской области. Самарканд. 1895.

<sup>3</sup> Обзор Самаркандской области за 1887—1908 гг.

<sup>4</sup> Арандаренко Г. Досуги в Туркестане. СПб., 1889. С. 81—142.

зилиб туради. У йирик чорвадорлар билан чўпонлар ўртасидаги ишлаб чиқариш муносабатлари, мулкдорларнинг халқ анъаналаридан ўз манфаатлари учун фойдаланганликлари каби масалаларни меҳнаткашлар синфий нуқтаи назаридан муҳокама қилмаган ва қилолмасди ҳам.

1905 йили А. Губаревич-Радобилскийнинг «Экономический очерк Бухары и Туниса»<sup>5</sup> номли асари босилиб чиқади. Унда протекторат ҳисобланган Бухоро ва Туниснинг хўжалиги бир-бирига таққосланиб, иқтисодий жиҳатдан ўрганилади, холос. Чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ва уларнинг сонлари тўғрисида материаллар берилади-ю, лекин чорвадорларнинг турмуш ва маданияти тўғрисида ҳеч қандай маълумотлар берилмайди.

Умуман, Зарафшон водийси аҳолисининг яқин ўтмишда деҳқончилик ва чорвачиликни қай тарзда олиб борганлари, ўзларига хос урф-одатлари ва анъаналарининг илмий нуқтаи назардан тадқиқ этилиши катта аҳамиятга молик. Бу йўналишдаги ишлар совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида дагом этди. Чунончи, Ўзбекистон аҳолисининг этник составини 1924 йилда М. С. Андреев, 1926 йилда И. И. Зарубин (Самарқанд областида), 1926 йилда И. Магидович (Бухоро ва Хоразм ўлкасида) каби кўзга кўринган этнограф олимлар ўрганганлар. Чунончи, И. И. Зарубиннинг 1926 йили «Самарқанд областининг аҳолиси»<sup>6</sup> номли китоби нашр этилиб, унда 1917 йили қишлоқ хўжалик рўйхати материаллари асосида Самарқанд областида истиқомат қилувчи аҳолининг сони, этник таркиби ва жойланиш шароитлари таҳлил қилинган.

1917 йилги аҳоли рўйхати материаллари бутун Ўзбекистон территориясидаги аҳолининг миллий составини акс эттириш билан бирга, илгари аҳоли ҳеч рўйхат қилинмаган собиқ хонликлар территориясини ҳам қамраб олган. Аҳоли рўйхати туфайли республикамиз территориясида яшаётган ўзбекларнинг этник таркиби ва уларнинг сони маълум бўлди. Жумладан, Зарафшон воҳасида араблар, қорақалпоқлар, туркманлар ва эронликлар яшаганликлари аниқланди. Бу маълумотлар

---

<sup>5</sup> Губаревич-Радобылский А. Экономический очерк Бухары и Туниса, СПб., 1905.

<sup>6</sup> Зарубин И. И. Население Самаркандской области. М., 1926.

Ўзбекларнинг этник таркибига оид масалаларни ўрганишда ҳам муҳимдир.

Махсус этнографик асарлардан ташқари айрим иқтисодий адабиётларда ҳам темамизга оид бўлган кўпгина маълумотлар мавжуд. Масалан, 1929 йили К. В. Арасимовичнинг «Очерки экономики каракулеводства Узбекской ССР» номли китоби босмадан чиққан. Қоракўлчилик билан шуғулланадиган хўжаликларнинг фаолияти иқтисодий жиҳатдан таҳлил қилинган бу китобда маълум даражада этнографик маълумотлар ҳам ўз аксини топган.

1937 йили Ўзбекистон ССР районлари бўйича иқтисодий справочник нашр этилди<sup>7</sup>. Унда республиканинг бошқа районлари билан бир қаторда Самарқанд области районларидаги хўжаликларнинг қисқа вақт ичида қўлга киритган иқтисодий ютуқлари таҳлил қилинган.

1940 йили эълон қилинган А. Г. Кузнецовнинг «Экономика Самаркандской области в прошлом и настоящем»<sup>8</sup> номли мақоласида муаллиф революцияга қадар Самарқанд областининг иқтисодий аҳволига характеристика берган, революциядан сўнгги йилларда Самарқанд области хўжаликларининг ўсиши таҳлил қилган.

Урта Осиёда ўтмишда яшаган ярим ўтроқ чорвадор бўлган ўзбеклар турмушига бағишланган адабиётлар сирасида Б. Х. Кармишевнинг «Узбеки-локайцы Южного Таджикистана»<sup>9</sup> номли китоби диққатга сазовордир. Муаллиф ўзининг тўплаган этнографик материалларига асосланиб, локай ўзбекларининг хўжалиги, турмуш, маданияти, уруғларга бўлиниши, турар жойлари ва уларнинг келиб чиқиши тарихига оид масалаларни атрофлича баён этади.

Асарда локайларнинг чорвачиликни, айниқса, йилқичиликни ривожлантириш усуллари, йилқичилик билан боғлиқ бўлган ва узоқ вақтлар давомида сақланиб келаётган анъаналарга алоҳида эътибор берилади. Шунингдек, муаллиф чорвадорларнинг турар жойлари,

---

<sup>7</sup> Экономический справочник Узбекской ССР по районам. Ташкент. 1937.

<sup>8</sup> Кузнецов А. Г. Экономика Самаркандской области в прошлом и настоящем, сборник работ. Вып. I, Самарканд, 1940. С. 35—70.

<sup>9</sup> Кармышева Б. Х. Узбеки-локайцы Южного Таджикистана. Душанбе. 1954.

кийим-бошлари ва озиқ-овқатлари тўғрисида батафсил этнографик маълумот беришга ҳаракат қилади.

Ҳозирги қишлоқ аҳолисининг турмуши ва маданиятининг этнографик тадқиқи тарихчи олимлар диққатини тобора кўпроқ жалб этмоқда<sup>10</sup>.

1949 йилдан эътиборан Урта Осиё қишлоқ аҳолисининг маданияти ва турмушини ўрганишга бағишланган бир неча илмий адабиётлар босилиб чиқди<sup>11</sup>.

1954 йилда колхозчи-деҳқонлар этнографиясига бағишланган ва авторлар коллективи томонидан ёзилган биринчи этнографик монография босмадан чиқди<sup>12</sup>. 1955 йили Ўзбекистондаги колхозлар тўғрисида этнографик монография босилди: унда бошқа масалалар билан бир қаторда колхозчиларнинг турмуш тарзи ҳам ёритилган.

1962 йили чоп этилган «Жаҳон халқлари» сериясидаги Урта Осиё ва Қозоғистоннинг кўп миллатли аҳолиси этнографияси бўйича умумлаштирувчи асарда<sup>13</sup> ўзбек халқини этнографик жиҳатдан тадқиқ этишга катта эътибор берилган. Асарда Урта Осиё ҳамда Қозоғистон халқлари маданияти ва турмуш тарзининг мамлакатимиздаги барча халқлар турмуши ва маданиятига яқинлашуви, миллий маданиятнинг ривожланиши, унинг йўллари ва умумсовет маданиятининг шалланиши, миллий анъаналарнинг ҳозирги замон маданиятини бойитиш ва ривожига ёрдам берувчи илғор жиҳатлари билан бирга уларнинг маданиятига салбий таъсир кўрсатиб, ривожланишига тўсқинлик қилувчи консерватив томонлари ҳам очиқ баён этилган.

1959 йили Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тарих институти илмий ходимлари томонидан «Жануби-ғарбий Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалиги масалалари»

---

<sup>10</sup> Кисляков Н. А. К вопросу об этнографическом изучении колхозов, СЭ, 1952, № 1; Кушнер Н. Н. Об этнографическом изучении колхозного крестьянства, СЭ, 1952, № 1; Его же: Об этнографическом изучении социалистической культуры, быта народов СССР, СЭ, 1953, № 1; Воробьев М. И. К вопросу об этнографическом изучении колхозного крестьянства, СЭ, 1952, № 4.

<sup>11</sup> Калмыков И. К. Культура и быт черкесского колхозного аула, Черкесск, 1957.

<sup>12</sup> Винников Я. Г. Новый быт колхозов Марийской области, СЭ, 1950, № 1; Крбе О. А. Культура и быт казахского колхозного аула, СЭ, 1950, № 4. Жданко Т. А. Быт каракалпакского колхозного аула, СЭ, 1959, № 2; Абрамзон С. М. В киргизских колхозах Тянь-Шаня СЭ, № 4.

<sup>13</sup> Сухарева О. А. Этнографическое изучение колхозного крестьянства Средней Азии, СЭ, 1955, № 3.



номли тўплам нашр этилиб, унда янги ерларни ўзлаштириш, пахтачилик, чорвачилик, паррандачилик ҳамда Жануби-ғарбий Ўзбекистонда лалми ғаллачиликни ривожлантириш масалалари ёритилган.

1962 йили С. Ковалев, Э. Тошбеков ва Р. Валиевларнинг «Самарқанд ва Бухоро областларида қишлоқ аҳолиси ва қишлоқларининг географияси»<sup>14</sup> номли асари нашр этилди. Бу асар асосан экспедиция, кузатиш натижасида тўпланган материаллар асосида юзага келиб унда қишлоқ аҳолиси ва қишлоқларнинг жойланиш хусусиятлари, меҳнат резервларидан фойдаланиш ва аҳоли яшайдиган пунктларни ривожлантириш масалалари, турли типдаги район марказлари характеристикаси баён этилган.

Этнограф К. Шониёзовнинг «Ўзбек қарлуқлари»<sup>15</sup> номли тарихий этнографик асари ҳам диққатга сазовордир. Мазкур асар кўпгина адабиётлар ва археологик манбалар, фактик ва этнографик маълумотлар, шунингдек, авторнинг кўп йиллик кузатишлари асосида юзага келган. Бу илмий асарда ўзбек қарлуқларининг хўжалиги, моддий ва маънавий маданиятлари атрофлича таҳлил этилган. Шунингдек, Совет ҳокимияти йилларида уларнинг оилавий ва иқтисодий турмушида рўй берган ўзгаришлар, қарлуқларнинг аста-секин социалистик ўзбек миллатига қўшилиб кетганлиги илмий асосда ёритилган.

1981 йилда Қарим Шониёзовнинг этнограф Ҳаёт Исмоилов билан ҳамкорликда яна бир йирик тадқиқоти эълон қилинди<sup>16</sup>. Монографияда XIX аср охири — XX аср бошларида ўзбек халқининг турар жойлари ва кийинишларидаги хилма-хиллик классификация қилиб берилди, хўжалик юритиш ва ижтимоий ҳаётдаги эволюция таъсирида ўзбек халқи маданиятининг ўзгариш жараёнлари тадқиқ этилади. Шунингдек, асарда уруғчилик муносабатларининг барҳам топиб умуммиллий ҳаёт тарзининг қарор топиши ва айни вақтда ўзбекларнинг қўшни халқлар билан алоқасининг ўзига хос жиҳатлари ва улар маданиятининг муштараклиги таҳлил этилади.

<sup>14</sup> Ковалев С., Ташбеков Э., Валиева Р. География сельского населения и сельских населенных пунктов Самаркандской и Бухарской областей. Ташкент. 1962.

<sup>15</sup> Шаниязов К. Ўзбеки-қарлуки. Ташкент. 1964.

<sup>16</sup> Шаниязов К., Исмоилов Х. Этнографические очерки материальной культуры узбеков начала XIX — конце XX вв. Ташкент, 1981.

Исо Жабборовнинг «Ижтимоий тараққиёт, турмуш ва дин» китобида ўзбек халқининг урф-одатлари гарчи улар диний, хурофий тушунча ва ақидалар билан қоришиб кетганига қарамай ниҳоятда аниқ, қатъийлик билан тадқиқ этилади<sup>17</sup>.

Шундай қилиб, колхозчи деҳқонлар маданияти ва турмушини ўрганишда анча тажриба орттирилиб, бу соҳага оид талайгина материаллар ҳам тўпланиб қолди. Аммо шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, ўзбекларнинг ўтмиши, уларнинг жойланиши, хўжалик фаолияти, моддий ва маданий ҳаёти тарихига оид масалаларни ўз ичига олган бирон бир махсус илмий тадқиқот мавжуд эмас.

Юқорида баён этилган адабиётлар шарҳидан кўришиб турибдики, ҳанузга қадар қишлоқ аҳолисининг ўтмиши ва маданиятини ёритувчи асар яратилмаган. Ваҳолонки, мазкур мавзу ўз қиммат-эътибори билан катта-катта илмий асарлар яратиш учун манба ҳисобланади. Ушбу мавзунини ўрганиш бугунги куннинг талабидир.

Муаллиф ана шу талаб ва вазифалар мажмуасидан келиб чиқиб, ўз олдига Зарафшон воҳаси аҳолисининг ижтимоий ва хўжалик турмушини таҳлил қилиш орқали Ўзбекистон аҳолиси эришган улкан ютуқ ва муваффақиятлар борасида фикр-мулоҳаза юритишни вазифа қилиб қўяди. Мазкур асар бу борада тўпланган дастлабки тажриба деб қаралмоғи керак. Муаллиф мутахассис ва мунаққидлар ҳамда китобхонларнинг мазкур рисола ҳақида билдириладиган фикр-мулоҳазаларини самимий қабул қилади ва олдиндан уларга ўз миннатдорчилигини изҳор этади.

\* \* \*

Биз тадқиқ этаётган Зарафшон водийси революцияга қадар Бухоро амирлигининг асосий қисмини ташкил этиб, маъмурий жиҳатдан у қуйидаги беклик ва туманликларга бўлинган эди: Нурота, Қармана, Зиёвуддин, Хатирчи, Зандони, Ромитан, Шофрикон, Вобкент, Ғиждувон, Қоракўл, Ванғози, Хайробод, Нурота беклиги амирликнинг шимоли-ғарбий қисмида жойлашган бўлиб, Самарқанд областининг Жиззах ва Каттақўрғон уездлари билан чегараланган эди. Унинг шарқий қисмини тоғ этакларидаги боғ-роғлар, токзор қишлоқлар ташкил этса, ғарбий қисми асосан Қизилқумга туташ бўлиб, у ерда ярим ўтроқ деҳқон ва чорвадорлар яшар

<sup>17</sup> Джаббаров И. Общественный прогресс, быт и религия (На материалах Узбекской ССР), Ташкент, 1978.

эди. Бу ерда тақирлар кўп бўлиб, уларнинг суви чучук ёки шўрроқ, лекин ичишга яроқли ҳисобланарди. Бу тақирлар ёзда қуриб қоларди. Адирларда чучук сувли булоқлар ва жилғаларни ҳамон учратиш мумкин. Бироқ кузга бориб улар ҳам бутунлай қуриб қолади. Нурота воҳасида йирик сув ости ариқлари — кориз қолдиқлари учрайдики, буни халқ ўз кучи билан яратган. Ярим ўтроқ аҳоли қатъий маъмурий тузумга эга эмас ва ҳақиқатда ўз устида бирон ҳокимият борлигини тўла ҳис этмаган. Фақат жамоа оқсоқоллари — элбеги ёрдамида турли солиқларни ундириб олинарди. Бу аҳоли шартли равишда Нурота беклиги таркибига киритилган.

Ўтроқ аҳолининг бир қисми водийда ва сув бўйидаги тор тоғ ёнбағирларида яшарди. Бу жойларда йирик сув манбалари деярли йўқ эди. Шунинг учун ҳам тақир, булоқ, коризлардан сув олиб, ер суғориш мушкул эди. Ҳар қайси чашма ёнида 3—4 хўжалик яшарди. Бундай кичик-кичик қишлоқлар бутун воҳада сочилиб ётарди. «Табий чегара ер» номи билан бирлашган бу хўжаликларни умумий оқсоқол — мингбоши бошқарарди.

Қармана, Зиёвуддин ва Хатирчи бекликлари Нурота беклигидан жанубда жойлашиб, Каттакўрғон водийсининг табий давоми эди. Хатирчи беклиги Зарафшон дарёсининг ўнг тарафида. Тос ва Шавот ариқлари шу ердан оқиб ўтади. Нарпай ариғининг чап қирғоғида Зиёвуддин беклиги, ғарбида, Зарафшон дарёсининг қуйи қисмида, Нарпай ариғининг охирида Қармана беклиги жойлашган. Бухоро вилояти ҳам Нурота беклиги сингари ўтроқ аҳолиси дарё этакларида яшаб кўчманчи аҳолиси ана шу манзилни ҳар тарафдан қуршаб турган чўлда чорвачилик билан машғул эди. Вилоятнинг Гиждувон тумани Қармана беклиги билан чегарада жойлашган ҳамда Зарафшон дарёсидан чиқарилган Пирмаст, Хархур, Руд ва Або Муслим ариқлари уни сув билан таъминлаган. Бухоро воҳасининг шимолида жойлашган қўшни Вобкент тумани Вобкентдарё ва Султонрабат ариқларидан суғорилар эди.

Зарафшон дарёси Қоракўл воҳасидан ўтиб қумлик ва ботқоқликлар орасига йўқолиб кетади.

XIX аср охири — XX аср бошида Зарафшон водийси аҳолисининг этник таркиби хилма-хил эди. Бу ерда ўзбеклар, тожиклар, туркманлар, қозоқлар, қорақалпоқлар, қирғизлар, Урта Осиё эронийлари, араблар ва яҳудий ҳамда бир қанча элатлар яшар эди. Ўзбеклар аҳолининг асосий қисмини ташкил ётарди. 1924 йилги

аҳоли рўйхатига қараганда, мазкур территорияда 422 892 киши яшаган, шундан 367 880 киши (77,6 процент қишлоқ ва 22,4 процент шаҳар аҳолиси) ўзбеклар эди\*. Бухоро хонлиги иқтисодий ҳаётида деҳқончилик қадимдан алоҳида муҳим ўрин эгаллаб келган. Урта Осиёда, Бухоро хонлигида деҳқончилик жуда катта машаққат эвазига сунъий суғориш асосида олиб бориларди.

Асрлар оша яратилган интенсив хўжалик деҳқондан турлича ер ва иқлим шароитларга мослашишга, табиат билан оғир кураш натижасида қўлга киритилган ерни буюк жасорат ва санъат билан сақлашни талаб қилар эди. Афсуски, юқори малакали деҳқон кетмон, омов билан иш кўришга мажбур эди. Воҳада ўзига хос манзарали йирик деҳқончилик қисман мавжуд бўлса ҳам, ерни кўпинча майда-майда қисмларга бўлиб фойдаланиб келинган. Бухоро хонлиги ХХ аср бошларига қадар деярли аграр ўлка эди. Ерларни суғорилишига кўра қуйидаги тоифаларга ажратиш мумкин:

Сунъий суғориладиган ерлар; шартли суғориладиган ерлар; чиғир ёрдамида суғориладиган ерлар; булоқдан суғориладиган ерлар; кориздан суғориладиган ерлар; лалми ерлар.

Биринчи ўринда сунъий суғориладиган ерлар туради. Чунки сунъий суғориладиган ерлар Фарбий Бухоро маданий ҳаётининг асоси эди. Бухоронинг ўзига хос иқлим шароитида сунъий суғориладиган ерлар юқори сифатли пахта, ғалла, сабзавот ва ҳўл мева етиштириш имконини бериб келган.

1911 йили Бухоро амирлигининг мавжуд суғориладиган ерларида қишлоқ хўжалик рўйхати ўтказилди. Бу рўйхат Зарафшон воҳасидаги Хатирчи, Зиёвуддин ва Кармана бекликлари, Жондор, Шаҳристон, Хайробод, Бўстон, Ванғози ва Азизобод, Жанубий руд, Қуйи руд, Баҳовуддин, Харгуш, Галаосиё, Қоракўл, Пайканд, Фиждувон, Вобкент, Шофрикон, Ромитан, Зандони, Пирмаст (Ғаждумак) ҳамда Султонобод ерларини қамраб олади. Рўйхатда суғориладиган ерлар майдони ҳисоблаб чиқилган, сув мулки турлари санаб чиқилган бўлса-да, қишлоқ хўжалик экинларининг жойлашиши, уларнинг турлари ва сони акс этмаган. Революцияга қадар Хайробод, Ромитан, Зандони, Шофрикон, Фижду-

\* Магидович И. М. Материалы по районированию Средней Азии. кн. I. Бухара — Ташкент. 1926.

вон туманларида экиладиган экинлар орасида биринчи ўринда ғалла (60,3 процент), иккинчи ўринда пахта (18,1 процент), кейин беда (11,3 процент), жўхори (6,3 процент) ва бошқа экинлар (4,1 процент) турар эди. Баҳовуддин, Ғиждувон, Вобкент ва Азизобод туманларида пахта — 24,5, ғалла — 51,1, беда — 14,5, жўхори — 6,3 ва бошқа экинлар 3,6 процентни; Қорақўл туманлигида пахта — 29,9, ғалла — 49,3, беда — 14,2, жўхори — 6,3 ва бошқа экинлар 7,3 процентни; Хатирчи ва Зиёвуддин бекликларида ғалла — 42,7, пахта — 23,1, беда — 18, жўхори — 4,3, бошқа экинлар 3,9 процентни; Кармана беклигида ғалла — 59,2, пахта — 15,41, беда — 13,4, жўхори — 6,3, бошқа экинлар 5 процентни ташкил этган. Воҳанинг Бухоро қисми билан Самарқанд қисми ўртасидаги экинларни тақсимлаб экиш бўйича асосий фарқ шундаки, амирлик ерларида асосан пахта ва дон экилган. Пахтачиликнинг ривожланиши, бедани алмашлаб экиш шудгорлар камайишига олиб келди. Зарафшон воҳасида эса пахтачилик кенг тарқалиши билан йирик шудгор ерлар кўпайганини кўрамиз. Воҳанинг Бухоро қисми Зарафшон дарёсининг мансабида бўлиб, Самарқанд қисмига нисбатан сув тақчиллиги кучлироқ эди, шунинг учун пахтачилик тарқалиши билан шудгор ерлар анча кўпайди. Сув манбаларидан чекка, кам сув ерларда пахта ғалла экинларини сиқиб чиқарди. Барча суғориладиган ерларга қандай экин экилишидан қатъий назар тўла ишлов берилар, ҳосилдорликни ошириш учун далага маҳаллий ўғит чиқарилар эди. Қуйи Зарафшонда маҳаллий ғўза экилган. Биз билан суҳбатда қариялар бунини шундай шарҳладилар: аввалдан экилиб келинган бухоро ғўзаси пахтанинг америка навига нисбатан бир қанча устунликларга эга. Жумладан, у сув ва ўғитга кам талабчан, куз совуқларига чидамли. Шу афзалликлари туфайли маълум жойларда, ғўза деҳқон хўжалигида анчагача сақланиб қолган, рус фирмалари Бухорода пахтанинг америка навини экишга уриниб кўрган бўлсалар ҳам, дастлабки йилларда ўйлаган натижани бермади.

Умуман, Зарафшон қуйи ва ўрта оқими аҳолиси қадимдан деҳқончилик билан шуғулланиб қишлоқ хўжалиги маданиятини юқори поғонага кўтарган эди.

Биз 1924 йилги қишлоқ хўжалик рўйхати бўйича 1911 йилги рўйхатни тўлдирдик<sup>18</sup>. 1911 йил рўйхати-

<sup>18</sup> ЦГА — ф. 58, д. 349, л. 3.

даги аниқ ер ҳажми ва сифатини, экиннинг турлари, уларнинг жойлашуви, сони, шунингдек, процент нисбатини 1924 йилги рўйхатга олиш маълумотлари билан тўлдирдик<sup>19</sup>. Биз умумлашма маълумотлардан қишлоқ хўжалик экинларининг турлари ва майдонини аниқладик. Бу маълумотлар умумлаштирилган 1-жадвалда келтирилди.

1-жадвал

Қули Зарафшон сугориладиган

Қули Зарафшон ерлари	Сугориладиган ер		Сугориладиган ер
	Ҳаммаси та- нобгектар	Ноқулай ерлар	
1. Хатирчи беклиги	241406	15830	
	60351,5	3957,5	56394,0
2. Зиёвуддин беклиги	841600	108500	
	60400	27125	31275,0
3. Кармана беклиги	69977		
	17494,25	2252,75	1093650
4. Жондор, Шаҳрислом ва Хараб ерлари	75077	36200	
	18769,5	9050	9719,5
5. Бўстон, Ганғози, Азизобод ерлари	47738	12500	
	11934	3125	8814,0
	98449	27450	
6. Баҳовуддин, Руд, Мозори Шариф ва Поёни Руд	2461225	6862,5	17749,75
	75000		
7. Харгуш ва Галаосиё	18700	—	18750,0
8. Қоракўл ерлари	136719	500	
	34179,75	1250	32929,75
	84184	11300	
9. Пойканд ерлари	606	2825	3221,0
	147500		
10. Ғиждувон ерлари	3675	—	36875,0
	89000	25000	
11. Ғобкент ерлари	22250	6250	16000
	27000	8000	
12. Шофрикон ерлари	6750	2000	4750
	65000	10000	
13. Ромитан ерлари	16250	2500	17750
	100000	4000	
14. Зандонин ерлари	25000	1000	24000
	17759	3112	
15. Пирмаст (Ғаждумак) ерлари	4439,75	778	366175
	18934	500	
16. Султанообод ерлари	4733,5	125	4608,5
	1475343	276403	
Жами:	368835,5	69100,75	293494,75

<sup>19</sup> ЦГА — ф. 58, д. 343, л. 4, 5, 6, 7, 8, 9; Бюллетень ЦСУ Уз-бекистана. № 7. Самарканд. 1925 г. С. 28, 29, 32—33.

1911 йилги статистик материаллар бўйича Бухоро амирлигида Қуйи Зарафшоннинг<sup>20</sup> жами суғориладиган ерлари 1 475 343 таноб (368 835,5 га)ни ташкил этади, шу жумладан, ноқулай ерлар 276 408 танобни (69 100,75 га), суғориладиган ерлар 293 434,75 танобни, қўриқ экинлар 49 941 танобни (12 485,25 га)<sup>21</sup> ташкил этган.

ерлари ( XX аср бошлари)

Гектар ҳисобида					
пахта	шоли	беда	ғаalla	жўхори	бошқа экинлар
13027	—	10151	24070	3722	5424
7225	—	5629	13261	2064	3098
1693	—	14735	65105	692,7	571,8
1749,5	—	1098,3	5861,3	611,9	393,5
1586,6	—	995,9	5114,8	555,3	361,4
4348,7	—	2573,7	9067,95	1118,2	639,2
4593,7	—	9718,8	9581,3	1181,2	675
4540,9	—	4676	16234	2074,5	2403
579,8	—	364	1952	1932	132
5034,4	—	5341,9	18343	2323,1	13275
3920	—	2320	8172	1008	576
855,5	—	536,5	2864	300	194
2475	—	1554	8291	266	564
4 20	—	2717	14472	1512	584
659	—	414	2208	230	150
7100	23	617,4	2728	290	239,6
64318	78	43183	149435	718743	17736

<sup>20</sup> Кармана, Зиёвуддин, Хатирчи, Нурота бекликлари, Ғиждувон, Боҳовуддин, Азизобод (Ванғози), Хайробод, Вобкент, Шофриконт, Ромитон, Зандон, Пирмаст, Қоракўл ерлари.

<sup>21</sup> ЦГА — ф. 58, д. 349, л. 3; ЦГА — ф. 58, д. 343, л. 4—9.

**ЗАРАФШОН ВОДИЙСИ АҲОЛИСИ.  
XIX АСР ОХИРИ ВА XX АСР БОШЛАРИДА ДЕҲҚОНЧИЛИК  
ВА ҚИШЛОҚ ХУЖАЛИГИ ЭКИНЛАРИ СИСТЕМАСИ**

Зарафшон водийсида деҳқончилик жуда қадимдан мавжуд бўлиб, унинг мураккаб чўл иқлими, тоғ-тошли, қумли, шўрхок тупроқ шароитида маҳаллий аҳоли сунъий каналлар барпо этиши, тупроқни маданийлаштириш ҳисобига деҳқончилик маданияти юксалди. Бироқ бу, ўз навбатида, кичик ер эгалигини тобора орттириб борди.

Кичик ер эгаси юксак интенсив хўжалик юритишга доир малака орттиришга мажбур эди. Унда, ўз меҳнати-га алоҳида эътибор билан қараш таркиб топган эди. Чунки Зарафшон воҳасидаги ерларда хўжалик юритиш шароитлари, биринчи навбатда, ер майдонларининг бир-биридан узоқ жойлашиши, деҳқонни табиат бағридан юлиб олинган ҳар бир қарич ерни эъзозлашга ундирди. Шу тариқа йиллар давомида интенсив хўжалик юритиш малакаси ва у билан боғлиқ психология шаклланди.

XIX асрнинг охири — XX аср бошларида фақат деҳқончилик қилиш мумкин бўлган муайян ерларни бир неча йиллаб ташлаб қўйиб, бошқа ерларга экин экиш ўрнига алмашлаб деҳқончилик қилиш системаси мавжуд эди. Бундан ташқари, лалмикор экинлар намлик билан таъминланадиган тоғ олди зоналарида типик донли деҳқончилик системаси учрайди. Бу жойларда муайян ерга экин экилмаса-да, у шудгор ҳолича қолдирилган, бошқа майдонлар эса экин билан банд бўлган. Тупроқ унумдорлиги маҳаллий ўғит солиш ва экинларни алмашлаб экиш йўли билан мунтазам равишда ошириб борилган.

Ҳар йили экин экилавергач, ер ҳолдан кетиши, унумдорлиги пасайиб, бегона ўт босиб кетиши деҳқонга маълум эди. Майдонга бошқа экин экиш ёки унинг бир қисмини бир неча йил бўш қолдириб дам бериш натижасида ўша яроқсиз майдонлар қайта ишга солинган.



Шу туфайли узоқ вақтлар давомида деҳқончилик тарихида кенг тарқалган ва Зарафшон воҳаси иқлими шароитига мослаштирилган деҳқончиликнинг партов, қарши шудгор қилиш системаси азалдан давом этиб келган.

Фарғона водийсида XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида партов ерлар оз ва кичик, ўзлаштирилмаган ерлар эса ундан ҳам кам, баъзи районларида, аксинча, партов ва бўз ерлар катта майдонни ишғол этган. Зарафшон водийсининг деярли ҳамма районларида кичик партов ерларнинг кўплиги кўзга ташланади.

Зарафшоннинг юқори, ўрта ва қуйи оқими бўйларидаги майдонлар шудгорлашга қулай, ариқлар тартиби билан тортилган эди. Партов ерлар мазкур жойларда сув чиқаришнинг қийинлиги туфайли содир бўлган. Булунғур районида — Зарафшон дарёсининг юқори қисмида суғорилиши мумкин бўлган ерлар 5,5 минг гектарни ташкил этган. Шундан ҳар йили 3,2 гектарга яқин майдонга экин экилиб, қолгани ишланмай қолган. Эски Бухоро райони (Зарафшоннинг қуйи қисми)да экишга яроқли, ирригация тармоғига эга бўлган суғориладиган ер 60 минг гектарни ташкил этган. Шундан 27 740 гектарига экин экилган, холос. Қолгани фойдаланилмаган партов ерлар, зовур қазилган бўз ерлар эди.

**Ернинг номланиши.** Узоқ вақтлар давомида деҳқончилик билан шуғулланиш натижасида тупроқ ер хусусиятидан келиб чиққан ҳолда уларнинг номлари ҳам пайдо бўлган. Чунончи:

Партов ер — сув ёки куч етишмаслиги оқибатида экин экилмай қолдирилган ер;

чимтол ер — экин экилмаган ажриқзор;

шўрхок ер — обод қилинган қир ва қўриқ ерлар;

сирт ер — қора тупроқли серҳосил ер;

бўз ер — ўзлаштирилиши лозим бўлган янги ерлар;

чакка-замин ер — ўзлаштирилган қора ва сариқ қумли ерлар;

тошлоқ ер — фойдаланилмай ётган майда тошли ерлар.

Маҳаллий аҳоли ернинг тўрт томони тенг келса уни чорпалла, агар бурчаги учта бўлса уч кунжоқ ер деб аташган. Шунингдек, чорпалла ёки уч кунжоқ ерларнинг чап ёки ўнг томони нотекис бўлиб, омоч бормасдан ҳайдалмай қолган жойлари ернинг бачкиси, қийғи деб юритилган.

Ер сатҳидан баланд қилиб кўтарилган тупроқни ернинг чеки, бу жараёни эса чек кўтариш деб аталган. Чек — тўрт томони экин экилмаган майдон бўлиб, воҳанинг баъзи районларида чел деб юритилган. Унинг ўртаси Бухоро воҳасида ер, Қоракўлда «отз» дейилган. Баъзан, чел ўрнида ровч сўзи ҳам ишлатилган. Кармана, Зиёвуддин, Хатирчи бекликларида пол деб юритилган.

Ернинг шўрини ювишда унинг тўрт томонидан сув бошқа томонга оқиб кетмаслиги учун тупроқ 30—100 см баландликда кўтарилган. Экин экиладиган бундай жойларни дала, чорва боқиладиган майдонларни яйлов деб юритганлар.

XIX асрнинг охири — XX аср бошларида, юқорида кўрганимиздек, қишлоқ аҳолисининг турмушида қишлоқ хўжалик сўзларининг хилма-хил номланиши ва бу сўзларнинг халқ тилига кириб келиши деҳқончилик маданиятининг устунлигини кўрсатади.

**Шудгор.** Деҳқон келгуси йил ҳосили учун тайёргарлик ишларини дастлаб ерни шудгор қилишдан бошлаган. Бўлажак ҳосилнинг тақдири деҳқон учун шудгорнинг ўз вақтида сифатли ўтказилишига боғлиқлиги узоқ йиллар давомида турмуш тажрибасидан маълум эди. Улар шудгор қилишда асосан қуйидаги масалаларга эътибор берганлар. Даставвал ернинг хусусияти ҳисобга олинган. Шунингдек, улар тупроқнинг кучсизлиги ёки унумдорлигига, ернинг шўр ёки шўр эмаслигига, текис ёки нотекислигига, сувга талабчанлигига, тупроқ тузилишига, алмашлаб экишга, экиладиган экин хилига катта эътибор берганлар.

Чунки, соҳибкор олдин шу майдонга турли хил экинлар экиб, ундан олган ҳосил натижаларини бир-бирига таққослаб, қайси экиндан қачон, қанча ҳосил олганлигини ҳисобга олган ҳолда келаси йил қандай экин экишини, неча марта ҳосил олишини белгилаб, бирон бир хулосага келгандан сўнггина шунга мос равишда шудгор қилган.

Ерни шудгор қилиш деҳқончилик хўжалигида, умуман деҳқон ҳаётида энг муҳим, энг масъулиятли давр ҳисобланади. Шунинг учун ҳам халқ ўртасида «ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда» мақоли кенг тарқалган.

Ерга дастлабки ишлов бериш — шудгорлаш от-хўкиз қўшилган омоч ёрдамида амалга оширилган. Бунда биринчи ҳайдашда ернинг остки қатлами ағдарилмаган, фақат ер ёриб юмшатишган, холос. Шунинг учун ҳам

деҳқонлар ўз ерларини одатда 2—3 марта, тиришқоқ, ҳаракатчан ер эгалари 4 мартагача, чимзор ва бедазор майдонларни 5—6 мартагача ҳайдаганлар — шудгор қилганлар (Ернинг биринчи ҳайдалиши ерни ёриш, иккинчи ҳайдашни эса тупроқ қўшиш деб аталган).

Шуни ҳам айтиш керакки, шудгорлашнинг биринчи ҳайдалиши узунасига бўлса, иккинчиси кўндалангига ўтказилган. Ер текис бўлса, сихмола ёрдамида ҳайдалган. Агар майдон текис бўлмаса яна узунасига ва кўндалангига ҳайдалган. Ер сихмола билан ҳайдалганда, унинг сихли томони билан кесакларнинг майдаланиши кўзда тутилган. Бу сихмола ҳайдаш деб ҳисобланган. Сўнгра моланинг сихсиз томони юргизилган. Бу паст мола деб юритилган. Шу тариқа ер экишга тайёрланган.

Деҳқон ерни шудгор қилаётганда меҳнат қуроллари ва ишчи кучининг етарли ёки етишмаслигини ҳам ҳисобга олган. Ишчи кучи етарли бўлса икки марта, етарли бўлмаса бир марта шудгор билан чегараланилган. Бир марта ҳайдаладиган ерлар ниҳоятда майдалаб шудгорланган, бундай усул қирқиб ҳайдаш деб аталган.

Тажрибали деҳқонлар узоқ йиллар мобайнида ердан юқори ҳосил олиш учун шудгор қилишнинг муҳим усулларини ишлаб чиққанлар. Чунончи, буғдой ва арпа ўриб, йиғиштириб олинган почпоя ёки ангор ер кесакли қилиб ҳайдалган.

Бунда йирик кесаклар офтобда тобланган ҳамда бегона ўтлар қуриган. Бу майдонлар ҳар ҳафтада бир маротаба ҳайдалиб, кесак ва тупроқлар ўз ўрнидан қўзғатиб турилган. Натижада офтоб борган сари тупроққа сингиган ва намлик мутлақо тугаган. Кесаклар секин-аста майдаланиб, оқ тупроққа айланган. Сўнг майдон суғорилган ва у етилиши билан сихмоланинг сихли томони билан ҳайдалган. Бу ишни деҳқон дандана мола деб атаган. Бу майдон 15 кун бўш турган. Бегона ўтлар униб чиқа бошлаганда деҳқон яна ерни ҳам узунасига, ҳам кўндалангига 4—5 маротаба шудгор қилиб, экишга тайёрлаган. Натижада бу майдонда бегона ўт қайта униб чиқмаган<sup>1</sup>. Буғдой униб чиққандан

---

<sup>1</sup> Ҳайдалаётган қаттиқ ерлар сув қуйиб, тупроқ етилиши (намлик ўртача бўлиши) билан шудгорланган. Аммо суғормасдан шудгорланган майдонлар ҳам мавжуд эди. Баъзи бир экинлар баҳор ойлари йиғиштириб олинаётганда суғорилгани учун бу жойни шудгор олдидан суғориш шарт бўлмаган — Т. Х.

сўнг у бир марта, шунингдек, ўрим олдида яна бир бор суғорилган (куз ва баҳор ойларида)<sup>1</sup>.

Кўпчилик деҳқонлар ерни кесак ҳолда шудгор қилиш тарафдори бўлганлар. Зеро, академик А. Миддендорф маҳаллий аҳолининг ерда зўр бериб ишлашини тасвирлар экан, майдондаги йирик кесакларнинг кўплигидан таажжубланиб шундай деб ёзган эди: «Ҳар қандай яхши маълумотли қишлоқ хўжалиги министри конкурс мукофоти учун қуйидаги мавзунини эшитганида ҳайратдан лол қолган бўларди. Ер шундай ҳайдалиши керакки, ишлов бериш тамомланган майдоннинг ҳар бир квадрат футида мушт катталигида биттадан кесак бўлсин»\*.

Деҳқоннинг ерни кесакли қилиб шудгорлашдан асосий мақсади фақатгина бегона ўтларга қарши курашиш бўлмаган. Уларнинг фикрига кўра, ерни бундай шудгорлаш ҳосилни қурғоқчиликдан сақлаган. Куз ойлари бу хилда шудгорлаш янада фойдали бўлган. Чунки баҳорга қадар ер намга тўйиниб турган.

Деҳқонлар кўпинча икки марта ҳосил олишга ҳаракат қилишган. Хусусан, арпа, буғдой ёки жўхори ҳосилни йиғиштириб олгач, ўрнига мош, тарик, қўноқ ёки қовун экилган. Баъзи жойларда кузги ҳосил йиғиштириб олингандан кейин, ўрни келгуси (кузги) шудгорга ча бўш қолдирилган. Бўш жойдан яйлов сифатида ҳам фойдаланганлар.

Экиндан бўшаган ва дам бериш учун мўлжалланган майдонларга ишлов бериш деҳқончиликнинг муҳим омили ҳисобланган. Кузги шудгор туфайли ер қиш ҳавоси билан тўйинган. Дам олдирилган ерлар озиқ моддаларга бой бўлган. Ҳатто қурғоқчилик йиллари ҳам бундай майдонларда яхши ҳосил етиштириш мумкин эди.

Воҳанинг баъзи районларида икки далали системага амал қилинган. Хусусан, биринчи йили ҳосил олингач, иккинчи йили ер шудгорлигича қолдирилган. Учинчи йили яна ҳосил олиниб, тўртинчи йили шудгор ҳолда дам берилган.

Партов ерларга ишлов бериш алоҳида диққатни жалб этади. Одатда баҳорги экинлар йиғиштириб олингандан кейин партов ер қолдирилган. Камбағал хўжаликлар ерини кузда шудгор қилмаган, қишда ҳам ҳайдамаган, фақат суғориб турган, холос. Шўрхок ерлар ҳатто 4—5 марта суғорилган. Бу тадбир ноябрь ойида

\* Қаранг: Миддендорф А. Очерки Ферганской долины. СПб., 1872.

бир марта, декабрь ва январда икки марта ўтказилган.

Эрта кўкламда ер яна бир марта суғорилиб, тобига етгач, ҳайдалган. Омоч билан икки марта ҳайдалган майдон то май ойига қадар ишлов бермай қолдирилган. Ер экин экилгунга қадар ойда икки марта ҳайдаб турилган. Бироқ, ер ҳайдашдан аввал тупроқ шаронтига албатта эътибор берилган. Унумдор, бўлиқ тупроқли майдон шўрхок, камбағал тупроқли ерга нисбатан камроқ ишлов талаб этган. Шунинг учун ҳам баъзи партов ерлар ёзда беш марта ҳайдов талаб қилгани ҳолда бошқа ерлар 7—8 марта ҳайдалиши зарур эди. Ҳайдов чуқурлиги қўшиладиган улов кучига қараб 8—15 (16—30 сантиметр) ангуштгача етган. Албатта, баъзи ҳоллар бу чуқурлик 40—45 сантиметрга ҳам етган.

Партов ер ёзда суғорилмаган.

Воҳа деҳқончилик маданиятининг бир қирраси бу ерларга бир йил дам бериб унинг кучини сақлаш баробарида экин майдонига табиий ва сунъий ўғитдан кенг фойдаланиш маҳоратида ҳам намоён бўлади. Табиий ўғит суғориладиган далаларга Зарафшон дарёсининг суви билан бирга оқиб келадиган турли хил органик моддаларга бой бўлган лойқа ва балчиқлардан иборат эди. Бундай табиий ўғитлар ерни бойитиб, юқори ҳосил олиш имконини берган.

Гўнгдан қуйидагича фойдаланишган: эски деворларни, тепалик, жарликларни текислаш вақтида чиққан ортиқча тупроқни гўнг билан тенг нисбатда қўшиб унумдор тупроқ ҳосил қилганлар. Бу тупроқнинг ҳам икки хили бўлган: қади суви — эски деворлар, жарлик, тепаликларни текислаш вақтида олинган тупроқ билан аралашган гўнг. Қағил тупроқ — том сувоғи, девор сувоғи қўшилган гўнг, яъни сомон ва похол қўшилган кесак тупроқли ўғит. Ҳар йили бир десятина ерга берилладиган қади суви миқдори экиладиган экиннинг хилига кўра, шунингдек, хўжаликдаги мавжуд имкониятлардан келиб чиққан ҳолда 50 пуддан 2500 пудгача етган.

Ўғит далага куз ё баҳорда олиб чиқилган. Кузда дам олган ер суғорилгач, ўғитланган майдон текисланиб, икки марта ҳайдалган, мола билан юмшатилиб бир текис дон сочилган. Дон сочилган майдон омоч билан икки тарафлама 8—10 ангушт (16—20 см) чуқурликда ҳайдалган. Бунда уруғлик 8—10 см чуқурликка тушган. Ҳайдалган майдон мола билан текисланган. Агар партов ерга пахта экиш мўлжалланган бўлса, қиш бўйи ерга тегилмаган. Ўғит баҳорда далага чиқа-

рилган ва ер ҳайдалаверган, мола бостирилган, текисланган, чигит қадалган.

Тупроққа бир йиллик дам бериш натижасида бегона ўтлар камаяди, ер шўрланмайди, тупроқ кучга тўлиб келгуси йили мўл ҳосил беради. Қишки суғориш натижасида тупроқ юзасига чиқиб қолган тузлар остки қатламга тушиб кетса, ёзги қайта-қайта ҳайдалиш натижасида ҳайдалма қатлам капиллярлиги сусайиб, тузларнинг юқори қатламга чиқиши тўхтайд.

Қисқа партов, яъни шудгор партов учун ер қолдириш имконияти бўлмаган хўжаликлар учун хос эди. Шудгор одатда кузда, экинлар йиғиштириб олиниши билан бошланган. Бунинг учун ҳосил йиғиштириб олингач, майдон яхшилаб суғорилган ва ер тобига етгач, 4—5 марта омоч билан ҳайдаб чиқилган. Бордию, кузда дон сочилиши кўзда тутилса, албатта далага ўғит чиқарилиб, ер ҳайдалган, сихмола билан ишлов бериб экин экилган. Агар кузда экин экилмаса, март ойида майдон суғорилган ва 2—3 кун ўтгач, ўғит ҳайдалма қатламга қўшиб юборилган. Бунинг учун ер қайтадан ҳам тўғрига, ҳам ёнига ҳайдалган, сўнг сихмола билан ишлов берилган. Апрель ойида бошқа баҳорги экинлар экилган.

Қандай ўсимлик бўлишидан қатъи назар экин экишда қуйидаги қоидага амал қилинган:

1) Экин экиш олдидан 1—2 ҳафта илгари суғориш (баъзан сув танқислиги туфайли бунинг имкони бўлмаган).

2) Далага ўғит чиқариб тупроққа қўшиш (ҳам бўйламасига, ҳам ёнига икки қайта омоч билан ҳайдаш).

3) Майдонни сихмола билан текислаш.

4) Уруғ қадаш, дон сепиш.

5) Дон сепилгач, ерни икки марта ҳайдаб доннинг маълум чуқурликка тушишини таъминлаш.

Ерни мола билан текислашнинг аҳамияти катта эди. Ҳар сафар ер ҳайдалиши кетидан бороналаш, яъни сихмола билан ишлов бериш махсус қоидага айланган эди. Фақат ишчи кучи ва меҳнат қуроли етишмовчилиги оқибатида бу иш амалга оширилмай қоларди. Ерни текислаш суғориш талабларидан келиб чиқарди. Чунки сув босиб берилгани учун ҳам майдоннинг ниҳоятда текис бўлиши, сув бир текисда тақсимланиши зарур эди. Баъзан шундай ҳоллар ҳам кузатилганки, майдоннинг чуқур жойлари тупроқ билан тўлдирилиб, дўнглик олиб ташланиб текисланган. Майдон четлари 0,5 метр

баландликда дўнг қилиб чиқарилган. Бу эса ўша майдондаги сувни тутиб туриш учун хизмат қилган.

Деҳқонлар ўз экин майдонларини тўрт қисмга ажратишган; биринчи қисмига беда, иккинчи қисмига баҳорги экинлар (пахта, кунжут, жўхори ва ҳоказо), учинчи қисмига кузги экинлар — буғдой ва арпа экилган, тўртинчи қисми партов ер.

Экинларнинг алмашлаб экилиши қуйидагича борарди:

а) Ерга буғдой ва арпа (кузги экинлар) экилган.

б) Кузги экинлардан тозаланган ерга баҳорги экинлар экилган.

в) Ҳосил йиғиб олинган мазкур майдон партов учун қолдирилиб, бир йилгача экин экилмаган.

Бу изчиллик уч далали системага яқин келади, натижада тартиб бузилиши мумкин. Чунончи, икки-уч йил давомида буғдой ва пахта бир майдоннинг ўзига экилган, бир йил дам берилгач, шу ерга пахта ёки бошқа баҳори экинлар экилган. Баъзи хўжаликлар эса иложи бўлмагач, партов ерга полиз экиб юборган, кетидан шу майдонга кузги ва баҳорги экинлар ҳам экиб юборилаверган. Кўпинча кузги экинлар йиғиб олингач, ем-хашак учун жўхори экилган. Беда йиғиштириб олинган ерга эса 2—3 йил давомида пахта экилган. Хўжаликлари қўшни бўлган деҳқонлар кўпинча биргаликда бир хил экин экишган. Бу маҳсулотни сотиш, уни ташиш имкониятини оширган. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, партов ер қолдириш ёки шудгор қилиб мунтазам алмашлаб экишга риоя этилиши далаларда бегона ўтларнинг бўлмаслиги ва юқори ҳосил олиш имконини берган.

### **Суғоришни ташкил этиш**

Маълумки, Зарафшон водийси деҳқончилик хўжаликларининг асосий қисми дарё бўйида ёки унга яқин жойлашган. Водийнинг тоғ иқлимли қисмида намликнинг етарли бўлиши, ёнғингарчиликнинг кўплиги туфайли лалмикор деҳқончилик ривожланган ҳолда, водийнинг шўрхок тупроқли дашт қир зонасида иссиқ иқлим шароитида йирик суғорма деҳқончилик маданияти вужудга келган. Бунда айниқса, қадимдан давом этиб келган ирригация иншоотларининг бунёд этилиши масаласи муҳим ўрни эгаллайди\*. Оддий ариқдан тортиб то дарёдан бош олган йирик канал бунёд этиш ҳам

\* Муҳаммаджонов А. Р. Қуйн Зарафшон водийсининг суғорилиш тарихи. Тошкент, 1972.

оддий халқ ёки унинг вакиллари ташаббуси билан ташкил этилиб, жамоа аҳли томонидан қўллаб-қувватланган. Натижада асрлар мобайнида жуда катта ирригация иншоотлари тармоғи вужудга келган.

Суғорма деҳқончилиқни ариқсиз тасаввур этиб бўлмайди. Хўш, у қандай вужудга келган? Халқимизда бир киши ариқ қазийди, минг киши сув ичади деган мақол бор. Дарвоқе, шундай. Катта оқар сувдан узоқда жойлашган хўжалиқ эгаси узоқдан ариқ очиб келган. Бу ариқ шу кишининг номи билан юритилган. Лекин вақт ўтиши билан ариқ кенгайтирилиб, янги ерлар ўзлаштирилган, шу ариқдан бир хўжалиқ эмас, бир неча хўжалиқ фойдалана бошлаган.

Ариқни тузатиш, яъни қазиш, чуқурлаштириш ва бошқа ишларни илгари ариқни чиқарган кишининг ўзи бажарган бўлса, кейинчалик шу ариқдан ўз ерларини суғораётган хўжалиқларнинг ҳаммаси ўз ишчи кучи ва маблағи билан иштирок этган, ариқ қазиш, тозалаш, ариқ марзаларини баландроқ кўтариш, сув очиш қулоқларини қайта қуриш ва уни тузатиш, кўприк қуриш каби ва зарурат тугилганда бошқа ишларни қўшни хўжалиқлар билан ҳамкорликда ҳашар йўли билан амалга оширганлар.

Сув хўжалиғи билан боғлиқ барча ишлар жамоа кучи билан бажарилган. Лекин ариқнинг номи дастлаб ариқни қазиган шахснинг номи билан аталаверган. Жамоа ариқдан хўжалиқларга тараладиган сув йўллари қўшимча ариқлар ҳисобланиб, шу хўжалиқ еридан — чегарасидан ўтган қисми мазкур хўжалиқнинг хусусий мулки ҳисобланган.

Зарафшон водийси деҳқонларининг сувдан фойдаланиш тартиблари Ўрта Осиёдаги деҳқончилик билан шуғулланган бошқа халқларнинг тартиб-қоидаларидан мутлақо фарқ қилмаган.

Ер шахсий мулк бўлса-да, сувдан фойдаланиш умумий эди. Чунки сув системаси иншоотларини барпо этиш, уларни мунтазам тузатиб туриш ишларини бажариш қишлоқ аҳолиси кучи билан бажарилган.

Қишлоқ деҳқонлари сув хўжалиғи маъмурлари кўрсатмасига биноан, ҳар йили тўғон ва дамба қуриш учун маълум миқдорда ишчи кучи — лойқа ва қурилиш жиҳозлари бериш билан бирга азалдан маълум бўлган сув ҳақи ёки сув пули беришга мажбур бўлганлар.

Сув йўлларини — ариқларни тузатиш ва сувдан фойдаланиш ишларини назорат қилиш асосан сув хўжалиғи маъмурларига юклатилган. Булардан энг му-



ҳими мироб лавозими эди. Ҳар бир рудга бир мироб тайин этилган. Шунингдек, ҳукуматдан маош оладиган дарғаларнинг ҳар бирига битта ариқ бириктирилган.

Ариқларга сув очилганда дарғалар қоровуллик ва-зифасини адо этганлар. Бундан ташқари, миробга тобе ҳар бир рудга бир панжа беги белгиланган. Мироб сув тақсимоти ва ҳашар устидан назорат қилса, панжа беги панжаларни тузатиш, ариқни қаздириш, сувни тақсимлаш каби ишларга қараган. У сув тақсимотининг мутахассиси ҳисобланган. Панжа беги ҳукумат таъминотида бўлган. Бундан ташқари, ҳар бир ариққа халқ томонидан сув ишларидан хабардор мутахассис амин тайинланган. Аминлар ўзларига бириктирилган ариқларнинг назоратчилари бўлиб, миробдан ўз ариғига сув олиш, сув иншоотлари бузилганда тузатиш учун қишлоқлардан одам йиғиб ишга сафарбар қилиш билан шуғулланганлар.

Азалдан фойдаланиб келинаётган сув иншоотларидан бири — Дарғат ариғининг дарвозаси бўлиб, суғориш вақтида уни кераклича очиб, қолганини тахта, чим ва бошқа нарсалар ёрдамида беркитганлар. Сув иншоотларини барпо этиш ва сувдан фойдаланиш, уни тўғри тақсимлаш баробарида уларнинг номланишига оид атамалар пайдо бўлган\*. Чунончи:

**Кунда** — сув бўлинадиган катта ариқдан сув ичадиган ерларнинг майдонига нисбатан сув сатҳи даражасида чуқур ўрнатилган муайян ўлчови бўлган ёғоч. Кундани Фарғона водийсида тўсин, Уратепада чўкин деб атайдилар.

**Варағ (Варқ)** — катта ариқлар, каналларнинг банди. Дарахт шохлари ва тупроқ билан бойланади. Сув тахта билан бойланса, тахта варағ деб аталади. Катта ариққа керакли миқдорда сув олиш учун дарё четига бир-бирига боғлаб бостирилади ва устидан чим босилади. Шу тартибда дарё суви тўсилади. Буни варағи шахи-шах дарё деб атайдилар. Варағ бошида кўп куч сарф этилган.

**Панжа** — ариқларнинг руддан сув оладиган қисми.

**Ел** — панжадан сув олаётган ариқларни бир-биридан ажратиб турган қисми.

Демак, ерни сунъий йўл билан суғориш Зарафшон водийси суғорма деҳқончилигининг кўзга яққол ташланиб турган хусусиятидир. Ариқ қазиб суғориш тармоқ-

---

\* Уша жойда.

ларини ҳосил қилиш ва улар ёрдамида ерни моҳирлик билан суғора билиш воҳа хўжаликларида юқори баҳоланадиган ҳақиқий санъат ҳисобланган.

Бутун бир қишлоқнинг бир неча хўжаликларига сув берадиган катта жамоа ариқлари бош асосий ариқ деб аталган. Одатда унга бирон ном қўйилган. Бундай ариқлар бошқа бир катта ариқдан ёки дарёдан сув олган. Бир неча хўжаликка сув берадиган ариқлар шахсий ёки умумий бўлган. Бундай ариқлар кўпинча бир хўжалик орқали иккинчи хўжаликка ўтган. Бундай вақтда улар ўтувчи ариқлар деб аталган.

Хўжалик ичида ариқлар тақсимловчи ва суғорувчи ариқларга бўлинган. Тақсимловчи ариқлар сувни фақат полларга ёки кичик ариқларга тақсимлайди, одатда унинг ёнидан йўл ёки сўқмоқ ўтган.

Суғорувчи ариқлардан эса бевосита жўякларга сув таралган. Тақсимловчи ариқлар агар ер ҳайдаш вақтида бузилмаса доимий, суғорувчи ариқлар билан биргалликда ҳайдаб юборилса, омонат бўлган.

Ариқ тортилишидан олдин майдон полларга ажратилган. Агар майдон юзаси текис бўлса, поллар от билан ҳайдашга қулай даражада ҳар томони 30—45 қулоч (1 қулоч — 142,24 см) қилиб олинган ва бундай полнинг четлари тақсимловчи ариқ сифатида хизмат қилган. Бу ҳолда етилган ҳосилни қандай териб олиш ҳам назарда тутилиши лозим эди. Агар ернинг юза қисми паст-баланд бўлса, поллар кичик-кичик олинган, полларнинг чети майдон тузилишига мосланган. Лекин шунда ҳам пол ичида от билан ишлов беришни назарда тутиб унинг кенглиги 15 қулочдан кам бўлмаслигига ҳаракат қилинган.

Келтирувчи ариқ, одатда хўжалик ерининг энг баланд қисмидан тортилган. Шу жойдан доимий тақсимловчи ариқлар олиниб, ҳар бир майдоннинг энг юқори жойига уланган. Бу билан ҳар бир майдон ва полнинг энг чекка қисмини ҳам суғориш имкони яратилган. Шўрхок тупроқли далаларда ариқ энг қуйи қисмларга қадар тортилганки, поллардан оқиб ўтган сув майдоннинг чекка қисмида тўпланиб унинг шўрини кетказишга хизмат қилган. Бундай партов сувлар дарёнинг қуйи қисмига қараб оқизиб юборилган.

Майдонларни текислаш ва доимий ариқлар олиш узоқ муддатга мўлжалланган эди. Шунинг учун ҳам албатта тажрибали кишининг маслаҳати билан иш кўрилган. Агар дала олдиндан суғориб келинган ва унда доимий ариқлар мавжуд бўлса, вақтинчалик ариқлар

олиш, яъни жўяк ва пушталар тортиш кифоя эди. Баъзан бир ариқнинг ўзидан турлича усулда суғориш мумкин бўлган. Бу ўша ариқ жўякларининг бир-бирига қандай уланганига боғлиқ эди. Шунинг учун турлича жўяк ва ариқларни бир-бирига боғлаб турувчи суғорувчи ариқларни қазининг ҳам ўзига хос намуналари, усуллари мавжуд эди. Бундай усуллар кўп бўлса ҳам, асосан, илонизи ва патсимон кўринишдаги ариқлардан фойдаланилган. Жўяк олиш, айниқса кенг тарқалган. Илонизи шаклидаги усул анча мураккаблик тугдирган.

Илонизи шаклида суғоришдан бир оз қия ва текис жойларда фойдаланиш мумкин бўлган. У суғориш вақтида нисбатан кам меҳнат талаб қиларди. Лекин бундай усул қўлланилганда жўякнинг бошидаги ариқлар тўлиб кетар, шунинг учун ҳам кўп сув қўйиб бўлмасди. Чунки бу ҳолда биринчи ариқлардаги сув босим билан кўтарилиб пушталарни босиб, ювиб кетиши мумкин. Илонизи қилиб суғориш унчалик қулай бўлмаганлиги учун ҳам нисбатан кам қўлланилган.

Мавжуд суғориш тармоқлари маҳаллий аҳоли томонидан қадимги даврлардан бошлаб қўллаб келинган. Ирригацион каналлар нақадар катталигига қарамай, жуда содда тузилишга эга эди. Айниқса ариқлар дарёлардан сув оладиган тўғон боши иншоотларини сақлаб туриш учун қўлланиладиган усуллар жуда ибтидоий бўлган. Ариққа сув чиқариш учун толдан катта катта қозиқ қоқиб, шағал, қамиш, шоли похоли, ўтўлан, шох-шаббалар босиб тўғон қурилган. Тўғон қуришда ерга қоқилган тол қозиқлар аксарият илдиз чиқариб ўсиб кетган. Бордию, дарёдаги сув сатҳи жуда паст бўлса, чиғир ёрдамида сув чиқарилган. Чиғир дарё оқими ёки от-улов кучи билан ишлаган.

Зарафшон воҳасидаги суғорма деҳқончилик хўжаликлари деярли ҳаммаси дарё соҳилида жойлашган бўлиб, тупроғи унумдор эди. Бироқ Кармана беклиги ерларидан Қоракўл беклиги чегаралари оралиғидаги майдонлар тупроғи тўла шўрхок бўлган. Бу ерларнинг шўри ювилмагунча деҳқончилик қилиш ва мўл ҳосил олиш мумкин эмас эди. Деҳқонлар шўр ювишни асосан куз ва қиш фаслларида ўтказганлар.

Агар куз ва қишда ер шўрини етарли даражада юва олмасалар, бу ишни эрта кўкламда давом эттирганлар. Тажрибали деҳқонлар шўр ювишни анча эрта бошлаб яхши натижаларга эришганлар. Акс ҳолда ер шўрини кечикиб ювиш ер ости сувларини кўтариб юборади ва

ҳайдаладиган тупроқ қатламининг етилишини кечикти-  
ради. Оқибатда экин ўз вақтида экилмай қолади.

Деҳқон шўр ювишни ернинг шароитига қараб амал-  
га оширган. Агар тупроқ жуда шўрланган бўлса, кўп  
сув берилган, яъни ҳар ювишда тупроқ сув билан тўла  
бостирилган. Тупроқ шўри камида 2—3 марта ювилган.  
Ўрта даражада шўрланган ерлар икки марта, кам  
шўрланган ерлар бир марта ювилган.

Умуман шўрланиш даражаси қандай бўлишдан  
қатъи назар, шўр ювиш ерни бостириб суғориш йўли  
билан ўтказилган.

Умуман шўр ювиш ҳайдалган ерда ҳам, ҳайдалма-  
ган ерда ҳам ўтказилаверган. Чунки камбағал хўжа-  
ликлар ер ҳайдашга ҳамма вақт ҳам улгураверма-  
ганлар.

Агар шўри ювилган ер кузда шудгор қилинмаган  
ёки экин ўриб-йиғиб олингандан сўнг ҳайдалмаган бўл-  
са, албатта суғоришдан сўнг баҳорда қайта ҳайдалиб  
экин экилган.

Деҳқонлар кузги шудгордан сўнг декабрда яхоб  
суви берганлар. Февраль ойида қут об ва, ниҳоят, ҳа-  
мал об суви билан суғорилгандан сўнг ер экишга тайёр  
бўлган. Ёзнинг иссиқ кунларида воҳа ерларни гарм об,  
яъни дарёнинг иссиқ суви билан суғорилган.

Гарм обнинг келиши янтоқнинг гуллаши ва узум-  
нинг ола бўлиш даврига тўғри келган. Воҳа деҳқонла-  
рининг ҳисобига қараганда гарм обнинг бошланиши  
асосан саратоннинг 17-кунидан (9 июлдан) ҳисоб қи-  
линган.

Гарм обнинг муддати асосан 17 кун бўлиб, бухоро-  
ликлар яна 5 кун қўшиб, 22 кун деб ҳисоблайдилар.  
Шундай қилиб, гарм об оқими июль ойининг охири ва  
август ойининг бошларигача давом этган.

Гарм об сўнгги беш кунлик қўшимча оқими раво-  
байи гарм об, яъни иссиқ сувнинг оқаваси ёки сувдан  
фойдаланувчиларнинг сўзи билан айтганда, оби талаш,  
яъни талаш суви, шунингдек жанжал суви номлари би-  
лап юритилган.

Воҳа деҳқонлари гарм об сувига ниҳоятда катта  
аҳамият берганлар. Бу давр гўзанинг шоналаш даври  
бўлиб, уни гарм об суви билан суғориш ўсимлик учун  
«ҳаётбахш» таъсирга эга деб ҳисобланган. Умуман,  
воҳа деҳқонлари гарм об сувини кечки экинларнинг  
етилиб пишиш ва мўл ҳосил олиш гарови деб билганлар.

Баъзи кекса деҳқон ва миробларнинг берган маъ-  
лумотларига қараганда, гарм об сувидан ичган ҳар

қандай кечки экин, ҳатто у гарм об вақтида суғорилган ернинг намига экилган бўлса ҳам пишиб етилади.

Умуман, воҳа деҳқончилик хўжаликлари суғоришни ташкил этишда йиллар давомида тўпланган бой тажрибаларга асосланган ҳолда иш юритиб, сертармоқ ирригация системасини вужудга келтириш, хилма-хил суғориш усул ва қондаларни яратиш баробарида сувнинг турли хусусиятларидан (унинг маъданга бой жиҳатларидан) ҳам фойдаланиб тупроқ шаронтини яхшилаш, унумдорлигини ошириш маҳоратига эга бўлганлар.

## Пахта етиштириш

XIX аср охири — XX аср бошларида Зарафшон водийси суғорма деҳқончилигида пахта етиштириш муҳим ўрин эгаллаган. Маълумки, пахта етиштиришда биринчи навбатда уруғликка катта эътибор берилган. Зарафшон водийсида аксарият кўк чигит, малла чигит, қисман қора чигитдан фойдаланилган. Уруғни Андижон волостидан ёки пахта заводларидан сотиб олганлар. Одатда уруғ қаерда арзон бўлса, ўша ердан харид қилинган. Сотувга биринчи, иккинчи, учинчи нав уруғлар чиқарилгани учун деҳқонлар биринчи терим чигитини олишга ҳаракат қилганлар. Пахта тозаланган вақтда биринчи терим чигитида тола кўпроқ қолади ва бошқа навларниқига қараганда озроқ кўринади. Иккинчи нав уруғ қорамтироқ, учинчиси сарғиш бўлади. Бунинг сабаби, охириги терим кеч кузда ўтказилгани учун ёмғирлар таъсирида тола сарғайиб кетади. Уруғлик саралаб олингач, кўкламда далада экишга тайёргарлик олиб борилади.

Пахта экиладиган ер баҳорда ҳайдалади. Одатда бу иш март ойининг бошидан охиригача давом этади. Ҳайдашдан олдин ер суғорилмайди, чунки бу иш қиш ойларида ўтказилади. Ерни уч марта — бўйламасига, кўндалангига, яна бўйламасига ҳайдайдилар. Бу ҳайдашни бир марта ҳайдашга ҳисоблаш мумкин, чунки улар бирин-кетин бажарилади, ҳайдашдан кейин мола бостирилмайди. Бу фарқ омоч ерга қанча чуқур тушгани билан белгиланади. Чунончи, биринчи ҳайдашда 7—8 ангушт, кейингисидан 12 ангуштгача, учинчисидан 0,5 олчин чуқурликка эришилади. Ер яхши юмшайди. Шундан кейин жўяк тортишга киришилади.

Паст-баланд ерларда жўяклар айланма қилиб, суғориш имкониятларини ҳисобга олиб тортилади. Текис жойларда бутун майдондан бир томонга қараб перпендикуляр тармоқлари билан қатор параллел ариқлар тортилади. Ариқлар ораси ўртача 1,5 олчинга (1 олчин — 71,12 см) яқин қилинади. Бу ишларни яхши ташкил қилганда апрелнинг биринчи кунларидан бошлаб чигит экиш мумкин бўлади. Экиш олдидан жўяклар суғорилади. Бунда сув жўякларга оқизилади, сув ариқнинг ярмига ёки ундан юқорироққа чиққач, ариқ бўғилади. Жўякларда қолган сув, аста-секин тупроққа шимилади.

Жўякдаги намлик тобига келгач, чигит экишга киришилган. Экишдан бир кун олдин чигит оқар сувда ивигилган ва қўл билан ҳар бир уяга 5—8 уруғ 1 ангушт чуқурликка ташланган.

Уруғ дастлабки суғоришда сув кўтарилган чизиқ баландлигида экилган. Бир уя иккинчисидан 3 чорак 1 олчин оралиқда бўлган. Бир таноб ерга ўртача ҳисобда 1 пудга яқин уруғ сарфланган. Об-ҳаво яхши келганда чигит 4—5 кунда, совуқ ва серёмғир кунларда 7—10 кунда униб чиққан. Чигит униб чиққандан кейин бир ярим-икки ҳафта ўтгач, ғўза ягана қилиниб, ҳар бир уяда 3 тупдан қолдирилган. Бутун экин мавсуми давомида ғўза 5—10 марта суғорилган. Одатда ғўза гуллагунига қадар 5 марта, шоналаш ва етилиш давомида 3—4 марта суғорилган.

Етилиш даврида ғўза тупининг юқори қисмидаги кўсақларнинг пишишини тезлаштириш мақсадида суғорилган. Суғориш ўсимликнинг сувга талабчанлигига кўра белгиланган. Суғориш зарурати туғилганда ғўза учлари сўлий бошлаган.

Ғўза уч марта чопиқ қилинган. Биринчи чопиқ чигит униб чиққандан кейин 15—20 кун ўтгач, иккинчи чопиқ шундан 10 кун оралатиб, учинчи чопиқ эса иккинчи чопиқдан 2 ҳафта кейин ўтказилган. Биринчи чопиқда барча бегона ўтлар юлиб ташланган. Бу ғўза ўсиши давридаги асосий тадбирлар ҳисобланган. Ғўза 20 июлдан бошлаб гуллай бошлаган, август ойининг охирлари — сентябрь ойининг бошларига кўсақлар пишиб етилган. Пахта бир йўла етилиб бўлмаслиги сабабли терим уч марта ўтказилган.

Одатда, биринчи терим сентябрнинг охирида, иккинчи терим ундан 15—20 кун кейин, учинчи терим эса 25 кундан сўнг ўтказилган.

Шундай қилиб, пахта терими деярли 2 ойга чўзилган. Бу муддат ичида совуқ бошланиб, айрим йиллари терилмаган пахта қор тагида қолиб кетган. Бундай ҳолларда пахтани қор эригандан кейин териб олинган. Тўғри, бунда тола миқдори камайган, ёмғир суви теккан пахта сарғайиб, сифатига путур етган. Умуман биринчи теримда терилган пахтадан энг яхши маҳсулот тайёрланган.

Тоғ олди районларида ва текисликларда апрель ойида ҳароратнинг паст ва ёнғингарчилик кўп бўлиши чигит қадашнинг жуда кеч бошланишига олиб келар эди. Шу туфайли дастлаб чигит экилган жойлар, текисликларда суғориш биринчи навбатда ўтказилган. Кеч экилган ғўзани суғориш тартиби эрта экилган ғўзаларникига қараганда тубдан фарқ қилган.

Экишнинг кечикиши туфайли, биринчи кузги совуқларгача бўлган муддат қисқаради. Баҳорнинг чўзилиб кетиши сабабли тошқинлар кечикиши ва тошқинлар ўртасидаги вақт ҳам қисқариши мумкин. Натижада март-апрель ойларида тупроқда намликни тўплаш ва сақлаб қолиш зарур эди. Чунки ниҳол суғориш йўлга қўйилгунга қадар етарли нам билан таъминланиши лозим. Шунингдек, тошқин сувларидан тўла фойдаланишга тайёргарлик кўриш зарур. Бунда тошқин келтириши мумкин бўлган зарарли омилларнинг олдини олишни ҳам унутишмаган.

Суғоришга эҳтиёжи бўлган хўжаликлар биринчи навбатда суғориладиган майдонларни белгилаб, тошқин сувларини қабул қилишга тайёргарлик кўрган. Бунинг учун қуйидаги ишлар амалга оширилиши лозим бўлган.

1) Ғўза ўсиб етилгунга қадар тупроқда зарур намликни сақлаб туришга ҳаракат қилинган, ғўзанинг чанқаб қолиши ёки сув босиб кетишига йўл қўйилмаган;

2) суғориш ўртасидаги даврни тўғри белгилашга ҳаракат қилинган;

3) енгил ва кучсиз ҳамда ғовак тупроқли майдонлар тез-тез, аммо кам сув бериб суғорилган;

4) шўрхок тупроқли майдонлар юқори нормада суғорилган.

Воҳада ғўзанинг ўсиб ривожланишидаги масъулиятли даврда — август ойида сув етишмаган. Бунинг устига июль-август ойларида гармсел эсиб, шоналашни кечиктирган, баъзан эса ғўзанинг ўсишини бутунлай тўхтаиб қўйган.

Тупроқдаги намликни нормал даражада сақлаш суғоришнинг тўғри ва ўз вақтида ўтказилишини талаб қилади. Суғоришни чўзиб юбориш ёки талабдан ортиқча суғориш ғўзанинг ўсишига салбий таъсир кўрсатади. Чунки суғориш чўзилса, ғўзанинг ўсиши кечикади, ҳосил камаяди, ортиқча сув эса ғўзани бўйига ўстиради, бунда пахтанинг пишиши кечикиб, сифати ёмонлашади.

Деҳқонлар ғўзанинг ўсишида уч йирик даврни аниқлаб олганлар:

1) Экишдан гуллашнинг бошланишигача бўлган давр. Бу давр 60 кундан 65 кунгача, календарь ҳисобида 15 апрелдан 15 июлгача қадар давом этган;

2) гуллаш бошланганидан пишиш бошлангунга қадар бўлган давр. Бу давр тахминан 45—55 кундан иборат, календарь бўйича 20 июндан 10 сентябргача:

3) пишиш бошланишидан вегетация охирига қадар бўлган давр. Бу давр 50—76 кундан иборат бўлиб, тахминан 20 августдан бошланади. Бунда ҳаддан ташқари серсувлик ҳам, шунингдек кам сувлик ҳам ҳосилдорликни кескин камайтириб юборади.

Ќўзани суғоришнинг ҳар бир усули сув сарфига турлича талаблар қўяди. Масалан, бостириб суғоришда жўяклар суғоришга қараганда сув кўпроқ сарф бўлади, лекин бу пахта экилган шароитдан келиб чиқади. Умуман, водийда суғоришнинг қуйидаги усуллари шаклланган эди: а) кўллатиб суғориш; б) бостириб суғориш; в) жўяклар суғориш.

Кўллатиб суғоришда дала кичик майдончаларга бўлинади ва уларнинг четлари кўтариб чиқилади. Бунда майдончанинг сатҳи ниҳоятда текис бўлиши муҳим аҳамиятга эга, чунки ёмон текисланган ерларда сув нотекис тақсимланади, паст жойларда тўпланиб қолади. Участканинг энг баланд жойларида сув турмайди. Шунинг учун ҳам кўллатиб суғориладиган майдонларнинг юзаси ниҳоятда текис бўлишига эришганлар. Айрим чекларнинг ўлчамлари 0,1—0,25 гектаргача бўлиб, катта ўлчамларда чек олиш мақсадга мувофиқ эмасди. Чунки катта чекни текислаш ниҳоятда қийин. Чеклар ҳар чеккадан навбати билан суғорилган, чекни суғориш тамом бўлса ҳам, унга сув оқизилаверади ва иккинчи, учинчи ва ҳоказо полларни суғоришга киришилади. Бу иш картадаги барча поллар сув ичиб бўлгунча давом эттирилади. Сўнгра кейинги картага ўтилади. Бир чекдан иккинчисига сув қўйиб юбориш тавсия этилмайди, бундай усулни фавқулодда ҳолларда, оғир тупроқларда



қўллаш мумкин. Қайта мосланган суғориш тармоқларига эга бўлган йириклаштирилган участкаларда чекларга сув бирйўла суғорувчи ариқдан қуйилаверади. Қайта мосланган тармоқли майда, нотекис участкаларга махсус кичик ариқчалар орқали сув келтирилади. Сувнинг барча майдонда бир текисда тарқалиши учун эгатларни қирқиш ва улар бўйлаб суғориш тавсия этилган. Суғориш тугагач, 3—4 кундан кейин далага кириш мумкин бўлиши биланоқ буғланишни камайтириш мақсадида тупроқни юмшатишга киришилган. Қўллатиб суғориш асосан шўрхок майдонларда қўлланган.

Бу усулнинг салбий томони шундан иборатки, суғориш нормасининг кўплиги туфайли сув камчил дала-ларда, қўшни хўжаликларда сув танқислиги ва экин-ларнинг қовжираб қолишига сабабчи бўлади. Экин суғорилгач, тупроқда яхлит қобиқ ҳосил бўлади, бу эса намликнинг кўтарилишини кучайтиради ва уни барта-раф этиш кўп меҳнат талаб қилади. Текис майдонча-лар ҳосил қилиш учун терраса усули қўлланади, яъни бири иккинчисидан нарироқда жойлашувчи текис чек-лар ҳосил қилинади, чеклар оралиғидаги баландлик ярим метргача кўтарилади. Чек бостириб суғорилади, бироқ сув кўпинча бир полдан иккинчисига оқиб кета-ди. Яхши ишланган майдонлар ҳам ташламали эгатлар бўйлаб ва кўп эгатлар орқали суғорилади.

**Жўяклар суғориш.** Бирмунча текис қияликларда жўяклар суғориш усули қўлланилади. Жўяк — чуқур, қиличнамо ёки пуштали эгатдир. Жўякнинг чуқурлиги 25—40 см, оралиқлар деярли бир метрни ташкил эта-ди. Сув бевосита суғориш ариғидан оқизилади. Жўяк-лар сувга тўлиб намлик ён қирғоқлардан ғўза экилган пуштага сингади. Айрим жойларда жўяклар бўғилади, натижада барча жўякларнинг бир текисда сув ичиши таъминланади.

Умуман, пахта етиштириш, ерни экишга тайёрлаш-дан тортиб то кеч кузга қадар деҳқондан юксак маҳо-рат, катта куч-ғайрат талаб қилган. Лекин деҳқон бар-ча қийинчиликларни енгиб, ерга ишлов бериш, баъзан чигитни қайта экиш, чопиқ қилиш, табиий ва сунъий ўғитлардан фойдаланиш, тупроқ шўрини ювиш, қатқа-лоқни кетказиш, қия текисликларда суғоришни ташкил қилиш, сув танқислигига қарамай тупроқда намликни сақлаш каби муаммоларни ҳал этган. Натижада жуда катта бой тажриба тўплаган, водийда юксак деҳқончи-

лик маданиятининг вужудга келишига ўз ҳиссасини қўшган.

\* \* \*

Зарафшон водийсида беда обикор ерларга экилган. Экилган беда одатда 5—10, баъзан 12—15 ва ҳатто 20 йилгача сақланган. Чиғир билан суғориладиган ерларда беда узоқ сақланмаган, чунки бундай ерлардаги беда эрта сийраклашиб, бегона ўт билан араллашиб кетар, шунинг учун ҳам эрта ҳайдаб ташланарди.

Ерни беда экишга тайёрлаш учун деҳқонлар тупроққа яхшилаб ишлов бериши лозим эди. Тупроқни беда экишга тайёрлаш ишлари сарфланадиган меҳнатига кўра тупроқни чигит экишга тайёрлашдан деярли фарқ қилмайди. Чунончи, агар беда баҳорда экилаётган бўлса-ю, тупроқда нам кам бўлса, ер олдин суғорилиб, кейин ерга уруғ сепилган. Чунки беда уруғининг яхши униб чиқиши учун тупроқдаги нам етарли даражада бўлиши керак. Ернинг яхши етилиши ва беда уруғининг бир текис униб чиқиши учун экишдан аввалги суғоришдан то ерни ҳайдашгача бўлган оралиқда молалашнинг аҳамияти катта бўлган. Бундан ташқари, беда экиладиган ерларга бериладиган ишлов лалми ерларга бериладиган ишловдан тубдан фарқ қилади. Беда эрта экилганда ерни молалаш зарурати йўқ, чунки эрта кўкламда ер экиш олдидан ҳайдалади ва кейин мола босилади. Беда уруғининг жуда майдалиги ва у сепилганда тупроқнинг юза қисмигагина кўмилиши тупроққа ишлов беришни талаб қилган. Шунинг учун экиш олдидан ё эрта тонгда, ёки кечқурун ер шудгор қилинган ва мола билан ишлов берилган. Бунда шудгорнинг юзасида қаттиқ қатлам ва кесаклар ҳосил бўлмаган. Беда уруғи одатда мартнинг биринчи ярмида сепилиши керак. Шўрланган ерларда, агар майдоннинг шўри яхши ювилмаган бўлса, кейинроқ, мартнинг охирларида экилади, чунки бу вақтда тупроқ анча яхши қизийди ва уруғ тезда униб чиқади.

Шўри етарли даражада ювилмаган майдонларга беда уруғи эрта сепилса, уруғ совуқ тупроқда қолиб узоқ вақт униб чиқмаслиги ва заҳарли тузлар таъсирида унувчанлигини йўқотиши мумкин.

Зарафшоннинг юқори ва ўрта оқими районларида беда юқорида кўрсатилган муддатларга нисбатан бирмунча кечроқ, қуйи оқим районларида эса бирмунча эртароқ экилган.

Сепиладиган беда уруғи гектарига 24 кгни ташкил этиши керак бўлгани ҳолда бу рақам айрим ҳолларда 32 кггача ўзгариб туради. Бу ҳам бўлса ернинг экин экишига қанчалик яхши тайёрланганлигига, ишлов берилганлиги, суғорилиши, яъни тупроқнинг нам тўплаши ҳамда беда экишга ажратилган майдон шўрининг қанчалик ювилгани, бегона ўтлар билан қанчалик ифлосланганлигига боғлиқ бўлади. Ер экишга қанчалик яхши тайёрланган бўлса ва у аввалги йилларда бегона ўтлар билан қанчалик кам ифлосланган бўлса, сепиладиган уруғ миқдори ҳам камаяди.

Беда уруғи сочиб, сепиб экилганда ерни бир-икки қайта сихмола билан ҳайдаш, икки қайта данданалаш ва устидан бир марта мола босиш йўли билан кўмилган. Бунда экишдан олдин ҳайдалган ер бир-икки қайта сихмола билан ишланади, бу эса уруғнинг етарли чуқурликка хийла бир текис кўмилишини таъминлайди.

Бедани гуллай бошлаган пайтида ўриб олишга ҳаракат қилинган. Кечиккан ўрим беданинг сифатини ёмонлаштирибгина қолмай, балки шу билан бирга, бутун вегетация давридаги умумий беда ҳосилига таъсир этади. Чунки бир ўримнинг кечикиши кейинги ўримнинг кечикишига сабаб бўлади.

Агар беда йўнғичқа слопик билан зарарланган бўлса биринчи ўрим бирмунча истиснога эга бўлиб, ўримга гуллашдан олдинроқ (беда тахминан 15—20 смга етганда) киришилган. Натижада ҳосилнинг анча қисми (асосан барг массаси) зараркунандадан сақланиб қолган.

Баъзан қарталар катта бўлса, беда ҳашар йўли билан ўрилган. Бедани ҳар қанча меҳнат талаб қилса ҳам ўрганда иложи борича тубдан тоза қилиб ўрилган. Бу кейинчалик беданинг янада яхшироқ ўсиб чиқишига, зараркунандаларга, бегона ўтларга, паразит ўсимликларга қарши курашга ёрдам берган. Бу нарса нафақат беда ўриш учунгина эмас, шунингдек барча қишлоқ хўжалик экинларини йиғиштириб олиш учун хос эди.

Икки ва уч йиллик беданинг ривожланган барги кўп миқдорда нам талаб қилади, демак, бедани муайян муддатларда суғориб туриш зарур. Суғориш муддатлари тупроқнинг ҳолатига боғлиқ, чунки оғир тупроқларда сув ҳар замонда, лекин кўп берилади. Енгил тупроқда беда тез-тез суғорилса ҳам сувни кўп талаб қилмайди.

—

Ер ости сувлари ер юзига яқин жойлашган бедапояларда сув оз сарфланади. Бедани сув бостириб ёки жўяклаб суғорилади. Бостириб суғоришда бедазор алоҳида полларга ажратилади. Полларнинг катта-кичиклиги жойнинг рельефига боғлиқ. Поллар яхши текисланган, улардаги сув бир хил қалинликда, (0,25 дан 0,40 метргача) пол юзасини қоплаши керак.

Қуйиб суғориш бедани суғоришда кенг тарқалган усуллардан, Қуйиб суғоришда бирданига ҳамма сув оқишиб юборилади, шунинг учун ҳам бутун бедазор майдони бир хил текисланган бўлиши лозим.

Қуйиб суғоришда сувнинг бирмунча барабар тақсимланиши учун бир хил қияликда текисланган ва бири-биридан узунасига марзалар билан ажратилган 10—15 метрлик полоса қилиб сув қуйиш мақсадга мувофиқ усул ҳисобланади.

Бедани жўяклаб суғориш фақат кенг қаторлаб экишдагина қўлланилади, беда бундай усулда фақат уруғлик учун экилади.

Шуни айтиш керакки, беда эрта кўкламда экилган бўлса, уруғ униб, учқулоқ барг чиқарганида биринчи марта суғорилган. Кечки баҳорги ва ёзги бедалар, агар уруғ суғорилгандан кейин сепилган бўлса, беда кўкариб чиққунга қадар ҳар 5—6 кунда сув бериб турилган.

Экиш вақтидан то биринчи ўримгача бедани камида 3—4 марта, биринчи ва иккинчи ўримнинг орасида эса 1—2 марта суғорилган. Кўп йиллик бедаларга сув бериш, одатда шона пайдо бўлган пайтда амалга оширилган. Беда ўриб олингандан 7—8 кун ўтгач, уни суғориш зарур. Беда ўриб олингандан кейин дарҳол суғориш шарт эмас. Чунки яланглиб қолган майдоннинг тупроғи намликни тез йўқотади. Бу вақтда унчалик чуқур илдиз отмаган бегона ўтлар қурийди. Беданинг илдизлари ер бағрига чуқур кетганлиги учун ҳам яна кўкариб кетиши аниқ.

Иккинчи суғориш бедада шоналар пайдо бўлган вақтида ўтказилган, чунки бу пайтда беданинг сувга талаби бирмунча ошади; кейинчалик эса, беда гуллай бошлаганда бу талаб яна камаяди.

Урта Осиё шароитида кўп йиллик эски бедалар биринчи ўримгача 1—2 марта (ўсиш ва шоналаш даврида) биринчи ўрим билан иккинчи ўрим оралиғида эса 1—3 марта (ўсиб чиқиш, шоналаш, гуллаш даврида), учинчи ўримдан кейин 1—2 марта (ўсиб чиқиш ва шоналаш даврида) суғорилади.

Ёгингарчилик кўп бўладиган шимолий районларда беда озроқ, жанубий районларда эса кўпроқ суғорилган.

Бедага кўкламда ишлов бериш. Бедазорга эрта баҳорда, бедалар бўй чўзиб улгурмасдан, ер етарли даражада қуриб қолмасидан енгил ишланадиган вақтда сихмола билан ишлов берилади. Иложи борича оғирроқ сихмоладан фойдаланилади ва майдоннинг ҳам бўйига, ҳам энига бир неча қайта ишлов берилади.

Бедазорни кўкламда молалаш билан, биринчидан, тупроқнинг юза қисми юмшатилади, тупроққа чопилмасдан кўп йиллик экинлар билан ва суғориш натижасида зичлашган ернинг нафас олиши ва ўсимлик осон ўзлаштира оладиган озуқа моддалар билан бойиши учун зарур бўлган ҳавонинг киришига йўл очилади; иккинчидан, бегона ўтларнинг илдизи қирқилади. Чунки бегона ўтларнинг илдизи беданинг илдизи сингари яхши ўсмайди ва чуқур кетмайди. Молалашнинг яна бир фойдаси, тупроқнинг юза қисмида қишлаган зараркунандалар — ҳашаротлар ерга ишлов берилганда тупроқ юзига чиқиб қолади ва қушларга ем бўлади ёки совуқдан қирилиб кетади. Бедазорга оғир мола солиб, беда илдизининг юқори қисмини сихмола тишлари билан жароҳатланади, бунинг натижасида уйқудаги куртаклар ривожлана бошлайди, пировардида ҳосил ошади. Умуман, бедани кўкламда молалаш ҳосилни 30—50 процентга оширган.

Айниқса эски бедазорни маҳаллий ўғит билан (ҳар десятина бедазорга 12 пуддан) биргаликда молаланганда ҳосилдорлик икки ҳисса ошган.

Водийда беда-ғўза алмашлаб экишнинг кенг қўлланилиши туфайли бедани уруғлик учун экиш алоҳида аҳамият касб этган.

Уруғлик учун икки йилликдан уч йилликкача бўлган бедазорларнинг энг яхши ерлари қолдирилган. Бунда уруғликка асосан иккинчи ўрим қолдирилган, чунки у биринчи ўримга нисбатан бирмунча тоза ва кам зарарланган бўлади ҳамда учинчи ўримга нисбатан уруғ меваларининг бир хил пишганлиги билан ажралиб туради.

Уруғлик бедани парвариш қилиш унчалик мураккаб эмас. Бунда ем-хашак учун ўтлар қандай ўстирилса шундай тадбир қўлланган. Фақат суғоришда баъзи фарқлар бор. Уруғлик бедаларда ўрим олдидан сув бериш камайтиради, ўримдан олдин бериладиган бир

галги сув берилмай қолдирилади, уруғликнинг пишиш палласида умуман суғориш мумкин эмас.

Уруғлик беданинг бошоқлари қўнғир тусга киргач, уруғ ялтираб сарғиш-яшил ранг олганда ўриб-йиғиб олинади<sup>2</sup>.

## Лалмикор ерларда шудгорлаш ва экиш усуллари

Лалмикор хўжалик юритиш суғорма деҳқончиликка нисбатан алоҳида хусусиятлари билан фарқ қилади. Бундай хўжаликнинг тақдири ёнгарчиликни кўп ёки оз бўлишига боғлиқ. Шунингдек, ҳар иккала усул экиладиган қишлоқ хўжалик экинларини танлаш, уларни парвариш қилиш жиҳатлари билан ҳам ажралиб турган.

Чунончи, деҳқон лалмикор хўжаликни тўғри юритган тақдирдагина, яъни ёнгарчиликдан ўз вақтида моҳирона фойдаланганида ва ўсимликнинг ўсиб ривожланиши учун яхши шароит ҳосил қилгандагина ундан юқори ҳосил олиши мумкин.

Ерни экишга тайёрлаш иши асосан шудгорлашдан бошланган. Ер қанчалек чуқур ҳайдалса, дон шунчалик чуқур тушиб, илдиз отган, бу эса ўсимликнинг озуқа моддаларини кўп тўплаши учун имкон берган. Бундай тупроқда етарлича нам тўпланган ва ҳаво алмашилиши ҳам яхши кечган. Лалмикор ерларни қанча чуқур ҳайдалса, шунчалик юқори ҳосил олишга эришилган.

Зарафшон воҳасида лалмикор ерларга дам бериб шудгорланган майдонларнинг уч типини учратиш мумкин: эртанги шудгор (ер март ойида ҳайдалган); ўртача шудгор (ер апрель ойида ҳайдалган); кечки шудгор (ер июль ойида ҳайдалган).

Воҳада алмашлаб экишнинг ҳам бир неча усуллари ривож этилган. Зеро, алмашлаб экиш воҳанинг ҳар бир беклик ёки туманларида сув ва тупроқнинг ўзига хос хусусиятлари, меҳнат сарфланиши, ишлатилган ўғит миқдори жиҳатидан фарқ қилган. Алмашлаб экишни тўғри ташкил этишда деҳқонларнинг ердан фойдаланиш усули алоҳида аҳамият касб этган.

Деҳқончилик тажрибаси ерни шудгорлаб унга дам бериш билан боғлиқ анъаналар алмашлаб экиш усул-

---

<sup>2</sup> Ушбу маълумотлар водийнинг Самарқанд ва Каттақўрғон уездларига тегишли.

ларининг маҳаллий шароитда яхши самараларга эришиш имкониятларини кўрсатади. Хусусан, муайян ердан фойдаланиб, юқори ҳосил олган деҳқон йиллар ўтиши билан шу майдондан кам ҳосил олган, ер кучсизланган. Лекин деҳқон об-ҳаводан қатъи назар алмашлаб экиб, яна юқори ҳосил олаверган. Чунончи, ҳар бир деҳқон, ҳар бир хўжалик бошлиғи ўз деҳқончилик фаолиятида ерни йил бошиданоқ қайси ўсимлик учун ажратишни турлича ҳал этган.

Жумладан, Бухоро вилоятида беда алоҳида майдонларда ўстирилган ва кўпчилик хўжаликларда то у сийраклашиб қолгунича ҳосил олинаверган. Ҳосил чўғи камайиб кетгач, алмашлаб экишга ўтилган Бошқа бир хўжаликда эса бедазор шудгорланиб, ўрнига ер эгасининг майлига кўра ўсимлик экилган.

Деҳқонлар шу йўл билан кучсизланиб қолган ёки шўрланган ерларни қайта кучга киритишган. Натижада унумдор ерлар маълум вақтга қадар сақланиб турган.

Мазкур мулоҳазалардан кейин Зарафшон воҳасидаги суғориладиган хўжаликларда азалдан қўллаб келинган алмашлаб экиш усулининг айрим хиллари устида тўхтаб ўтамиз.

Маҳаллий лалмикор хўжаликларда алмашлаб экиш ўрнига ёғингарчиликнинг кўп бўлишига умид қилиб, дам берилган майдонларга ҳам баҳори экин экилган. Аксинча, қиш ойларида ёғин кам бўлса, кўзда тутилганидан ҳам кўпроқ майдон бўш қолдирилган. Натижада баҳорги экинлар майдони анчагина қисқарган. Уч далали алмашлаб экиш (дам берилган шудгор, кузги ва баҳорги экинлар) қуйидагича амалга оширилган: баҳорги экиш учун биринчи далада кузги экиндан бўшаган жойларни шу вақтнинг ўзида шудгорланган; экишдан олдин ер ҳайдаб молаланган. Иккинчи дала — дам бериб қўйилган ерда кузги шудгорлаш ўтказилган. Бегона ўтларни йўқотиш учун эса куз ёки баҳорда ер мола билан ҳайдалган. Учинчи дала — кузги экинлар майдонига қуйидагича ишлов берилган. Экишдан олдин ерга ишлов (ҳайдаш, молалаш) берилган. Айни вақтда, баъзи хўжаликлар ерни фақат шудгорлаб қўйиш билан кифояланган.

Ҳосилдорлик ерни ўғитлаш ёки шудгорлашгагина эмас, балки сепиладиган уруғнинг сифатига ҳам боғлиқ. Шунинг учун ҳам деҳқон уруғлик танлашда асосан доннинг тозалигига, унувчанлигига, катталигига ва бутунлигига катта эътибор берган. Агар уруғлик хўжа-

ликнинг ўзида тайёрланадиган бўлса, деҳқон қуйидагича иш тутган: ерга экилган дон (ғалла)ни ўриб боғи билан бошогидан ажратиб қуритилган. Келаси сафарга қолдирмай уни шабада жойда совуриб олган. Совуриш учун очиқ майдондаги ерга тўшак солинган. Тўшак устида ғалла (1,5—2 метр баландликдан) ғалвир ёки курак ёрдамида совуриб сузилган. Сифатли, бутун ва оғирроқ дон тўшак устида қолган. Пўчоқ-увоқлари эса ўз-ўзидан тўшакдан четга бориб тушган. Шу тариқа донни саралаб олинган ва у қуруқ ҳолатда ерга экилган. Уруғликдаги касал тушган донлар қўл билан териб ташланган.

Деҳқон уруғликнинг тукчаларига эътибор берган. Бу тукчалар ўрилмаган ҳамда буришмаган бўлиши лозим. Хусусан, экилган йирик оғир дондан дастлабки кунларданоқ бақувват майсалар униб чиққан. Дон сифатсиз бўлса, аксинча, униб чиққан майса нимжон, касалманд бўлган ва кам ҳосил берган. Баъзида ҳатто экилган уруғлик ўзини оқламаган.

Доннинг униб чиқиш хусусияти кўп омилларга боғлиқ бўлган. Уларнинг энг муҳими ҳарорат, сув ва ҳаводир. Бу уч омилдан бирортаси етишмаса, дон кўкармаслиги ёки яхши униб чиқмаслиги мумкин эди. Хусусан, қурғоқчилик йиллари кўриқ ерга экиладиган бўлса, у чиқмаган. Кейинчалик ёмғир ёғиши билан уруққа нам тегиб, майсалар уна бошлаган. Агар уруғ сифатсиз бўлса, дон нотекис униб чиққан. Одатда, деҳқонлар уруғликни охириги ҳосилдан олганлар. Чунки эски уруғлик доннинг униб чиқиши қийин. Янги уруғлик эса бу хусусиятни тўла сақлаб қолади, кучини йўқотмайди.

Яхши ҳосил олиш учун деҳқонлар буғдойнинг эрта ёки кеч пишишига катта аҳамият берганлар, чунки лалми ерда ишлаётган деҳқонлар баъзи йиллар совуқ эртароқ, гоҳо кечроқ тушишидан яхши хабардор бўлганлар. Ҳароратнинг бирданига кўтарилиб кетиши қишлоқ хўжалиги экинлари, хусусан, буғдой учун катта хавф туғдиради. Чунки ҳарорат тўсатдан кўтарилиб, эндигина унаётган ёки кўм-кўк майсанинг тубидаги нам тупроқни тез қуритиб юборган. Натижада ўсимлик учун нам етишмай қолиб, у эрта қуриган ёки бошоқдаги донни тўлишмаган. Агарда ҳарорат кўтарилгунга қадар бошоқдаги дон қотиб улгурган бўлса, куннинг тафти зарар етказа олмаган. Шунинг учун деҳқонлар яхши ҳосил олиш умидида эртапишар навларни кўпроқ экканлар.



Деҳқонлар 1 таноб ерга 2 пуд (32 кг) арпа ва ғалла уруғи (1 га — 132 кг) ёки 4 кг жўхори уруғи сепганлар.

**Лалми (баҳори) экиш.** Об-ҳаво қулай келган йилларда яхши танланган жойга лалми экилган бир десятина бугдойдан 100 пудгача ва ундан ортиқ ҳам дон олинган. Бундай дон бозорда обикор далалардан олинган бугдойга қараганда ҳамиша юқори нархда баҳоланган. Самарқанд областининг шарқий зонасида лалмикорлик ҳамиша Зиёвуддин беклигидагига қараганда яхшироқ бўлган. Бу эса маълум даражада аҳолининг ўз хўжалигида қўллайдиган техниканинг мукамаллиги билан изоҳланади.

Ғалла экиладиган дала баҳорги ёмғирлардан сўнг, аксарият майда ҳайдалган. Сўнгра кўпинча кеч кузгача ёки янаги йил баҳоргача шу аҳволда қолдирилган. Бундай майдон баъзан тўрт марта ёки ундан ҳам кўпроқ ҳайдалиб, ерга яхшилаб ишлов берилган. Шу сабабли об-ҳаво ўртача келган вақтларда ҳам ҳар бир десятина ердан 90—100 пуддан ҳосил олинган. Ҳар бир десятина ерга экиладиган уруғлик миқдори 3 пуддан ошмаган.

Шундай қилиб, ерни кузги ёмғирлар олдидап ҳайдаш ва уруғ экишнинг сийраклиги лалми (баҳори) экишнинг шартли аломати ҳисобланган. Бегона ўтларни йўқотиш ҳам зарурий шартлардан бири эди. Чунки зараркунандани йўқотиш бугдой, арпа учун зарур бўлган намни сақлаб қолиш имконини берган.

Маҳаллий аҳоли хўжаликлари тажрибаларидан маълум бўлишича, кузги бугдой ва арпани баҳори сингарни экиш мумкин бўлган. Бундай ҳолларда улар нам билан тўлароқ таъминланган. Аммо уларни ҳар кузда экишнинг иложи йўқ эди, чунки баъзи йилларда кузги ёмғирлардан сўнг бирданига узоқ вақт эримаёй ётадиган қалин қор тушган. Бундай вақтларда олдиндан тайёрлаб қўйилган тайёр шудгорга лалми экилган.

Лалмикор деҳқончиликда сой сувларидан суғориладиган майдонлар ўзига хос алоҳида хўжалик системасини ташкил этган. Соҳил бўйлаб бир неча қатор ёки бир-бирдан маълум масофа жойлашган хўжаликларда интенсив далачилик лалмикор деҳқончилик ҳамда чорвачилик билан алмашилиб турган. Сой сувларидан биринчи навбатда чорбоғ, ҳовли-жой эҳтиёжлари учун, яъни боқилаётган чорва молларига сув бериш, турмуш

эҳтиёжларини қондириш, кичик боғ ва токзорларни суғориш учун фойдаланилган.

Шуни унутмаслик керакки, сой сувлари йиллик оқимнинг ярмидан зиёди баҳорги сув оқимиға, (қор эриши, баҳорги сел, ёмғирлар ҳисобига) тўғри келгани учун ҳам ундан расамади билан фойдаланишнинг имкони ниҳоятда чекланган эди. Иккинчи томондан, Зарафшон дарёси ҳавзасидаги бир қатор сойлар саратон — авжи ёз пайтига келиб бутунлай қақраб қолган, жилла қурса жилдираб оққан. Бундай оз сув билан экинни сувға қондириб бўлмайди. Умуман, сой сувидан фойдаланувчи хўжаликлар асосан лалмикорлик билан машғул эди, сой суви эса лалмикор ерларга мадад бериб туриш учун хизмат қилган.

Лалмикор деҳқончиликда уруғ ёнгарчилик ҳисобига ундирилган, у тупроқнинг табиий юмшаган вақтида ерга сепилган. Экин экилган майдон қисман суғорилган ва бу юқори ҳосилдорлик гарови сифатида қаралган. Баъзан суғорилмаган майдонлар ҳам намгарчилик ҳисобига ҳосил бераверган. Табиийки, бундай шароитда донли экинлар биринчи ўринга ўтади.

Шуни ҳам айтиш керакки, тоғ олди зоналарида боғдорчилик, узумчилик, полиз ва сабзавот етиштиришга ҳам аҳамият берилган. Кичик хўжаликларга сув чиқаришда чигир ва чархпалак жуда қўл келган.

Лалмикор ерларда пахта, зиғир, кунжут, қовун, тарвуз етиштирилган. Чунинчи, зиғир экиш олдидан ер апрель ва май ойларида уч марта ҳайдалган, уруғ сепилгач, омоч ёки мола билан ерга ишлов берилган. Ҳар бир десятина (1,0925 га) ерга 11,5 пуд уруғ сепилган. Сепилган уруғ 7—10 кун ичида ниш уриб униб чиққан ва июль ойида зиғир пишиб етилган. Гектаридан деярли чорак тонна ҳосил етиштирилган.

Кунжут ҳам зиғирга ўхшаб жуда оз экилган. Кунжут экилган майдонга худди буғдой етиштирилаётганда қандай ишлов берилса, шундай ишлов берилган. Бир гектар ерга 2 пуд уруғ сепилиб, 8—10 пуд ҳосил олинган.

Қовун-тарвуз экиладиган ерлар баҳорда уч марта ҳайдалган, гоҳида шунча марта мола билан ишлов берилган. Уруғ апрелнинг охирларида экилган, 10—15 кунда ниҳол униб чиққан, июлнинг биринчи ярмида гуллаб, август ойига қадар пишиб етилган.

## Ҳосилни ташиш усуллари

Ғаллани ўриб-йиғиб олиш деҳқон учун энг муҳим ва масъулиятли давр ҳисобланган. Шу сабабли бу ишга барча оила аъзолари жалб этилган.

Арпа, бугдой ва бошқа ғалла ўсимликлари ўроқ билан ўрилган.

Ўроқ — маҳаллий меҳнат қуроли бўлиб, беда, ўт, ғалла ва бошқа ўсимликларни ўришда ишлатилган. Баъзан ўсимликларнинг қуриган поялари ҳосил йиғиб олингандан сўнг ўроқ билан чопилган. Ток, дарахт новдалари ҳам баъзан ўроқ билан кесилган.

Ўрим пайтида беда ва ғалла учун маҳаллий ўлчов бирликлари юзага келган. Масалан, бир тутам, яъни бир қўл билан олинадиган миқдор: бир тутам арпа, бир тутам бугдой, бир тутам кунжут ва ҳоказо. 5—6 тутам бир дастани, 8—10 даста эса бир боғни ҳосил қилган. Ўримдан сўнг йиғилган боғлар тўп қилиб боғланиб хирмонга ташилган.

Бугдой, арпа сингари бошоқли донлар сочилиб кетмаслиги учун қамиш ёки бошоқнинг ўзидан боғлар тайёрланган. Ҳосилни йиғиб олгандан то шудгор қилингунга қадар мазкур дала ўстирилади ўсимлик номи билан — арпапоя, бугдойпоя деб, баҳори экин экилган ерни ангор деб аташган.

Воҳа аҳолиси донни хирмонга ташишда улоқ қўшилган арава, волокуша (чана) ва бошқа воситалардан фойдаланган, хирмон яқинда бўлса қўлда ташилган.

Арава маҳаллий хўжаликларнинг асосий транспорт воситаси бўлган. Деҳқончиликда ҳаммага маълум бўлган қўқон арава ишлатилган. Араванинг бу типи минг йиллик тажрибалардан келиб чиққан бўлиб, маҳаллий шароитга жуда қўл келган. Араванинг филдираклари баланд — 3 олчингача диаметрда бўлиб, шу узунликдаги йўғон ўқ ва уларнинг устига қўйиладиган кенг сатҳи бор. Филдиракнинг катталиги туфайли арава ариқ, чуқурликлардан ва тез оқар дарёлардан ўтиши осон, ўқи катта, деярли икки метр бўлганлиги учун одатдаги арава ағдарилиб кетадиган қияликлардан бемалол юра олган. Қўқон аравада тупроқ, гўнг, дон, ҳар қандай юк ҳамда одам ташилган. Сомон, полиз маҳсулотлари ва шу сингари сочиладиган юкларни ташишда четан аравадан фойдаланилган. Бунинг учун арава саҳнига тут ёки тол новдасидан тўқилган, баландлиги деярли бир метр бўлган тўсиқлар қирраси билан айлана қилиб ўрнатилган. Унинг диаметрини ташиладиган юкка қараб

орттириш (сомон учун), қисқартириш (қовун-тарвуз учун) мумкин бўлган. Арава илгарилари тамомила ёғочдан ясалган. XIX асрнинг охирларига келиб ғилдиракни темир гардиш билан қоплаганлар. Арава енгил бўлганлигидан чуқур дарёларни кесиб ўтишда ўзига хос паром бўлиб хизмат қилган. Умуман, арава йўл ва кўприклар бўлмаган жойларда, айниқса кўпдан-кўп ариқлар, суғориш шохобчалари, тупроқ кўтармалари, эгатлар ўтказилган обикор хўжаликларда жуда қўл келган.

**Чана** — водийнинг лалмикор ва чорвадор зонаси аҳолиси фойдаланган юк ташувчи транспорт воситаси бўлиб хизмат қилган. Нурота, Хатирчи, Зиёвуддин, Кармана бекликларининг лалмикор зоналарида 1 км дан 15—20 км гача масофада донни хўкиз қўшилган чаналарда ташилган. Чана асосини кўндаланг қўйилган икки ғўла ташкил этган. Уларга вертикал ҳолатда 4 ёғоч негиз — ускуна мустаҳкамланади. Бу негиз ускуна уч қатор қилиб қурайдан эшилган арқон билан боғланади.

**Килоли** — улов кучидан фойдаланиб юк ташиш усулларидан бири эди. Бу усул асосан Зарафшоннинг чап қирғоғидаги лалмикор зонада жойлашган аҳоли орасида кенг тарқалган. Бу усулда юк эшакка, отга, аксарият туяга ортилган. Юк ортиладиган ҳайвонга бир одам миниб олган, иккинчиси пастда туриб, унга боғларни узатган, сўнгра юк ҳайвоннинг икки томонидан арқон билан боғланган. Арқоннинг учиди илмоқ бўлиб у юкни ўраб, мустаҳкамлаган ва юқорйда ўтирган одамни мувозанатда сақлаб турган.

Бундан ташқари хирмонга, чорбоққа, хонадонга емхашак, ғаллани орқалаб ташилган. Орқалаб ташиш усулларидан бири тармаш деб аталган. Бу усулда юк (пичан, ўтин, боғ ёки ғарам қилинган арпа, бугдой) оғирлиги одамнинг елкасига тушган. Бир киши 10—15 боғ бедани кўтара олган. Юк ташишнинг бу усули қишлоқ аҳолиси орасида кенг тарқалган бўлиб, уларнинг турмушида мустаҳкам ўрин олган эди.

### Донни янчиш усуллари

Ғалла ўриб олингач, у янчилади. Деҳқонлар донни нобуд қилмай янчиб олиш учун мавжуд имкониятларнинг барчасидан фойдаланишга ҳаракат қилганлар. Жумладан, хирмонга жой танлаш муҳим аҳамиятга эга

эди. Суғориладиган (обикор) зоналар аҳолиси учун хирмон майдонини танлаш ва донни янчишга тайёргарлик кўриши бошқа деҳқонларнинг усулидан фарқ қиларди. Жумладан, обикор ерлардаги деҳқонлар хирмон учун ғалла экилган далаларнинг энг қулай жойини танлашган. Хирмон атрофини ғалла четга сочилмаслиги, ташқаридан сув кирмаслиги учун унчалик баланд бўлмаган тупроқ кўтарма билан ўрашган (лалмикор зоналар деҳқонлари чим бостирган).

Деҳқонлар деярли ҳар йили хирмон ўрнини ўзгартиришга мажбур бўлган. Чунки ер кичик бўлганлиги учун унинг ҳар бир қарич ерига иложи борича экин экишга ва ундан юқори ҳосил олишга ҳаракат қилинган. Бойлар ва ўрта ҳол деҳқонлар бир неча йиллаб хирмон ўрнини ўзгартирмас ва ҳар йили ўша хирмон ўрнини текислаб, шиббаламарди.

Агар ғалла экилган майдонлар бир-биридан унчалик узоқ бўлмаса, хирмон учун бу далаларнинг ўртаси танланган. Деҳқонлар янчиш жойи албатта текис бўлиши ҳамда хирмон учун шамол йўналишига қулай, яъни шамол уриб кетмайдиган жойини танлашга ҳаракат қилганлар.

Зарафшон водийси аҳолиси ғалла янчишда асосан улов — от, ҳўкиз, эшак кучидан фойдаланганлар. Ишлатиладиган ҳайвонлар сони ҳосил миқдорига боғлиқ эди. Чунки ҳосил кўп бўлган йили кўп улов ишлатишга тўғри келарди. Умуман дон янчишда 10 тагача ҳайвон ишлатилган. Бой хўжаликлар асосан от ва ҳўкиз ишлатганлар. Камбағал ва иқтисодий ночор хўжаликлар мавжуд ишчи ҳайвонларнинг барчасидан фойдаланган. Улови бўлмаган камбағаллар оғир шартлар эвазига бойлардан олишга мажбур эди.

Ғалла янчилаётганда ҳайвонлар ғаллани емаслиги учун оғзига оғизпўш туттишган. Агар ғарам жуда катта бўлса (айниқса жамоа ер эгалиги мавжудлигида) янчиш бўлак-бўлак ўтказилган; ғарамдан боғлар атрофга айлана қилиб ёйилиб, унинг устидан ҳўкиз ёки от билан бостирилган<sup>3</sup>. Кичикроқ ғарамлар (якка хўжаликларда) бир йўла ёйилиб, ҳўкиз ёки от юришига мослаштирилган. Бундай ҳолларда дастлаб буғдойпоя чапар<sup>4</sup> билан бостирилган, сўнгра бир қанча ҳўкиз ва от

<sup>3</sup> Косонсой қарлуқларининг жамоа ерларида бу ишда фақат отлар ишлатилган.

<sup>4</sup> Чапар тол шохларини боғлаб ясалган. Унинг эни 1,5 метр ва ундан кўра каттароқ бўлиб, ҳўкиз ёки отга қўшилган.

билан бостирилган (бу жараён галагов деб аталган), бугдой янчишнинг ўзи эса «хўп» деб аталган. Янчилаётган бугдой пояси қатламлари вақти-вақти билан айрида ағдариб турилган, янчилмай қолган бошоқлар юзуроққа чиққан. Деҳқонлар майдаланмаган бошоқ қолмаганига ишонч ҳосил қилгач, ғалла ёғоч айрида шопирилиб дон сомондан тозаланган. Аммо биринчи шопиришда дон осмондан тамомила тоза бўлмайди, ундан ташқари донга гор деб юритиладиган майдаланмай қолган бошоқлар ҳам аралашган бўлади. Шу сабабли дон хўкиз ва отларга яна бир марта бостирилади (бу жараён «пойхоб» деб аталган). Сўнгра дон шамолда курак билан шопирилади — сомон ҳамда тупроқдан тозаланади ва чигил (катта кўзли ғалвир) билан эланади (ғалвирдан ўтқазилади). Баъзан чигилдан кейин ҳам чўп чиқади, агар у кўпроқ бўлса, юқорида айтилган усул билан янчилади, мабодо камроқ бўлса ёғоч тўқмоқ ёки калтактаёқ билан уриб майдаланади ва чигилдан ўтқазилади. Бу жараёндан сўнг дон майда кўзли ғалвирда эланади. Энди ғалла тозаланган ҳисобланади ва чошга уюлади. Шундан кейин бир ғалвир ғалла олинади ва чош атрофида айланасига ғалвир гардишидан тўкиб чиқилади. Уни шундай ҳисоб билан тўкиладикки, чош атрофи — ғалла айланаси билан беркитилганда ярим ғалвир бугдой қолиши керак. Ғалвирдаги бугдой чош устига тўкилади. Бу билан гуё «чошнинг бели боғланади», иш ниҳоясига етади.

Уртача катталиқдаги хирмонга ғалла янчиш билан боғлиқ барча ишларни икки киши бажаради. Улардан бири фақат хирмон бўйлаб от ва хўкизларни ҳайдайди. Уни «хўп ҳайдовчи» деб атаганлар. Бу ишни одатда асосан ўсмирлар бажарган. Ғалла кўп бўлганда хўп майдаловчилар алмашиб турган. Хирмондаги иккинчи киши янчиш учун масъулиятли бўлган. У ёйилиб кетган бошоқларни йиғиб, ҳайвонлар туёғи остига ғарамдан боғ ташлаб турган. Бир кунда 3—5, баъзан ундан ҳам кўпроқ ғарам ғалла янчилган. Уларга ёрдамчи қўшиб берилган, чунки бу жуда меҳнат талаб иш эди. Хўп янчишда асосан эркаклар ишлаган.

Янчишнинг бошқа бир усулида ғалла таёқ (тўқмоқ) билан янчилади. Бу усул жуда ночор, камбағал хўжаликлар учун хос эди. Камбағал деҳқон то барча ҳосилни йиғиб олгунга қадар ейишга дони бўлмаганидан даладан оз-оздан ғалла кўтариб бориб, уйда тўқмоқ билан янчишга мажбур бўлган.

Ғалла янчиб бўлингач, хирмондаги дон айри билан шамолга қарши туриб 1,5—2 метр баландликка ирғитилиб шопирилган. Иккинчи маротаба курак билан шопирилган ва шу йўл билан дон сомондан тозаланган. Сўнгра уни узил-кесил тозалаш учун аввал чигил, сўнгра ғалвирдан ўтказилган.

Қишлоқ хўжалигида 2, 3, 5 тишли ёғоч айри (душоха, сешоха, панжшоха) ишлатилган. Икки ва уч тишли айрилар ғалла ва беда боғларини кўтаришда панжшоха эса хирмон ағдаришда ишлатилган. Бу ишда ёғоч, баъзан хаскашлардан ҳам фойдаланилган. Ғаллани сомон ва тўпондан шамол ёрдамида шопириб тозалашда деҳқон хўжаликларидан оддий ёғоч кураклардан фойдаланилган. Шопирилган донни тоза деб ҳисоблаш мумкин бўлган.

### Ҳосилни сақлаш усуллари

Ғаллани ўриб, янчиб бўлгандан кейин деҳқон уни келаси йил ҳосилгача етадиган қилиб сақлаган. Донни омборларда, ўраларда, ҳамбада, қопда ва хумда сақлаганлар.

Одатда дон асраш учун махсус омборлар қуришга тўғри келган. Бунинг учун ҳовлидан махсус жой ажратишган. Омбор пойдевори учун ерни кавлаш шарт бўлмаган, унинг ўрнини 1—1,5 метр узунликдаги текис тўсинлар босган. Омборнинг бир нечта бўлмачалари бўлиб, уларда турли донлар сақланган. Лалмикор зона аҳолиси ҳам, воҳа аҳолиси ҳам донни асосан ўраларда сақлаган. Аммо бу оммавий тус олмаган. Сақланадиган дон миқдорига боғлиқ ҳолда ўра катта ва кичик қилиб кавланган. Дастлаб одам сиғадиган катталиқда чуқур қазилиб, сўнгра унинг ичини кенгайтириб, чуқурлигини икки метргача, диаметрини 3—4 метргача етказишган. Ўра остига сомон тўшалган, бу ғаллани чиришдан сақлаган, сўнг ўра ғалла билан тўлдирилиб, устидан сомон ташланган ва тупроқ билан кўмилган. Ўра асосан ўчоқ боши ёки офилдан қазилган.

Донни сақлашнинг воҳада кенг, лалми зонада бирмунча оз тарқалган усулларида бири ҳамба эди. Тахта ва ёғочдан ишланадиган бу жиҳоз узунлиги 1—2,5 метр, кенлиги 1—1,5 метр баландлиги 1,5 метр ва баъзан ундан ҳам ортиқроқ бўлган. Ҳамбада дон ва уни алоҳида-алоҳида сақлаш мумкин эди. Аксарият деҳқон ва чорвадорлар донни қопларда ёки катта хумларда сақлашган.

Қишлоқ аҳолиси қиш мавсумига етарлича ем-хашак ғамлаб олишга астойдил ҳаракат қилган. Деҳқон ва чорвадорлар даладан ўт ўриб, уни боғ-боғ қилиб боғлар эдилар. Агар ўт тиканли бўлса, бир неча танкадан бир даста уйганлар. 20—25 туп янтоқ ёки 10—15 туп каррак бир танкани, 4 танка янтоқ ва 6 танка каррак бир уюмни ташкил этган. Йиғилган ем-хашак очиқ жойда қуритилиб, уйга ташиб олинган. Уйда оловдан узоқроқ жойда хашак ғарам қилиб қўйилган. Ем-хашак баъзан уй томига ҳам ғарамланган.

Ғалла хирмондан ташиб олингач, деҳқон сомонни ғарамлаб, хонадонга ташиб олган, сомон ва молга бериладиган бошқа турдаги озуқани усти ёпиқ жойда сақлашган. Беда, ўт, маккажўхори поясини ғарам қилиб устидан янтоқ билан ёпиб қўйилган ёки молхонада уйиб қўйилган.

### Қишлоқ хўжалик қуроллари

Маҳаллий аҳоли ерга ишлов беришда фойдаланиб келган асосий иш қуроли кетмон ва омоч эди. Омоч ҳайдов қуроли бўлиб, таг томони олдинга эгилган ва учига темир тиш кийдирилган катта вертикал ёғочдан иборат. Унинг танаси ўрик ёки тутдан ишланган. Мустақамлиги ва қаттиқлиги билан машҳур бўлган бу дарахтларнинг илдиз бўғзи қисмидан тана учун талаб этиладиган илмоқнамо шаклни топиш осон бўлган. Мазкур тананинг ўртасидан қайрағочдан қилинган йўғон ҳамда узун тўғри ўқ ўтказилган, тананинг юқори қисмига қулоқ ўрнатилган. Лемех (маҳаллий тилда тиш) ён томонлари ярим эгилган ҳамда устки томони доиранамо қоплама бўлиб, иш вақтида омоч танасига осон кийдирилган, ишдан кейин олиб қўйилган. Темирдан қилинган тиш бозорда икки сўмга сотилган. Лемехсиз омоч билан ишлаб бўлмаган. Буни шунинг учун ҳам таъкидлаш лозимки, кўпларда омочни лемехсиз ҳам ишлатишлари мумкин деган тасаввур бор. Ҳатто айрим фотосуратларда ҳам омоч тишсиз тасвирланган. Омочнинг ўқи бевосита бўйинтуруққа бириктирилади. Бўйинтуруқ ўз тузилишига кўра жуда содда бўлиб, қўш хўкиз ёки от бўйнига мос узунликдаги ғўладан иборат, унинг четига яқин жойда иккитадан тешиги бор. Бу тешикларга тайёқча тиқиб қўйилади. Бу тайёқлар уловдан бўйин остига жуфт қилиб боғланади. Бўйинтуруқнинг ўртасида омоч ўқи осиладиган кичикроқ вертикал тешик бўлиб, унга ўқ йўғон арқон билан



боғлаб қўйилади. Бўйинтуруқ узун қилинганлиги сабабли катта ер ва тор бурилиш жойларида бир-биридан узоқроқда турган улов ишлаётганда омовга халақит бермайди ҳамда уловнинг биқини омов ўқиға урилмайди.

Омов билан ер ағдариб ҳайдалмаган, у фақат ерни юмшатган, холос. У кўпроқ тупроқ чуқурлагични эслатади. Ҳақиқатан ҳам, ташқи кўриниши ва ишлаш характериға кўра тупроқ чуқурлагич билан омов ўртасида айрим ўхшашликлар мавжуд.

Аксинча, омов билан рус соҳаси ўртасида умумийлик йўқ, аммо неғадир баъзан уни сўқа деб атайдилар. Сўқа 2 лемехли ағдаргич бўлиб, унга бир от қўшиб, ерни 2—4 вершок<sup>5</sup> ҳайдалади. Омов ўқи эса албатта улов қўшишни талаб қилади ва ер қатламини ағдармай, ерни 8—10 вершок чуқурликда юмшатади. Умуман олганда, сўқа омовға қараганда мураккаб ва мукамал ер ҳайдов қуроли бўлгани билан у оғир лёсс тупроқлар учун мутлақо ярамайди. Айрим ҳолларда бу ерларға кўчиб келган аҳолининг ишларида Россиядан келтирилган сўқа учраган бўлса ҳам, аммо бу жуда сийрак ва тасодифийдир. Умуман чуқур ҳайдаш талаб этилмайдиган, масалан, буғдой, оралиқ экинлар экиладиган ва юмшоқ қумоқ тупроқларни қайта ҳайдашда сўқадан фойдаланиш мумкин.

Омов билан 8—10 вершок чуқурликда ер ҳайдаш бирйўла эмас, балки бир неча такрор ҳайдаш эвазига эришилган. Дастлаб қаттиқ устки қатлам ҳайдалган, кейинги ҳайдашда омов янада чуқурроқ бостирилган, сўнгра ҳайдаш йўналишини ўзгартириб, ҳайдов чуқурлиги аста-секин ошириб борилган. Юмшатирилган тупроқда омов ярим метр, ҳатто ундан чуқурроқча ер ҳайдаши мумкин. Ҳайдов чуқурлиги ўқни узайтириш (пастга тушириш, ҳайдов чуқурлигини орттиришда) ёки калталаштириш (кўтариш, чуқурликни камайтириш учун) билан бошқарилган. Бунинг учун ўқнинг бўйинтуруққа бириктириладиган жойида бир неча тешиклар қилинган, ўқ билан омов танаси учи ўртасидаги бурчакни ўзгартириш ҳам шу мақсадға хизмат қилган, бунинг учун ўқ танаға бирлаштириладиган тешикка пона қоқилган.

Ерни ҳайдаш учун одатда ҳўкиз, ҳўкиз бўлмаса от қўшилган. Аммо унда ҳайдовчидан ташқари отни етаклайдиган етакчи ҳам талаб қилинган. Ҳўкиз қўшилган-

<sup>5</sup> Вершок — 44,5 мм га тенг ўлчов бирлиги.

да бир ҳайдовчининг ўзи кифоя қилган. У чап қўли билан омов қулоғини ушлаб, тиш олаётган ҳайдов кенглигини, ўнг қўли билан ҳўкизни бошқаради. Агар йўлда тош, ариқ, илдиз ёки тупроқ кўтарма учраб қолгудек бўлса, ҳайдовчи омовни чап қўли билан кўтариб, ердан узиб олади; қияликларда, аксинча, омовни ерга босиб, олдинга кетиб қолмаслигининг олдини олади, ҳўкизлар омов танаси атрофида ўқ атрофида бўлгани сингари қайрилади.

Иш тамом бўлгач, тишни олиб уйга олиб кетилган. Омов далада қолган ёки уйга олиб кетилган. Бунинг учун омов тана томони билан бўйинтуруққа ташланади, ўқнинг учи улов ўртасида ерда судралиб кетаверади. Омовни баъзан от эгарига ўнгариб ҳам ташишган. Омов билан бир кунда бир гектар ер ҳайдалган, холос.

Одатда омовлар бир хил кўринишда бўлса ҳам, воҳа деҳқонлари маҳаллий омовни икки хилга бўлишган. Жумладан, оғир тупроқлар учун сарт омови, енгил тупроқлар учун хива омови (баъзан уни жар омов деб ҳам атаганлар) ишлатилган. Сарт омови аксарият оғир тупроқли жойларда учрайди, хива омови эса юмшоқ қумлоқ тупроқлар, баъзан тоғлиқ лалми ярим қора тупроқли ерларни ҳайдашга ярайди. Сарт омовининг танаси оғир бўлиб, ўртаси думалоқ ва эни учли бўлган, унинг ўқи бирмунча юқориқда танага бирлаштирилган. Хива омовида оғирлик маркази тана учига кўчирилган, шу сабабли, у бирмунча узун ва кенг, ости текис бўлган. Хива омовининг ўқи ингичка, баъзан эгри бўлиб, танага понасиз бириктирилган. Унинг мустақамлигини ошириш учун ёйсимон ёғоч шоти қўйилган. Хива омовининг тиши сарт омови тишига қараганда кенгроқ ва ост томони бирмунча эгрироқ бўлган. Хива омови билан ер ҳайдалганда ҳайдалмай қоладиган жойлар кам бўлган.

Омовнинг (қўшнинг) калталиги туфайли қўшчи уни энг тор жойлардан ҳам енгил қайтара олган. Ариқ ёки кўтармалардан омовни кўтариб ўтиш қийин бўлмаган. Ер ҳайдалгандан кейин унинг юзасида ўнқир-чўнқир, уюмлар қолмаган. Ернинг текис чиқиши уни суғоришда муҳим роль ўйнаган.

**Мола** ҳам қишлоқ ҳўжалик қуролларидан бири. Мола ерни молалаш учун ишлатилган. Уни ишлатиш вақтида оғирлик ҳосил қилиш учун одам мола устига чиққан. Тахтанинг узунлиги 1,60—2,40, кенглиги 30—35 см, қалинлиги 10—13 сантиметр. Унда иккита тешик бўлган, улардан иккига бўлинган тўсин асоси

ўтказилади, бу тўсинлар арқон ёрдамида бўйинтуруққа мустаҳкамланади. Мола ҳам омоч сингари хўкиз кучи ёрдамида ҳаракатга келтирилади. Мола даланинг сатҳини суғоришга ниҳоятда қулай қилиб текислаш имконини беради, баъзан тупроқ устини силжитади, йўлда учраган кесакларни майдалайди. Бунда юмшоқ тупроқ анча чўкади. Мола одатда уйда тайёрланган, битта мола бозорда бир сўмга сотилган. Баъзан оғир мола ўрнига шох-шабба бостирилган енгилгина тўсин ишлатилган. Мола, айниқса шох-шабба бостирилган тўсин ҳар бир деҳқон хўжалигида учрайверадиган қурол эмас, чунки майда хўжаликларда, ёнга ағдарилган омоч шу вазифани бажарган. Фақат шоликорликдагина мола хўжаликнинг зарурий иш қуроли ҳисобланган. Шу нарса диққатга сазоворки, бундай хўжаликларда унинг сихмола деб аталадиган тури ишлатилган. Сихмола 2 метрли қалин тахта бўлиб, унинг сатҳи томонига икки қатор қилиб ёғоч ёки аксарият темир сих (пичоқсимон тишлар) ўрнатилган. Тахтанинг ўртасига ёки бир оз четроқда кичикроқ хода ўрнатилган. У вертикал ёки ярим айлана шаклида эгилган бўлиб, бир учи улов қўшиладиган ўққа мустаҳкамланган. Ҳайдовчи чап қўли билан ходани тутиб, тахта устидан туриб ўнг қўлидаги гаврон билан хўкизларни ҳайдаган. Баъзан хода ўрнига ҳайдовчи бўйинтуруққа тортилган арқонга таянган. Сихмола шоли экишдан олдин, шунингдек, қотиб кетган тупроқ қатламларини бороналашда ишлатилган.

Кетмон — ўзининг қўлланишига кўра юқорида номлари тилга олинган қуролларнинг афзаллигини ўзида ифодалаган, ҳатто улардан устун бўлган универсал қўл қуролидир. Бу жиҳатдан кетмон энг характерли маҳаллий қурол бўлиб, бирор бир деҳқон кетмонсиз тирикчилик қила олмаган. Деҳқонлар ишлатадиган кетмоннинг дастаси билан оғирлиги 8 фунтгача етган. Кетмон хилма-хил мақсадларда, омоч ишлатиб бўлмайдиган қаттиқ, ёпишқоқ, қотиб қолган ерларда ишлатилган. Кетмон ариқ очишда, сувни дамлаш ёки оқизишда, йўлларни тузатишда, ўсимликни юмшатиш ва чопиқ қилишда, гўнг тўплаш ва сочишда, дарахтларни кўчириш ва ҳоказоларда қўлланилган. Кетмон бозорда ёки ҳунарманд дўконида сотилган.

Бошқа маҳаллий қуроллардан ёғочдан қилинадиган ва маҳаллий аҳоли ғалла янчиш ва сомон майдалашда қўллайдиган майдалагич — жодини кўрсатиш мумкин. Жоди маҳаллий хўжаликларда ва карвонсаройларда молга бериладиган қуруқ беда ва жўхориюясини май-

далашда ишлатилган. Жоди тузилишига кўра жуда оддий ва ишлатилишига кўра қулай, йўғон ёғоч ғўланинг бир учига қулоқли катта пичоқ ўрнатилган. Пичоқ қулоқдан тутиб юқорига кўтарилади ва пастга туширилади, ўткир томони билан ғўлага киради. Бу тирқиш сирт томондан темир билан қопланган. Пичоқни тушириш ва унинг тирқишга киришида қулоққа озгина бошиш билан бир қучоқ ёки бир боғ беда қирқилади.

**От-улов.** Деҳқон дала хўжалигида хўкиз, от, эшак ва баъзан туядан фойдаланган. Ерни ҳайдаш ҳамда молалаш асосан хўкиз, от ёрдамида амалга оширилган. Айрим ҳолларда омовча туя қўшилган. Дон янчиш учун хўкиз, шунингдек, туя ва отлардан фойдаланилган. Етиштирилган маҳсулот хирмонга ва хирмондан уйга от, хўкиз, туя, эшак ёки от қўшилган араваларда ташилган.

### Деҳқончилик урф-одатлари

Эрта кўкламда даладаги ишлар бошлаб юборилишидан аввал ҳар бир қишлоқ, ҳар бир жамоа байрам тусини олган.

Ерни ҳайдашга киришиш арафасида ерни бир неча хўжалик биргаликда ишлаш учун бирлашиб «ҳамқўш», «шерик», «ҳамгов», «олов» каби уюшмалар тузишган. Одатга кўра, ишни кекса оила бошлиғи бошлаб берган. Мабодо оилада кекса одам бўлмаса, бу иш қишлоқнинг ҳурматли кексаларидан бирортасига топширилган. Ҳайдашни бошлаб берган кекса омовчи эгаси қўлига топшириб, унга «бобо деҳон ёр бўлсин», «экин-тикинингга барака берсин» деб, омов тилаган. Бугдой ва арпа сепиб бўлингач, деҳқонлар ёмғир ёғишини кутар эдилар. Қурғоқчилик йиллари ташвиш янада ортарди.

## РЕВОЛЮЦИЯГА ҚАДАР ЧОРВАЧИЛИК

ХІХ асрнинг иккинчи ярми ва ХХ аср бошларида Зарафшон водийсининг ярим ўтроқ аҳолиси чорвачилик билан шуғулланган. Улар қорамол ҳам боқишган.

Фақат ярим ўтроқ аҳолигина эмас, балки қишлоқ аҳолиси ҳам чорвачилик билан шуғулланган. Чўл ва тоғ бағри қисмларида жойлашган ўтроқ аҳоли водийнинг бошқа қисмидаги аҳолига қараганда кўпроқ чорвачилик билан шуғулланар, бироқ уларнинг чорваси ярим ўтроқ аҳолиникига нисбатан камроқ эди.

Революцияга қадар Зарафшон водийсининг қишлоқ аҳолиси асосан чорвачилик билан шуғулланган. Улар деҳқончиликда ер ҳайдашда, ғалла янчишда, сув тортишда ва бошқа кўпгина ишларни бажаришда ҳайвон кучларидан фойдаланишган. Умуман, турмуш, тирикчилик учун зарурий маҳсулотлар чорва молларидан олинган. Натижада чорвачиликнинг мавқеи тобора ортган.

Зарафшон водийсининг табиий шароитида яйлов учун кенг майдонларнинг мавжуд бўлиши чорвачиликни ривожлантириш имкониятини берган.

Каттақўрғон уездида 1887 йили умум чорва 158 500 бош<sup>6</sup>, 1889 йили 158550 бош<sup>7</sup>, 1891 йили 164,650 бош<sup>8</sup> 1892 йили эса 161765 бош<sup>9</sup>ни ташкил этган. Демак, Каттақўрғон уездида 1888—1889 йилларда чорвачилик айтарли даражада ўсмаган.

Ўрганилаётган территорияда чорвачиликнинг умумий аҳолини 2-жадвалдан кўриш мумкин.

Демак, 1887 йилдан то 1911 йилгача, яъни 24 йил ичида Каттақўрғон уездида қорамол 15672 бошга, қўй 12178 бошга, йилқи 8156 бошга камайиб, туялар 115 бош ортган.

<sup>6</sup> Обзор Самаркандской области за 1888 год. С. 7.

<sup>7</sup> Обзор Самаркандской области за 1889 год. С. 10.

<sup>8</sup> Обзор Самаркандской области за 1891 год. С. 10—11.

<sup>9</sup> Обзор Самаркандской области за 1892 год. С. 25.

1917 йили 1887 йилга нисбатан қўй 14698 бошга, йилқи 1922 бошга, туя 642 бошга камайиб, қорамол 24779 бошга ортган.

1920 йили бутун чорва турлари 1887 йилга нисбатан Каттақўрғон уезди бўйича 46 процентга, шу жумладан, қўй 83,2 процент, йилқи 43 процент, туя 72 процент, қорамол 5,9 процент камайган.

Чорва туёғининг йилдан-йилга камайиб бориши сабабларидан бири озуканинг етишмаслиги ва вақти-вақти билан содир бўлиб турадиган қурғоқчиликлар бўлса, иккинчидан, сўнгги даврда яйловларни парвариш қилишга мутлақо эътибор берилмаганлигида эди. 1920 йиллардаги граждандар уруши ҳам қишлоқ хўжалиги, шунингдек, чорвачиликка салбий таъсир қилди.

#### Каттақўрғон уездида

Чорва молларининг турлари	Миқдори		
	1887 йил	1911 йил	1910 йил
Қорамоллар	40,000	24328	64779
Қўйлар	96000	83822	81302
Йилқилар	21000	12844	19078
Туялар	2000	2115	1358
Эшаклар	800	16650	12797
Жами	167000	139759	179314

Шундай қилиб, XIX аср охири — XX аср бошларида Зарафшон водийсининг тоғ ва тоғ ёнбағирларида, чўл ва саҳроларида яшаган қишлоқ аҳолиси чорвачиликни ривожлантиришга қанчалик ҳаракат қилмасин, бу водийда чорвачилик бошқа жойларга нисбатан паст даражада эди.

Фақат қўйчилик, айниқса қоракўл қўйларини урчи-тиш, унинг зотини яхшилаш ва маҳсулот бирлигини ошириш соҳасида катта тажрибалар орттирилган эди.

Урганилаётган территориянинг бир қисми Бухоро амирлигига қараган бўлиб, бу ерларда қишлоқ хўжалик моллари миқдори ҳисобга олинмаган. Шунинг учун ҳам Зиёвуддин ва Кармана бекликларида мавжуд бўлган чорва моллари сони ҳақида статистик маълумотга эга эмасмиз. XIX аср охирида Каттақўрғон уездида ўтказилган статистик ҳисобларга кўра, шу уездда 1887 йили қоракўл қўйлар сони 2000 бош<sup>10</sup>, 1888 йили 500

<sup>10</sup> Обзор Самаркандской области за 1887 год. С. 5.

бош<sup>11</sup>, 1891 йили 200 бош<sup>12</sup>, 1892 йили 2500 бош<sup>13</sup>, 1911 йилга келиб эса 10070 бошга<sup>14</sup> етган. Қелтирилган рақамлар шуни кўрсатадики, XIX асрнинг иккинчи ярмигача ҳам қоракўл қўйларининг асосий қисми Бухоро амирлиги территориясида бўлиб, Туркистонга қарашли жойларда ҳам аста-секин кўпая бошлаган. Қоракўл қўйлари сифатли ва сермахсул бўлиб улар чўлда боқилган.

Қоракўл қўйларидан тери, жун, гўшт ва сут олинади. Чорвадорлар қўй жунининг бир қисмини ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб, қолган қисмини сотишган. Қоракўл терининг аксарият қисми четга экспорт қилинган. 1877, 1893, 1917, 1918, 1922, 1927 йиллар Зарафшон воҳаси қўйчилиги учун жуда оғир кечган. Айниқса, 1928 йил-

## 2-жадвал

### чорвачиликнинг аҳволи

1887 йилга нисбатан				1920 йилга	1920 йилга
1920 йил	1911 йил	1920 йил	1920 йил	1887 йил	1887 йилга нисбатан
37670	15672	24779	2330	94,1	5,9
16184	12178	14598	79816	16,8	83,2
11880	8156	1922	9120	56,5	43,5
551	115	642	1449	27,5	72,5
10597	8650	4797	2589	132	32
76874	27241	12314	90126	46	

нинг қиши қаттиқ келган. Қалин қор қатлами 60 кун мобайнида эрмаган, қўйларни қиш бўйи яйловга олиб чиқишнинг иложи бўлмаган. Музламайдиган Амударё муз билан қопланган. Уша йили Каттақўрғон ва Жума участкаларида майда чорвадорларгина ўз қишлоқлари атрофидаги қўйни боқишган, холос. Уша йили Қарноб ва унинг атрофидаги қишлоқларда жами қўйнинг 67 фоизи қирилиб кетган<sup>15</sup>.

Қиш давомида ем-хашакнинг етишмаслиги натижасида қўйлар ориқлаб кетган, кўкламга келиб кўк ўтга оғзи теккандан кейин кўплаб қўйлар ҳалок бўлган. Аммо табиий офатларга қарамай, қоракўл қўйлари чорвачиликнинг сердаромад соҳаси бўлиб қолди.

<sup>11</sup> Обзор Самаркандской области за 1882 год.

<sup>12</sup> Обзор Самаркандской области за 1891 год. С. 10—11.

<sup>13</sup> Обзор Самаркандской области за 1892 год. С. 25.

<sup>14</sup> Материалы характеристики народного хозяйства в Туркестане. отдел I. СПб., 1911. С. 38—39.

<sup>15</sup> Арасимович Т. В. Очерки экономики каракуловодства УзССР. Ташкент. 1923. С. 8.

Зарафшон воҳасидаги ярим ўтроқ ва ўтроқ аҳоли қўйларнинг жайдари хилини ҳам боқар эди. Жайдари қўйлар бу воҳанинг иссиқ иқлимли табиий шароитига мослашган ва кўп тарқалган эди. Жайдари қўйларнинг жуни дағал бўлиб, улар бўрдоқига боқилган.

Зарафшон воҳасида етиштириладиган чорвачилик маҳсулотлари шу вилоятдаги аҳоли талабини қонди-ролмаган. Масалан, 1891 йили Самарқанд области бўйича жами 468380 бош қўй-эчки бўлиб, буни ўша йиллардаги 139588 хўжаликка тақсимлаганда, ўртача ҳар бир хўжаликка 335 бош қўй-эчки тўғри келади. Текшириладиган объект ҳисобланган Пайшанба, Жуйшагир, Навкин, Мингариқ, Ербоши, Чимбой, Жамариқ, Калқўрғон, Жом, Ангор, Довул, Чашмаоб волостларида 1911 йили жами 24925 хўжалик бўлган бўлса, 21008 бош қорамол, 93880 бош қўй бўлган, уларни бу ерлардаги хўжаликка тақсимлаганда ҳар бир хўжаликка 985 бош қорамол, 3,77 бош қўй тўғри келади<sup>16</sup>.

Аҳолининг қўй гўштига талаби катта эди. Лекин вилоятда етиштирилаётган қўйлар аҳолининг гўштга бўлган талабини тўла қондиролмаган. Уша даврда чорвачилик саноатининг бирдан-бир кўриниши бўлган соҳибкорлар (корхона эгаларининг) асосий эътиборини ўзига жалб этган соҳа қўйчилик бўлган. Чунки улар қўйчилик орқасидан кўплаб фойда орттиришган.

1879 йили фақат Ургутнинг ўзида қўйчиликдан олинган даромад 8000 сўмни ташкил этиб, Ургутдаги ҳар бир соҳибкор ўрта ҳисобда 300 сўмдан соф даромад олган<sup>17</sup>.

Шунга ўхшаш гўшт саноатчиларининг чорвадорлар ўртасида ҳам шериклари бўлиб, уларни қўй жаллоблари деб аташган. Урта чўлнинг Хужум қишлоғида Хушвақт карвон, Тошкўл карвон, Тариқлоя қишлоғидан Баркабой, Оқтунли қишлоғидан Дониёрбой, Тоғотар бойлар XIX аср охири ва XX аср бошларида жаллоблик билан шуғулланишган<sup>18</sup>.

Улар 300 тадан 1000 тагача қўйни Ғузордан, Қаршидан, ҳатто, Афғонистондан сотиб олиб келиб боқишган, семиртириб Каттақўрғондан тортиб Бухорогача бўлган жойлардаги бозорларда сотишган. Ғузор ва

<sup>16</sup> Матернали характеристики народного хозяйства в Туркестане, СПб, 1911, С. 79.

<sup>17</sup> Андаренко Г. А. Досуги в Туркестане 1874—1889 гг. СПб., 1889. С. 86.

<sup>18</sup> Дала ёзувлари. 5—6-блокнот, 1963—1964.



Қарши бозорларида сотувчи билан харидор ўртасига тушадиган даллоллар бўлиб, улар олди-сотди ишларини бошқарган, мол сотиб олувчининг пули ўша кун итишмаса, унинг бир неча вақтдан кейин тўлашига кафиллик берган.

Зарафшон водийси аҳолиси узоқ вақтлар давомида Сирдарё бўйларидаги ва кўпроқ Амударё соҳилларида истиқомат қилган кўчманчи аҳоли билан савдо-сотиқ қилишган. Улар Амударё соҳилларидаги аҳолига саноат молларидан шойи матолар, оёқ кийимлари, пўстинлар олиб бориб, у ердан бунинг эвазига қўй ва бошқа чорва молларини олиб келишган.

Чорва саноатчиларининг диққат-эътиборини Амударёнинг чап соҳилида жойлашган Қундуз, Хулма, Рустах бекликлари ва Чор вилояти жалб этган. Чунки у ерларда кўчманчи қатағонлар зотли қорамол ва қўй боқишган.

Чорва саноатчилари хизматчиси — саркори билан қизил рангдаги матолар (олача ва бўз)ни олиб, 18 кун деганда Бухородан Қундузга етиб келганлар<sup>19</sup>.

Чорва саноатчиларининг ўзи январда йўлга чиққан. Улар Қундуз беклигида март ойининг ярмига қадар қолган ва шу давр ичида ўзига керакли молларни маҳаллий аҳолидан сотиб олган. Шундан кейин улар 500 бош қўйни бир гуруҳ қилиб, агар қўйлар кўп бўлса, уларни бир неча сурувга ажратиб, ҳар қайсисини алоҳида-алоҳида қилиб ҳайдаган.

Қўйни ҳайдашда серкалардан фойдаланган. Серкалар оғир йўллардан, бузуқ кўприклардан эпчиллик билан ўтиб, қўйларни ўз орқасидан эргаштириб борган, уларсиз узоқ масофага юриш амримаҳол бўлган.

Эчкиларнинг сутини ун билан аралаштириб пишириб атала қилиб ичишган. Улар Зарафшон воҳасига келиши билан қўйларнинг ҳаммасини қирқимга қўйишган. Биринчи қирқим тугагандан кейин хўжаликнинг ўзида қўйларнинг ҳаммаси алоҳида-алоҳида 500 бошдан қилиб сурувларга бўлинган ва улар моҳир чўпонларга топширилган. Ҳар бир сурувга бош чўпон тайинланган. Қўйлар 1 июлга қадар яйловда боқилган. 500 бош қўйга ҳафтасига бир пуд туз берилган.

Августнинг бошида хўжайин яйловга борган ва қўйларни семиз-ориққа ажратган, ориқларини боқишга қолдириб, семизларини Бухорога олиб кетган. Бухорода

<sup>19</sup> Андаренко Г. А. Досуги в Туркестане 1874—1889. СПб., С. 100—105.

қўй саноатчилари, қассобларига ҳақини 15 кундан кейин тўлаш шарти билан сотган.

Қўй жаллоблари нақд пулга ва 6 ой муддат билан нася мато ва буюмлар сотиб олиб, ўз жойларига қайтган ва эрта кўкламдан бошлаб яна фойда олиш учун тайёргарлик кўрган. Демак, қўйчиликдан шаҳардаги саноатчилар ҳам, қишлоқдаги жаллоблар ҳам фойда олган.

Саноатчи ўз ишларини ёлғиз бажармаган. Уларнинг чорвадор қишлоқларда гумаштаси ҳам бўлган. Гумашта қўйларни семиртириш учун кетадиган харажатларнинг ҳаммасини ўз бўйнига олган. Сотиш пайтида эса олдиндан хўжайин билан келишилганча соф фойданинг учдан бир қисмини олган.

Семирмаган қўйларни яна қўлда боқиб, бўрдоқи учун қолдирган. Куз келиши билан у қўйларни қишлоққа тушириб боғларда, чакалакзорларда боққан ва қўлда ем бериб семиртирган.

Г. А. Арондаренконинг берган маълумотига қараганда, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси томонидан ҳар йили Зарафшон воҳасида 6000 та қўй бўрдоқига боқилган, унга жами 78 000 сўм харажат қилиниб, 42 000 сўм соф фойда олинган<sup>20</sup>. Зарафшон водийси аҳолиси чорвачилик соҳасида катта тажриба орттириб, ишлаб чиқариш ва турмушда унга амал қилиб келганлар. Улар қўйчилик соҳасидаги тажрибаларига суяниб қўй боқишнинг фойдали усулларини ишлаб чиқишган.

Бу усуллар ҳақида сўзлашдан олдин қўйларнинг номланиши ва боқилиши билан боғлиқ бўлган айрим атамаларга изоҳ бериб ўтамиз: чўпонлар қўйларининг бир йиллигини қўзи, икки йиллигини тўқли, уч йиллигининг урғочисини тўсох, эркагини шишак, тўрт йиллигини навчари, беш йиллигини панж, олти йиллигини манг, етти йиллигини чанг деб атаганлар<sup>21</sup>.

Боласи қоракўл терига сўйилган қўйларни марри, боласи ўстириш учун қолдирилганларни қўзили қўй, соғлом бўлиб бола бериш қобилиятига эга бўлган қўйларни совлуқ, касалроқ қўйларни эса қирри деб ҳам атаганлар<sup>22</sup>.

<sup>20</sup> Уша асар, 107—115-бетлар.

<sup>21</sup> Қармышева Б. Х. Узбеки-локайцы Таджикистана. Сталинабад. 1954. С. 104; Шаниязов Қ. Ш. Узбеки-карлуки. Ташкент. 1964. С. 71. Дала ёзувлари. 7—8-блокнот, 1965.

<sup>22</sup> Қорлуқларда боласи қоракўл терига сўйилган қўйлар «марри», қўзиси қолдирилган она қўйлар «қўзили қўй», бола олдириш

Чўпонлар қўйларни бир неча гуруҳга ажратиб, ҳар бир гуруҳни сурув деб аташган. Ҳар бир сурувда қўйларнинг сони турлича, оз-кўп бўлган. Бу нарса маҳаллий шароитга ёки яйловнинг текис, нотекислигига боғлиқ. Масалан, тоғ бағри ва тоғларда боқиладиган сурувда қўйлар озроқ, текис чўл яйловлардаги сурувда эса қўйлар кўпроқ бўлган.

Баъзи бир текис яйловлардаги сурувда 800—1400 тагача қўй бўлган. Ҳар бир сурувда албатта 2—5 тагача йўл бошловчи серка бўлган. Ҳар бир отарда қўйларнинг сонига қараб 3—5 чўпон хизмат қилган.

Ҳавонинг иссиқ пайтлари кун бўйи сурувни бир киши боққан, кечга келиб ёрдамчилари билан алмашган. Йилнинг совуқ пайтлари эса кундуз кунни ҳам алмашланиб боқишган.

Чўпонлар қўйларни фаслларга қараб турли ерлардаги ҳар хил яйловларда ўтлатишган. Зирабулоқ тоғи ва тоғ ён бағирларида жойлашган Оймаҳол, Узимли, Бештол қишлоқлари аҳолиси кўкламда қўйларни Яккатут, Саритош. Ирижар яйловларида, ёзда Нисбали, Хазормас, Қирсой яйловларида, кузда Гулшан, Хаккар, Хўжаёри яйловларида, қишда Оқтумшуқ, Қазил газа ва Эгизак яйловларида ўтлатишган.

Қалта, Чўққитош, Савриғоч, Пўлатчи, Учтут, Оқтузли, Тариқпоя қишлоқлари чўпонлари қўйларни кўкламда Ирижар, Чамбил, Жартепа яйловларида, ёзда Узунқудуқ, Зартепа Тўрткушон, кузда Уртачўл яйловларида, қишда Тим тоғи атрофларидаги яйловларда боққанлар. Гирдиқўрғон, Гул, Торамуш, Қал, Жалман, Айритош қишлоқларининг чорвадорлари қўйларини кўкламда Бешбулоқ яйловида, ёзда Жом чўли яйловларида, куз ва қиш пайтлари биринчи ва иккинчи Толли яйловларида ва Қоратепа тоғ бағирларида ўтлатишган<sup>23</sup>. Омондарвеш, Хонуй, Галли, Сепки қишлоқлари аҳолиси эса кўклам ва ёзда Урта чўл яйловлари, куз ва қишда Абдуллахон ва Қорача тоғ ён бағирларидан фойдаланишган.

Келтирилган фактлардан кўриниб турибдики, чорвадорларнинг йилнинг ҳар фаслида ўтлатиш учун махсус яйловлари бўлиб, улар шу ўтлоқлардан усталик билан фойдаланишган.

учун қолдирилганлар «сувовай» ёки «вовлук», касал қўйлар «кирик» дейилган. Қаранг: Ш а н и я з о в Қ. Ш. Узбеки-карлуки. Ташкент. 1964, С. 71.

<sup>23</sup> Дала ёзувлари. 5-блокнот, 1965.

Камбағал чорвадорлар қишлоқ атрофларидаги яйловлардан, бой чорвадорлар эса узоқ-узоқлардаги яйловлардан фойдаланганлар. Ҳар бир кишининг чорва боқиш учун ўз яйлови бўлиб, у ерларда чорвани сақлаш учун шароит яратган. Бунинг учун, биринчи навбатда, қўтон қурилган. Чорвачиликда қўтоннинг аҳамияти ниҳоятда катта. Қўтон қиш пайтлари қўйлар учун марказий жой — ётоқ бўлиб, кундузи ўтлатилиб бўлгач, кечқурун албатта қўтонга қайтариб келинган. Ҳаво очиқ кунлари қўйлар ўтлатилиб, шамол, бўрон бўладиган бўлса қўйлар дарҳол қўтонга қамалган.

Зарафшон водийси чўпонлари очиқ қўтондан фойдаланишган, ярим очиқ қўтонлар ниҳоятда кам бўлган.

Очиқ қўтоннинг усти ёпилмаган. Сурувдаги қўйларнинг сонига қараб қўтон катта ёки кичикроқ бўлган. Масалан, 500 бош қўйга мўлжалланган қўтон 55 метр чамасида айлантирилади. Атрофдаги девор ўрта ҳисобда 1,5 метрча кўтарилади. Қўтон деворини чимдан, лойдан, тошдан ёки жангал, янтоқ ва саксовулдан ясаганлар.

Қарноб шароитида шамолдан, қаттиқ совуқлардан ҳимоя қиладиган ерлар танланиб, қўтон ясалган. Бундан ташқари, қўтон албатта қудуқ ёки булоқ ёнида бўлган.

Айрим вақтларда қўтон ёнига чўпон учун махсус қапа қурилган, чўпон ўша ерда вақти-вақти билан дам олган. Қўтон ёнида чўпоннинг озиқ-овқатлари сақландиган хона — ертўла бўлган.

Қўйларни овқатлантириш учун қўтон ташқарисидан лойдан, чимдан нова (охур) ясалган. У қайси томондан шамол турса ҳам қўйнинг овқатланишига халақит бермайдиган қилиб қурилган. Баъзан қўтон ичига ҳам шундай охурлар қурилган. Кўпинча қўтон девор билан иккита — катта-кичик хонага бўлинган. Катта қўтонда соғлом қўйлар, кичик қўтонда касал ва заиф, алоҳида парваришни талаб қиладиган қўйлар сақланган. Бундай қўтонларни асосан чўпон ва унинг шериклари қурган.

Чўпонлар қиш пайтлари қўтонда қўйларни совуқда қолдирмаслик учун қўй қийини қўйларнинг тагига солганлар. Бой чорвадорлар қўтон ёнидан махсус жой қилиб, унда оз миқдорда чигит ва арпа сақлаган.

Бепоён чўл яйловларидан фойдаланиш ва ўша ерларда чорвачиликни ривожлантириш чорвани қай даражада сув билан таъминлаш имкониятларига боғлиқ

эди. Яйловларда оқар сув, дарё бўлмаганлиги туфайли қудуқ қазиб сув чиқаришга тўғри келган.

Чўпонлар хилма-хил қудуқлардан фойдаланганлар. Қудуқларнинг чуқурлиги 3—5 метрдан 30—35 метргача етган. Қудуқлар атрофида қўйларнинг сув ичиши учун лойдан ариқча (нова) ва ҳовузча қилинган. Сув олдин ҳовузчага, кейин новага қўйилган.

Қарноб ва унинг атрофидаги ерларда сув танқислиги туфайли ҳовузнинг таги ва атрофи, ҳатто нованинг ҳам таги билан атроф девори тошдан ясалган.

Бир қудуқнинг суви билан ҳар куни 500—1500 қўй суғорилган ва бу қудуқдан бемалол 30—40 йил фойдаланишган. Қудуқлар деярли йирик чорвадор ихтиёрида бўлган. Қудуқнинг чимдан қилинган муласи бўлиб, чиғириқни шу мула кўтариб турган. Чиғириқ ўқи ёғочдан ясалган. Сув жун арқон билан тортиб олинган.

Ҳар қудуқнинг суви ҳам ҳар хил, айримларининг суви шўр бўлса, айримлариники чучук бўлган.

Қудуқлардан сувни махсус киши — обкаш тортиб олган. Чуқур қудуқлардан сув тортишда бир кишининг кучи етмаган. Бундай пайтларда сув тортишда ишчи ҳайвонлардан фойдаланишган.

Сув қорамол (ҳўкиз ёки сигир) ёрдамида қовға билан тортиб олинган. Қовға эчки ёки қўй ва мол терисидан қилинган.

Мол терисидан қилинган қовға 1—2 йил ишлатилган. Қўй-эчки терисидан қилинганлари 1,5—2,5 ойча ишлатилган, холос.

Қовғага 2 челақдан 10 челақкача сув кетган. Арқоннинг бир учи қовғага, бир учи ҳайвонга боғланган. Қовға қудуққа туширилгандан кейин сувни тортиб чиқариш учун ишчи ҳайвон қудуқнинг чуқурлигигача бўлган масофагача юриши, қовгани сувга тўлдириш учун эса олдига келиши керак бўлган. Тўлиб юқорига кўтарилган қовғадаги сувни обкаш ариқчага тўкади. Сув ариқча орқали обхонага қўйилади. Обхона чимдан қилинганлиги учун сувнинг бир қисми тупроққа сингиб кетган. Обхонадан новага чиқадиган тешикни маҳаллий аҳоли кўз деб атаган.

Сув тортаётганда туяни ёш бола бошқариб туради. Шундай қилиб туя билан икки киши то тушгача сув тортган.

## Қўйчиликдаги анъаналар ва чўпонларнинг меҳнат фаолияти

Кўклам — чорвадор чўпон-чўлиқларнинг турмушида энг муҳим мавсум. Чунки йилнинг энг қийин фасли қишдан омон қолган қўйларни тагин ўлдирмасдан сақлаб қолиш ва молларни кўпайтиришнинг тақдири йилнинг шу фаслида ҳал бўлади. Шунинг учун ҳам йирик чорвадорларнинг ҳам, камбағал чўпоннинг ҳам бутун диққат-эътибори чорва туёғини кўпайтиришда бўлар, чўпон-чўлиқларнинг масъулияти янада ошар эди.

Шундай қилиб, февралнинг охири, март ойининг бошларида тул туша бошлайди. Чорвадорлар тул тушиш олдидан кўзилатишни яхши ўтказиш учун қўйларга махсус жойлар белгилашади. Чўпонлар бу вақтда яйловларга катта эътибор беришган.

Чўпон-чўлиқлар бу вақтда совлиқларни қорда, музлаган ерларда қолдиришмас, уларга қудуқдан эндигина тортиб олинган сувни берарди.

Чорвадорлар бу даврда туғадиган қўйларни узоқ ерга ҳайдаб чарчатиш, қийнаш ва қўрқитиш катта зиён етказди деб ҳисоблаганлар. Шунинг учун ҳам улар қўйларни мумкин қадар эҳтиётлик билан боқишган, акс ҳолда, бўғоз қўйлар бола ташлаши мумкинлигини тажрибадан билишган.

Чўпонлар ота-боболаридан ўзлаштирган тажриба ва анъаналарга риоя қилиб, қўйларни меъёрида овқатлантиришган. Мабодо қишки яйловлар яхши бўлмай, баҳорда ўсимликлар кечикиб чиқса, совлиқларга қўшимча ем берилган.

Баҳорда кўк ўтлар эндигина ўса бошлаган ёки совуқ таъсиридан уларнинг ўсиши тўхтаб қолган пайтларда, айниқса, қийинчилик туғилади. Кўкка оғзи теккан қўйлар ўтга тўймайди. Қуруқ ўтни емай, оч қолади ва тезда ориқлай бошлайди. Ана шундай пайтда қўйларни тўқ тутиш чўпондан катта маҳорат талаб қилган. Қоракўлчилик хўжалиқларида бу пайт энг масъулиятли давр ҳисобланади. Чўпонлар бу қийинчиликларни енгишда ҳам қадимий анъаналардан фойдаланишган.

Бундай пайтда чўпон қўйларни кечаси боқади. Нам тушиб хасни юмшатади, қўйлар кўк ўтнинг ҳиди билан қуруқ хашакларни ҳам истеъмол қилаверади. Натижада қўйлар семиради ва турли касалликларга кўп дучор бўлмайди. Айрим чўпонлар бунга бефарқ қараб, қўйларни бой бериб қўяди.

Юсуф Шоймардонов 16 йил чўпон бўлган, у ўзининг тажрибаларига асосланиб, бўғоз совлиқларни кўп ётқизавериш ҳам зиён, чунки уларнинг боласи яхши етилмайди, шунинг учун қўйларни тез-тез ўрнидан турғизиб туришда гап бор, дейди.

Каттақўрғон районидан Унбар Рўзиев қуруқ хашак еб юрган қўйларни бирдан кўк ўтга қўйиш хавфли деб ҳисоблайди, чунки қўйлар кўк ўтни бирор марта тўйиб еб қўйса, кўкичак касалига дучор бўлади. Бу касаллик эса қўйнинг офати. Бундан ташқари, унинг яна бир ёмон томони борки, агар бўғоз қоракўл қўйлар тул тушиш олдидан кўк ўтни ҳаддан ташқари кўп еса, қориндаги қўзининг жуни ўсиб кетади, бу эса қоракўл сифатини пасайтиради.

Рўзибобо инқилобга қадар 40 йилдан ошиқ чўпонлик қилган, у шундай пайтларда қўйларни қуруқ ем бериб, кейин икки-уч соат яйловга ҳайдар, қўрага қайтгач, яна қуруқ хашак ва ем бериб боқар эди. Айрим қўйчивонлар кўкламда об-ҳаво тез-тез ўзгариб турганидан ўз қўйларини қўтондан узоққа ҳайдамаганлар.

Эрта кўкламда февралдан то мартнинг ўрталаригача қора қилтинг бўлиб, бу энг серташвиш давр эди. 40 кун давом этадиган қора қилтинг тул олиш даврига тўғри келиб, чорвадорлар учун синов ҳисобланган. Бу даврда қўйлар кечаси ўтлатилади, баъзан ўтлатиш эрталабгача давом этади, чунки бу даврда совлиқ кечаси қанчалик кўп юрғизилса, ҳаракат қилса шунча бақувват бўлади.

Чорвадорлар тулни энг оддий усуллар билан ўтказишган, табиий қулай жойларда: қирнинг панаси, тоғ оралиқлари, тоғ ёнбағирларида, қирларга яқин камарларда тул олганлар.

Тул айрим йиллари эрта тушиб, ҳаво анча салқин вақтга тўғри келган. Баъзида тўсатдан ёмғир ёки қор ҳам ёғиб қолган. Шу боисдан, туғилган қўзилар учун ертўла ишланган ёки ерни кавлаб устини пана қилганлар. Айрим чорвадорлар тул олиш пайтида қўйларни қишлоқ яқинига ҳайдаб келиб, вақтинчалик қўтон яшашган, уни тул қўтон деб атаганлар. Совлиқни кун бўйи яйловда ҳайдаб боқилган. Баъзи чўпонлар совлиқни кечаси яйловга ҳайдашган, чунки бу қўйлар ҳам кунига бир марта суғорилган.

Йирик отарларда бир кеча-кундузда 100, ҳатто ундан ҳам ортиқ қўй қўзилаган, бу пайтда чўпонлар ниҳоятда эҳтиёткорлик билан иш тутганлар.

Чорвадорлар урғочи қўзиларни боқишга қолдиришган. Эркак қўзилар эса асосан қоракўл териси учун сўйилган. Тул тушиш даврида чўпонларга вақтинчалик ёрдам бериш учун 3—4 киши ёлланган. Уртаҳол хўжаликларда оила аъзолари ёрдам берган.

Йирик чорвадор бой тул олиш даврида албатта иштирок этган. У чўпонга ва унинг ёрдамчиларига озуқа, турли хил зарурий нарсаларни етказиб берган.

Бу даврда ҳар бир қўзини онасига ўргатиш ва уларни гуруҳларга ажратиш керак бўлган. Қўзили қўй 5 кундан 10 кунгача, айрим вақтлари, агар об-ҳаво ёмон келса, ундан ҳам кўпроқ вақт қўтон атрофида ўтлатилган.

Қоракўл қўйларни парвариш қилиш қанчалик оддий бўлмасин, ўтлатишга ниҳоятда эътибор билан қаралган.

Қўзили қўйлар қўй эгалари турган жойдан узоқда ўтлатилмаган.

Қўзилатиш даври тугаши билан чўпонлар қўй ва қўзиларнинг парваришига катта эътибор берганлар. Қўзиларнинг ўсишига қараб улар боқиладиган чегара масофаси ҳам кенгайтириб борилади. Чўпонлар кўккладан бошлаб она қўйлар учун алоҳида майдон ажратади. Яъни қўзили қўйлар учун яқинроқдаги яйловлар, қўзиси бўлмаган қўйларга узоқдаги яйловларни тақсимлайдилар.

Умуман, қўзили қўйлар қудуқ атрофларида ўтлатилади. Чунки паст-баландлик жойларда боқилганда, қўйлар тарқалиб, яйраб ўтламайди.

Бундан ташқари, чўпонлар қўйларни бир ерда кўп тўхтатмасдан ҳайдаб ҳам боқишган. Қўйлар узоғи билан 1,5—2 км узоқликда чўзилганда, дам олиш жойидан уларни яна орқага айлантириб қайтарилган. Шундай қилинганда энг орқада ўтлаётган қўйлар худди олдинда кетаётгандай бўлиб қолади. Улар ўтлатиш бошланган жойга борганда секин яна бошқа томонга буриб юборилган. Чўпонлар ноаниқ вақтларда қўйларнинг дам оладиган жойларини тез-тез алмаштириб турган. Бу усул яйловлардан унумли фойдаланиш билан бирга ўтларнинг яна қалин бўлиб ўсиш имконини берган.

Совлиқлар қўзилай бошлаши биланоқ туғмаган қўйлар ажратиб олиниб алоҳида боқилган. Тул тушиб бўлгач, қоракўл терини сотиб олиш учун жаллоблар кела бошлаган. Жаллоблар қоракўл териларни чет мамлакатларга чиқариб сотганлар.



Бухородан келган жаллоблар март ойида Уртачўлда бўлиб қора дусбой терининг бир донасини 2—3 сўмдан, кўк, шерози қоракўл терининг бир донасини 1—2 сўмдан сотиб олишган.

Сотиб олинган қоракўл териларни усталарга берганлар. У қоракўл терининг энжим бўлиб қолган ерларини текислаб, сояга ярим соат қўяди, терининг орқа тарафи қуёшга қаратиб қуритилган.

Шундан кейин уста ҳамма териларни яқинроқдаги сувга (ариқ, ҳовуз) олиб бориб 2 соатча ювган ва қуритган.

Уста тайёр бўлган териларнинг иккитасини бир қилиб буклаб 1000—2000 та терини сопол хумга солади ва 12 кун арпа уни билан аралаштириб, озроқ туз солиб ошлайди (3 пуд арпа уни, 8 челақ сув, 2 пуд туз). Шундан сўнг яна ариқ сувида тозалаб ювади, орқа тарафини қуёшга қаратиб, 2 соатча қуруқ қум устида қуритади.

Қоракўл тери май-июль ойларида, ҳаммаси бўлиб 15 кун ичида ошлаб бўлинади. Туз ва бошқа харажатлардан ташқари усталар тайёрланган 100 та терига 18 сўмдан иш ҳақи олган<sup>24</sup>.

Терилар тайёр бўлгач, савдогар уларни карвонсаройга олиб борган. Даллол ўз одамлари билан келиб, териларни навларга ажратиб, ўнта-ўнта қилиб тахлаган.

Бухорода қора терининг 10 тасини 30—40 сўмгача, кўк терининг 10 тасини 18—30 сўмгача нархда сотилган; Россияга ҳар йили 500 000 тагача қоракўл тери жўнатилган<sup>25</sup>.

Кўкламда қўйлар икки гуруҳга ажратиб боқилади: қўзили қўйлар ва қисир қўйлар. Қўзили қўйлар эрталаб яйловга ҳайдалади ва пешингача боқилади, кейин суғорилади. Сувга ҳали ўрганмаган қўзиларни чўпоннинг ўзи ўргатади. Қўзиларнинг охурга бўйи етмаганлиги сабабли уларга порчоб (кичкина чуқур) қазилади.

Сув ичириб бўлгач, қўй-қўзилар яна яйловга ҳайдалади. Бу пайтда қўйлар хоҳласа ўтлайди, хоҳласа ётади. Кун ботиш олдидан қўзилар яна қўйларга қўшиб қўйилади. Шундан кейингина қўйлар қора жотоққа (дам олиш жойига) ҳайдалади. Бу жой қўтонга яқинроқ бўлади. Қўзилар яйловда бўлса, ухлаб қолиши, онасига қўшиб қўйилмаса ажраб қолиб кетиши мумкин.

<sup>24</sup> Арасимович Қ. А. Очерки каракулеводства УзССР. Самарканд. 1923. С. 112.

<sup>25</sup> Уша асар, 113-бет.

Қисир қўйлар бир сурув қилиб, эрталаб яйловга ҳайдалади. Баъзи чўпонлар қўйларни 3 гуруҳга бўлишган. Биринчиси териси, учун ёки бошқа сабабларга кўра сўйилган — махи қўй; иккинчиси, совлиқ — бўғоз қўйлар; учинчиси қисир қўйлар.

Қўйларга эрта кўкламда кўк ўт ўса бошлаганда Қарши тузи берилган, қиш пайтида туз берилмаган. Чўпонлар фикрича, қўйлар кўклам пайтида етарли туз истеъмол қилмаса, яхши семирмайди, шўрхок ўтни ахтариб ўтдан қолади.

Боласи сўйилган қўйлар билан қисир қўйлар эрталаб яйловга ҳайдалиб, кўтонга келтирмай боқилган. Ҳар куни соат 11 ларда бир марта суғорилиб, яна яйловга ҳайдалган. Яйловда улар тўйгунча ўтлатилган.

Май ойига келиб кўкламги мавсум ниҳоясига етиб, биринчи қирқим тугалланади ва қўйлар узоқ-узоқларга олиб бориб боқилади.

400 бошдан 600 тагача қўйи бўлган кишилар ўз қўйларини алоҳида боқиб, махсус чўпонлари бўлган. Камбағал чорвадорлар эса бир неча хўжалик қўйларини биргаллашиб боқишган.

Ҳар бир қишлоқнинг чорванинг ҳар турига кўра алоҳида-алоҳида улуш яйлови бўлган.

Ёзда чорвадорлар марри қўйлари, қўзили қўйларни ва қўчқорларни алоҳида-алоҳида қилиб боқишган. Бундан мақсад, қўйларнинг тўйиб ўтлашига, чўлда яйраб юришига эришишдир. Қўчқорлар учун алоҳида, она қўйлар учун алоҳида чўпон тайин қилинган.

Чўпонлар ўртасида сурувлар тақсимлангандан кейин улар тегишли яйловда қўйларни боқа бошлаганлар. Ёз ойларида қорақўл қўйларни яйловда боқиш режими ҳам кўкламгидан фарқ қилган. Чўпон қўйларни эрталаб соат 5 дан 9 гача яйловда боққан. Соат 9—10 нинг ўртасида қўйлар суғорилган. 10 дан 12 гача ёки бир оз кечроқ икки соат яна яйловда боқилган. Бунини чўпонлар гарм<sup>26</sup> деб атаганлар.

Соат 12 дан 3 гача дам берилган, 3 дан 4 гача суғорилган. Кечки дам соат 8—11 гача бўлиб, соат 11 дан эрталабгача яна ўтлатилган, кечаси соат 2 дан 5 гача дам берилган. Шу режим ҳар куни такрорланган.

Ёзги жазирамада қўзиларгина эмас, балки катта қўйлар ҳам қийналади. Шу туфайли чўпонлар ўз сурувларидаги қўйларни ёзнинг иссиғидан сақлаш учун

---

<sup>26</sup> *Гарм* — қорақўл қўйларини ёзнинг энг иссиқ пайтида ўтлатиш усули, бу усулдан ҳозир ҳам фойдаланилади.

яйловлардаги паст-баландликлардан мумкин қадар кўпроқ фойдаланадилар. Қўйлар кун исиган пайтда тоғларнинг унчалик қизмайдиغان қияликларида ҳамда шабада эсиб турадиган жойларда, чакалакзорларда ўтлатилади.

Тажрибакор чўпонлар қўйларни ўтлатишни шундай уюштирадиларки, уларнинг подасидаги қўйлар ҳамisha тўқ бўлиб, ўтлоқлари топталмай яхши сақланади.

Ёзнинг иссиқ келиши ва айрим вақтларда эсадиган иссиқ шамол чўпонлар ишини оғирлаштиради, айни вақтда, у тупроқ ва ўсимликларни «дезинфекция қилиш»да фойдали ҳисобланади. Чунки бу қоракўл қўйларни юқумли касалликлардан сақлайди.

Қўйларни бўлак-бўлакларга ажратиб боққанда, сурувнинг дам оладиган аниқ жойи белгиланади. Бунда шамол қайси томондан эсаётгани ҳисобга олинади. Эрталаб шамол қайси томонга эсса, қўйлар ўша томонга қаратиб ўтлатилади. Куннинг иккинчи ярмида дам олиш учун қайтаётганда шамолга қарши ўтлатилади. Агар қўйлар ўтлатилаётганда кучли иссиқ шамол эсса, улар шамолни тўғри пода юзига эмас, балки биқинига урадиган қилиб ўтлатади.

Чўпонлар қўйларни ўтлатаётганда қуёшнинг иссиқ нуруни уларнинг кўзига тик туширмасликка ҳаракат қилади. Шунда қўйлар яхши ўтлайди.

Сентябрнинг бошида ёзги мавсум учун ажратилган яйловларда қўйларни боқиш тугалланади. Улар энди кузги яйловга ўтказила бошлайди.

Кузда чорвадорлар қўйларни суткасига бир марта суғоришган. Бу даврда қўйларни боқиш тартиби ҳам ўзгарган. Чунончи, эрта тонгда қўйлар яйловга ҳайдалади, чоштгоҳда суғоришга олиб борилади. Қўйлар сув ичгандан кейин пешингача дам берилади, шундан ҳуфтонгача ҳайдаб боқилади. Ярим кечадан азонгача дам берилади. Бу тартиб то қишлоvgача давом этган.

Куз даврида ҳам чўпон-чўлиқлар қоракўл қўйларни белгиланган яйловларда боқишган: яйловларнинг маҳсулдорлигига қараб қўйлар турли усулда ўтлатилган, ўти унча кўп бўлмаган жойларда сурувни тарқоқ ҳолда ёйиб, қўйлар бир жойдан иккинчисига ўтказиб турилган. Серўт жойларда сурувни бир жойга тўплаб боқилган, қолган ўтларни тозароқ едириш учун қўйларни бир майдонга қайта-қайта ҳайдаб киритганлар. Яйловларнинг аҳволи, ўтларнинг сифати ва хусусияти

об-ҳавонинг ўзгариши, сувнинг чучуклигига қараб суғориш тартиби ўзгартириб турилган.

Тажрибали чўпон мақбул суғориш тартибини янглишмасдан аниқлай олган. Бу даврда қўйлар асосан мавсумий, яйловларда боқилган. Чўпонлар кузда қўйларнинг камроқ юриб, кўпроқ ем ейишига ҳаракат қилиб ҳам семиртиришга муваффақ бўлган. Шунинг учун ҳам чўпонлар қўйларни кечаси боқишга, вақтида суғоришга, дам беришга катта эътибор берганлар.

Чорвадорлар ғалла ўриб-йиғиштириб олингандан кейин қоракўл қўйларни ўша ерларда ҳам ўтлатишган. Кузда чўпон-чўлиқлар олдида турган муҳим вазифалардан бири қирқим бўлган. Чорвадорлар қирқимни ўзлари учун қулай жойларда, яйловда, яқин бўлса қишлоқ атрофларида ўтказишган.

Қирқим учун асосан қиллиқ (қайчи)дан фойдаланишган. Қирқимда бойлар одам ёллаган. Бу ишда асосан шу бой атрофидаги қишлоқ камбағаллари иштирок этган. Уларга меҳнат ҳақи ишбай асосида тўланган ёки 10 та қўй жунини қирқса, унинг эвазига бир бош қўйнинг жунини олган.

Бой чорвадор хўжаликлар қўчқорларини тажрибали чўпонларга бериб боқтирган. Улар қўчқорларни арпа ва буғдойзорлар ўрнидаги ангорда боқишган. Қўчқорларни ҳайдаб боқишдан ташқари уларга яна қўшимча ем беришган.

Кузда қўйлар тоғ ва тоғ ёнбағри яйловларида боқилиб, айрим йиллари қишлоқга семиз кириб келган. Чорвадорлар қайси яйлов ўзларига қулай бўлса, қишлоқни ўша ерда ўтказган.

Боқилаётган қўйларнинг аҳволи ва яйловнинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда айрим чорвадор қишлоқни ўз қишлоқларида, айримлари қишлоқ яқинларида, айримлари қишлоқидан анча йироқда ўтказганлар. Тим ва Қорача тоғларининг ёнбағирларида бир неча қишлоқ чорвадорлари қишлоқга қолган. Қорача тоғ ёнбағри яйловларининг чорва учун қишлоқни ўтказишда қулай томони шундан иборат бўлганки, у шимол томондан баланд Зирабулоқ тоғи билан ўралиб, бу ерларга шамолни ўтказмаган.

Жануб томони секинлик билан пасая бориб, кенг текисликка, Қарноб чўлига туташган. Шарқ ва ғарб томони ёнбағирликларини ташкил қилиб, баланд ва унча баланд бўлмаган пасттекисликлардан иборат. Бундан ташқари, Қорача тоғи яйловининг чорва учун яна энг

муҳим қулайлиги қанчалик қаттиқ қиш бўлмасин, қанчалик қалин қор ёғмасин бу ерда узоқ турмаган.

Табий шароитнинг бундай хусусияти ем-хашак камчил йиллари қўйларни ҳайдаб боқиш учун жуда қўл келган. Шу туфайли бой чорвадорлар ҳар йили қишлоғни шу яйловда ўтказган. Шунинг учун ҳам чорвадорлар ўртасида «Қорачада қор турса, чорвадорда мол турмайди» мақоли яратилган.

Қишки мавсум уч ойча чўзилган. Қишининг энг совуқ бўрон пайтлари қўйлар қўтонда сақланар, бошқа вақтларда ҳайдаб боқиларди.

Умуман, қишда қўйлар қўтондан унча узоқламас эди. Қарноб чўлида ва Жом чўли тажрибали чўпонлари қиш пайтида қўйларни бир ерда сақлаб турмас, иложи борича юргизиб турар, агар қўйлар бир ерда туриб қолса, нам ҳавода ўпкаси шамоллаши ва турли касалликларга дучор бўлишини билганлар<sup>27</sup>.

Қишга келиб қоракўл қўйларини боқиш тартиби ҳам ўзгаради, яъни яйловда эрталабдан кечқурунгача боқилган.

Қор кўп ёғиб, ҳаво совуқ бўлса қўтонда қўйларни қўзғаб ем бериб турилади, акс ҳолда, қўйлар босқоқ касалига дучор бўлади. Ориқ, ҳолдан тойган қўйларни ҳовлига жўнатган ёки алоҳида боққанлар. Моҳир ва тажрибали чўпонларгина қишнинг оғир шароитларида ҳам қўйларни усталик билан ўтлатишган ва қишлоғни муваффақиятли ўтказишган.

Қишлов даврида чўпонлар қўйларни тартиб-қоида билан парвариш қилиб, кунига бир марта суғоришган, холос. Қудуқдан фақат қўйлар келиши олдидан сув олинган, чунки қудуқ суви қишда илиқ бўлиб, қўйлар учун ниҳоятда фойдали бўлади. Қўйлар суғорилгандан кейин яна боқилаверган.

Қўйларни майда-майда сурувларга бўлиб боқилган, акс ҳолда, улар майсаларни босиб, янчиб ташлайди. Бир қудуқ атрофидаги яйловларда ўтлатилгандан кейин навбат иккинчи қудуқ атрофида жойлашган яйловга келади.

Чўпонлар мумкин қадар ўсадиган ўсимликларнинг бўйи анча ўсиқ ва жойнинг рельефи қулай, қор босиб қолмайдиган яйловларни танлашга ҳаракат қилишган.

Бундай нарса чўпондан катта тажриба талаб қиларди. Қўйларни қишловдан чиқариш чорва билан шуғулланувчи барча кишиларнинг, айниқса чўпонларнинг

<sup>27</sup> Дала ёзувлари. 1—2 блокнот, 1963.

ҳаётида энг оғир давр ҳисобланиб, катта меҳнат талаб қиларди. Айниқса етарли ем-хашак тўпланмаган йиллари, яйловда ўтнинг етишмаслиги уларни оғир қийинчиликларга олиб келарди.

Қаттиқ совуқ кунлари чўпоннинг ўзи ҳам тунни қўйлар билан бирга қўтонда, уларнинг орасида ўтказар, кечаси қўйларни бир неча бор турғизиб ҳаракатлантириб туради.

Айрим пайтлари ҳаво жуда совуқ бўлганда кечаси қўйларни қўтондан чиқариб, бир неча километрга ҳайдаб яна қўтонга қамарди.

Ҳавонинг тез-тез ўзгариб туриши совуқ билан иссиқ, қор билан ёмғир алмашиб турганда қўйларни боқиш тартибини шароитга мослаб ўзгартириб туришга тўғри келган. Қўйлар қаттиқ шамол кунлари ўтлатилмаган.

Чўпонлар қишда қўй боқиш системасида икки қондага амал қилганлар. Улар ҳар қандай ҳавода ҳам кечасию кундузи қўйларни ўтлатишган. Иккинчидан, қўйлар қиш бўйи очиқ ҳавода сақланган, фақат жуда совуқ бўлган кечалари ва бўрон бўлгандагина улар тепаси очиқ қўтонларга қамаганлар. Чунки соғлом қўйлар иссиқ хоналарда сақланса заифлашиб тез-тез шамоллаб қолади.

Чўпон Жаҳонгирбобо «қўйнинг тилини билиб боққан чўпон тирсагигача мойга ботади», дейди. Яйлов танлаш, тунлари боқиш, сувга, тузга зориқтирмаслик, вақтида дам бериш чўпоннинг биринчи галдаги вазифаси. Буларнинг биронтаси бузилса, қўй ўзини олдираверади. Ундан соғлом қўзи ҳам, баракали жун ҳам олиш мумкин эмас.

Қоракўл қўйларнинг табиати нозик, уларни ҳар кунини янги яйловга кўчирганда ҳам ўт кўп бўлса танлаб ейди. Чўпон ўтлоқни қанча тез алмаштирса, қўй шунча яхши етилади.

Қоракўл қўйлари чидамли бўлишига қарамай, ниҳоятда инжиқ ҳам бўлади. Улар таги қуруқ ва кенг бўлмаса қўраларда яхши ётмайди, кечаси билан тикка туриб чиқади. Шу сабабли чўпонлар қўйларнинг қўраларда бемалол туриши учун уларнинг тагини доим қуруқ сақлайди, қўралар деярли ҳар кунини тозаланиб, янги тўшамлар солинади.

Қўйлардан кўпроқ маҳсулот олиш асосан, совлиқлардан эгиз қўзи олиш йилнинг мана шу фаслида ҳал бўлади.

Чўпон-чўлиқлар чорвани қишловдан муваффақиятли олиб чиққандан кейин, энг масъулиятли даврга — баҳорги мавсумга ўтилади.

Қоракўл қўйларни боқиш ва даволашда, чўпонлар узоқ вақтлар давомида сақланиб келаётган одатларни қўллаб, ветеринария ёрдамини ҳам ўз зиммаларига олишган. Чунки қўйлар касал бўлса, турли емиш бериб, яраланган ерларига ёғ суртишган. Баъзан улар касал қўйларни даволашда турли ирим-сиримлардан ҳам фойдаланишган.

Қоракўл қўйларнинг семиз ёки ориқ бўлиши, албатта чўпонга боғлиқ бўлади, шунинг учун ҳам бойлар яхши чўпонларни ўзига олишга ҳаракат қилган.

Бой чорвадорлар, албатта чўпонлик соҳасида донғи кетган, бу касб авлоддан-авлодга ўтган, моҳир кишиларни олишга ҳаракат қилишарди. Бош чўпон (аркор)<sup>28</sup> ўзига ёрдамчи чўпон (чўлиқ, чўпон ёки даҳмарда)ни ўзи танлаб олган. Йирик чорвадорларнинг чорваси устидан назорат қилиб турувчи махсус кишиси бўлиб, уни девонбеги деб юритишган.

Одатда бойлар чўпонлика ўрта ёшли, тажрибали етимлардан танлаган. Шунинг айтиш керакки, етим осонлик билан чўпон бўлолмасди. У болаликдан бошлаб чўпонга ёрдамчи ёки чўлиқ бўлиб, 10—15 йил<sup>29</sup> ишлагандан сўнг бош чўпон лавозимига кўтарилиши мумкин эди. Чўлиқ ҳам асосан етимлардан бўлиб, унинг вазифаси қудуқдан сув тортиш ва нарсаларни бир ердан иккинчи ерга кўчириш бўлган.

Чорвадорлар яхши чўпонни ҳеч ўзидан кеткизмаган. Башарти чўпон хўжайиннинг рухсатини олмасдан кетса, уни бошқа киши чўпонликка олмаган. Шунинг учун чўпон хўжайиндан рухсат олмасдан ҳеч қаёққа кетолмаган. Чўпон билан бой ўртасида оғзаки шартнома тузилган. Чўпон ниҳоятда тўғри ишлашни ваъда берган. Чўпон ўзининг бутун ҳаётини қўйлар билан яйловда ўтказар, оиласига камдан-кам келарди. Бола тарбияси билан мутлақо шуғулланмасди. У овқатни доим ўзи пиширар, қўйларни боққанда албатта унинг орқасидан яёв юрарди.

Ҳар бир сурувда албатта иккита ит бўлиб, улар қўйларни қўриқлашган, чўпонларнинг миниши ва бошқа керакли нарсаларини олиб юриши учун иккита эша-

<sup>28</sup> Кармышева Б. Х. Узбеки-локайцы Южного Таджикистана. Сталинабад. 1954. С. 112.

<sup>29</sup> Шаниязов К. Ш. Узбеки-карлуки. Ташкент, 1964. С. 71.

ги бўлган. Ҳар бир чўпонга маошидан ташқари, ойига икки пуд ун, туз, ҳар ит учун бир пуд ун, эшакка эса бир пуд арпа ёки жўхори бериб турилган. Юқорида кўрсатилган харажатлардан ташқари, қўй эгалари қўйларга қарши тузидан бериб туришган.

Чўпон ҳар доим ўзи билан пичоқ, таёқ ва гулга олиб юрар эди. Чўпоннинг нон солиб юрадиган халтаси бўлиб, эчки терисидан қилинар ва уни чоноқ деб атардилар. Чўпон яйловда доим ўзи овқат пиширгани учун ҳамиша ёнида коса, пиёла, қошиқ олиб юрган. Шу идишларни солиб юрадиган махсус халтани чармдан тикканлар ва уни таркич деб атаганлар. Бундан ташқари, чўпон ўзи билан доим игна, ип, бигиз, чақмоқ тош, устара, тўйчиноқ олиб юрган. Шуларни солиб юрадиган нарсани чармдан ясаганлар, унинг узунлиги ярим метр бўлиб чўпон тақиб юрган. Уни гудар ёки гидар деб аташган. Гидарни кўпинча Самарқанд ёки Бухоро шаҳарларидан сотиб олганлар.

### **Йилқичилик соҳасидаги анъаналар ва йилқи боқувчиларнинг меҳнат фаолияти**

Йилқичилик чорвачиликнинг муҳим тармоқларидан бири бўлиб, халқ хўжалигида азалдан катта аҳамиятга эга бўлган. Айниқса, XIX асрнинг охирларида Зарафшон водийси аҳолиси турмушида кенг ўрин олган, улар деҳқончиликда, яъни ер ҳайдаш, мола босиш, ғаллани янчиш, ем-хашакни ташишда, жувоз ҳайдаш, даштларда қудуқдан сув тортишда ва энг муҳими транспорт сифатида отдан фойдаланишган. Кўчманчи аҳоли кундалик ҳаётини, умуман, йилқисиз тасаввур этолмаган.

Урта Зарафшонда йилқичилик Урта Осиёнинг бошқа халқларидагидек юқори ўрнинда бўлмаса ҳам, турмуш эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда водий аҳолиси йилқичиликни ривожлантиришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келганлар.

Маҳаллий аҳоли йилқини қуйидагича номлар билан атаган. Урғочи йилқини минишга ўргатилгунга қадар калтатой ёки той, 4 ёшлисини дўнан, эркак йилқини от ёки ғунон, оддий миниб юриладиган эркак отни чувир, туғмайдиган байтални бевод деб аташган.

Урта Зарафшонда йилқининг қорабайир тури кўпроқ тарқалган эди. Айрим бой чорвадорларнинг 50—200 тагача, ҳатто ундан ҳам кўпроқ йилқиси бўлган. Чунончи, Жом чўлининг Омондара қишлоғида Хатиббой Мирзаалиевнинг 150 тадан ортиқ йилқиси бўлган.



Нўлда жойлашиб, ярим кўчманчи ҳолида яшаган аҳоли йилқини тоғ ёнбағирларига ҳайдаб боққан. Уларнинг йилқи уюрлари йўқ эди, чунки йилқи ўтлатадиган яйловнинг ўзи бўлмаган. Шунинг учун ҳам тоғ оралиқларида жойлашган аҳолининг айримларидагина 60—70 тадан йилқиси бўлиб, уларни тоғ атрофларидаги кичик яйловларда боқишган.

Зарафшон водийси аҳолиси ўз йилқисини ўтлатадиган дарё бўйларидаги тўқайзорларни дайробод деб аташган. Улар йилқини деярли йил бўйи дайрободда ҳайдаб боқишган. Миниб юриладиган отлар бундан мустасно. Бой чорвадорлар ўз йилқисининг наслини яхшилашга ҳаракат қилишган. Улар уюр тўдасини ташкил қилибгина қолмай, айғирлар наслдорлигини яхшилаш ва бияларни танлашга алоҳида эътибор берган. Натижада ўрта ҳол чорвадорлар ҳам бу соҳадан анча фойда кўрган. Улар йилқини кўпайтириб, бир қисмини ўз эҳтиёжи учун фойдаланса, бир қисмини урчитиб шу атрофдаги Каттақўрғон, Хатирчи, ҳатто Самарқанд ва Бухоро бозорларига олиб бориб сотишган.

Зарафшон дарёси атрофларидаги мавжуд, дайрободлардаги қулай шароит туфайли ўтроқлашган маҳаллий аҳоли айни вақтда ҳам деҳқончилик, ҳам йилқичилик билан шуғулланган.

Арандаренко берган маълумотига қараганда, 1880—1890 йилларга келиб, Туркистондаги мавжуд от заводлари сони камайиб кетган. Масалан, Бухородан Тошкентга бориш учун транспорт сифатида фойдаланиладиган отларни илгари хоҳлаганча сотиб олиш мумкин бўлган бўлса, бу йилларга келиб, унинг баҳоси кўтарилган. Бир бош отни 200—300 сўмга ҳам топиш қийин бўлган<sup>30</sup>.

Хонликлар ўртасида бўлган урушлар йилқичиликнинг ривожланишига сабаб бўлган бўлса-да, кўчманчи аҳолининг ўтроқликка ўтиб деҳқончилик билан шуғуллана бошлаши ҳар ҳолда чорвачиликнинг сусайишига сабаб бўлди.

Зарафшон водийсида XIX асрга қадар йилқиға бўлган талаб анча кучли бўлган. Ҳар бир мусулмон сарбозининг ўз ҳарбий оти ва қиличи бўлиши зарур эди.

Хонликлар ҳамда қўшни қабилалар билан ўзаро келишмовчиликлар ва урушлар йилқичиликни ривожлантириш омилларидан бири ҳисобланарди. Бухоро амири

<sup>30</sup> Арандаренко Г. А. Досуги в Туркестане 1874—1889 гг. СПб., 1889. С. 115.

Насруллохон (1826—1860) биринчи бўлиб пиёда сарбозлар қўшинини ташкил этади ва у ўз қўшнилари билан тинимсиз уруш олиб боради. Уша вақтларга келиб хонликда миёнқол зотли отларнинг сони ниҳоят даражада кўпаяди. Демак, отларни кўпроқ уруш мақсадлари учун сақлаганлар. Насруллохоннинг отхоналарида 200 дан ортиқ зотли айғир бўлган<sup>31</sup>. Бу вақтларга келиб миёнқол отининг иккинчи бир зоти вужудга келганки, бундай отлар илдам, баланд бўйли, чидамли бўлган. Умуман, амирликда маҳаллий зодагонлар, зотли йилқини етиштиришга ниҳоятда эътибор беришган.

Сўнгги даврда ўзаро ва ташқи душманлар билан бўладиган урушларнинг камайиши амирликда отлиқ қўшиннинг сон жиҳатдан камайишига олиб келди, ўз навбатида яхши отларга бўлган талаб ҳам сусайди.

Шундай қилиб, кейинги даврда, яъни XIX аср охириларида бу воҳада ҳам йилқига бўлган талаб ва эҳтиёж камайиб отлар асосан араваларга қўшиб, шунингдек, кўпқарида улоқ, спорт ўйинлари учун кўпроқ фойдаланилган. Аравакаш аравага қўшиш учун асосан бақувват от қидиради, бунинг учун от чиройли бўлиши шарт эмас.

Деҳқон тўғри келган отни сотиб олаверган, у отни ер ҳайдаш, ғалла янчиш, бозорга мол олиб бориш учун фойдаланган. Кўпқари учун эса асосан илдам, чиройли, бақувват отларни танлаб олганлар, улар юқори баҳода сотилган.

Аҳоли ўртасида тарқалган жайдари отнинг тури кўп бўлиб, ундан хўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланилган. Бойларнинг қўлида сақланадиган йилқилар емишининг яхши бўлганлиги учун соғлом ва бўйи узунлиги билан ажралиб турган. Камбағаллар қўлидаги йилқилар емишининг камлиги натижасида қишда бутунлай ориқлаб кетар, кўклам чиқиши билан ўтлаб семирарди ва шундан кейингина ишга яроқли бўларди.

Турмуш тарзи ярим кўчманчи бўлган аҳоли йилқини қаттиқ совуқ, бўрон бўлган пайтларда ҳам очиқ жойда сақланарди, улар совуқда бир-бирига тиқилишиб жон сақлар эди. Улар бундай совуққа ниҳоятда бардошли эди.

Қорабайир отларидан шаҳар ва қишлоқларда, турли хил ишларда фойдаланилган<sup>32</sup>. Бу отлар кўриниши-

<sup>31</sup> Арандаренко Г. А. Уша асар, 118-бет.

<sup>32</sup> Қаранг: Кармишева Б. Х. Узбеки-локайцы Южного Таджикистана. С. 77—104.

нийг чиройлилиги билан ажралиб туради. Уни миниб юриш жуда ҳам қулай бўлиб, кўпроқ аравага ҳам қўшилган.

Ўзбек бияси билан туркман айғириннинг қўшилиши натижасида пайдо бўлган миёнқолнинг зоти ниҳоятда яхши бўлиб, асосан тантанали юришларда минилган. Бундай отнинг сони жуда оз бўлиб, юқори лавозимли кишиларга хонлик томонидан тортиқ қилинган.

Ўтроқлашган аҳоли билан кўчманчи аҳолининг йилқини боқиш, сақлаш усулларида айрим ўхшашлик бўлса-да, аслида бир-биридан фарқ қилган. Ўтроқлашган қишлоқ аҳолиси йилқини қишда махсус отхоналарда, иссиқда дарахт тагида ва айвонда сақлаган.

Ёз пайтларида от очиқ жойда сақланган. Гигиена жиҳатдан отнинг ҳовли ўртасида қозиқда бойлоғлиқ туриши яхши, лекин айғирларнинг бир-бирига яқин бўлиши, айниқса кечалари бўшалиб бир-бири билан олишиши ёмон.

Отнинг устини қиш кунлари иссиқ гилам билан ўрашган, уни жулхурс деганлар, ёз пайтлари эса унинг ўрнига юпқа ёпиқ ёпишган.

Қишки жулхурс отнинг ҳамма ерини ўраб турган, фақат оёғи, бўйни ва боши очиқ қолган. Ёзги ёпқич узун, тўртбурчак мато бўлиб, отнинг кўкрагигача келмайди. Унинг остидан бир неча бўлак кигиз тахлаб бостириб қўйилган.

Жулхурс отни миниб юрган вақтлардагина олинган. Ёзнинг иссиқ кунларида ҳам жулхурс ёпишган. От эгаси бир кунда икки марта уни тозалаб турган; бу ишга ўтроқ аҳоли жуда моҳир бўлган, улар энг оддий усул билан отнинг баданини тозалаб артиб ялтиратишган.

Руслар келиши билан маҳаллий аҳоли отхоналарида ҳам чўтка қўллана бошлаган, унга қадар отнинг бадани куш ёғоч, темир косов билан тозаланган. Ёз кунлари отлар ҳар кун чўмилтирилган ёки ювилган. Йилқиларнинг энг асосий емиши беда бўлган. От бир суткада 3—4 боғ қуруқ беда еган. Бир боғ беда 4—5 килограммгача бўлган. Отга яна 2—2,5 кг арпа ҳам берилган. Йўл юрган пайтларда бериладиган арпа ва беда миқдори икки барабар оширилган. Айрим вақтларда арпа ўрнига жўхори берилган.

Туркманлар узоқ йўлга чиқиш олдидан арпа ёки жўхори унидан нон ёки комки тайёрлаганлар. Бу — тўйимли ва олиб юришга қулай маҳсулот бўлиб, оз жойни эгаллаган. Бу емишни отга тонг вақтида беришган; тушда ва кечаси беда беришган.

Сафардан кейин от 3 соат, айрим пайтлари ундан ҳам кўпроқ вақт тик турғизиб совутилгач, емиш берилган. Давлатманд кишилар ўз отлари билан мақтаниб, унинг емишига турли хил дори-дармонларни қўшиб беришган.

Отнинг бадани қичиб, устунга ўзини тез-тез ишқаса, отбоқарлар хариш деб аташган, от емига олтингугурт қўшиб беришган.

Маҳаллий аҳоли пилла қуртининг тезагини бир қисм тузга аралаштириб арпа билан отга едирган. Бу отнинг терисига жило берган. Утроқ аҳоли ўз отини яхши парвариш қилган ва уни эҳтиёткорлик билан сақлаган, беҳудага отни урмаган. Отнинг думи узун ва майин бўлса у жуда қадрланган. Давлатмандларнинг биронтаси ҳам думи калта ёки думи сийрак отга минмаган; буни улар ўзларига ор деб билишган.

Отнинг оёғига айрим вақтларда тақа тагидан тери ёки кигиз қўйиб миҳлаганлар. Бу оммавий тус олмаган. Отнинг эгари, югани ва сувлиғини маҳаллий ҳунармандлар яшашган. Сувлиқ кўриниши жиҳатидан қўпол бўлса ҳам отни минганда уни қаттиқ тортмасдан, секин тортилгани учун бурилишга кўникма ҳосил қилган.

Той икки ёшга киргандан бошлаб минишга ўргатила бошланган. Отни минишга ўргатаётган пайтда уни ҳеч урмаганлар. Шунинг учун ҳам аҳоли ўртасида «яхши кишининг оти ҳам яхши бўлади» деган мақол тарқалган.

Маҳаллий аҳолининг энг севимли ва анъанага айланиб қолган йиғинларидан бири кўпқари ҳисобланган. Кўпқарининг икки тури бор. Биринчи тури, солим бўлиб, унга бир неча юз, баъзан минглаб отлиқлар иштирок этган. Солим кўпроқ бойларнинг тўйларида ташкил қилинган, ғолибига катта-катта мукофотлар берилган. Кўпқарининг иккинчи турини чашма ёки қоқма деб аташган. Бу асосан камбағалларнинг тўйларида бўлиб, унча кўп отлиқ иштирок этмаган.

Қишлоқ йиғитлари кўпқарида қандай қилиб улоқни олиб қочишни қайта-қайта машқ қилишган ва ўз отлари ҳам шу ўйинга ўргатишган. Бундан ташқари, пойга ўйини ҳам бўлиб, унда бир неча чақиримгача от чоптириб борилган. Кўпқарига отни тайёрлаш бир неча муҳим ва оғир босқичларга бўлинган. Бунинг учун отни йилнинг май ойидан то сентябригача боғлаб боқилган.

Боқилаётган отни салқин жойга, бостирма ёки дарахт соясига сомонли лойдан ясалган охур ёнига нўх-

талаб ерга ётолмайдиган, охур атрофида айланолмайдиган қилиб калта боғланган.

От бўйнини эгмасдан ем-хашак ейиши учун охур баланд қилиб қурилган. Боғланган кундан бошлаб от ўтлатилмаган ва минилмаган, ҳатто совутиш учун ҳам юрилмаган.

Отнинг ости юмшоқ бўлиши учун остидаги гўнгни кураб ташланмаган. Дастлабки кунларда отга кўк ўт ёки ивитилган буғдой бериб турилган. Кейинчалик уни буғдой сомони аралаштирилган арпа билангина боққанлар. Дастлаб отга 2—3 килограмм миқдорда ем берилиб, кейин секин-аста қўшиб борилган. Шу тариқа бир кунлик емнинг миқдори отни тўйдириб бир оз ортиб қоладиган бўлгунга қадар кўпайтириб, тахминан 16 килограммга етказилган, баъзи ҳолларда эса бундан ҳам кўпроқ берилган. Ем ортиб қоладиган бўлгач, уни камайтира борганлар ва от еб битирадиган миқдорни 3—4 килограммга келтирганлар. Ўрганиб қолган отга бундан ортиқча ем берилса ҳам шу 3—4 килограммдан кўпини емаган.

Бойловдаги от 60—120 кун ичида кўпқари чопишга шай бўлган.

### Қорамолчилик

Чорвачиликнинг муҳим соҳаларидан бири ҳисобланган қорамол Зарафшон воҳаси қишлоқ аҳолисининг турмушида катта аҳамият касб этган.

Водийнинг кўчманчи аҳолиси ўтроқлашиб, деҳқончилик билан шуғуллана бошлаганларидан кейингина қорамолчиликка эътибор кучайган.

Дарё бўйларида катта яйловларда бўлиб, у ерни ким ўзлаштира, шу кишининг номи билан аталар ва унинг шахсий мулки ҳисобланган. Лекин кейинчалик бу дайробод яйловларида ҳар ким ўз молини ўтлатаверган. Боқилган сигир ва ҳўкизларнинг зоти жайдари бўлиб, маҳсулдор эмасди. Чуновчи, аҳоли бир сигирдан кунига 1,5 кг — 2 кг гача сут соғиб олган. Бир ёшгача бўлган бузоқни тана ёки танача, бир ёшдан ошган буқани жувона деб аташган. Насл олиш учун махсус боқиладиган эркак қорамол — буқа, қўшга қўшиладигани — ҳўкиз, урғочи қорамол — сигир, 3 ёшгача — ғунажин, соғиладиган сигир — инак деб аталган.

Ярим кўчманчи аҳолининг чорвани сақлаш учун молхонаси бўлмаганлиги туфайли улар янги туғилган бузоқларни кечаси совуқдан сақлаш учун кигиз ва ги-

ламга ўраб чиқишган, бу ишни хотин-қизлар бажарган. Хужум қишлоғилик кекса Хўжақуловнинг берган маълумотига қараганда, 1920—1925 йилларгача ҳам тоғ ёнбағри аҳолисининг чўпкари ва пахса иморатлари жуда кам бўлиб, улар асосан ўтовларда тирикчилик қилишган. Қаттиқ бўрон ва қор пайтлари молларни совуқдан сақлаш мақсадида гилам ва кигизларни тутиб пана қилишган ва шу пана жойларда қишдан чиққан. Баъзан молларнинг бир қисми молхона етишмаслиги сабабли, очиқ жойда қишловни ўтказган.

Зарафшон дарёси соҳилларида яшаган аҳоли асосан деҳқончилик билан шуғулланиб, улар чўл жойлардаги аҳолига қараганда кўпроқ қорамол боқишган.

Суғорма деҳқончилик билан шуғулланган аҳоли ҳаётида қорамолчилик муҳим ўрин тутган, чунки усиз деҳқончиликни тараққий эттириш мушкул бўлган. Деҳқончиликни ривожлантириш сўзсиз равишда қорамолчиликка эътиборни кучайтирган. Қорамолчилик турмуш эҳтиёжлари учун биринчи навбатда зарур эди. Чунинчи, деҳқончилик ишларида ҳайвон кучидан фойдаланилган: хўкизлар аравага қўшилган, ўтин ташилган, чорва учун қишловга ем-хашак олиб келинган, тегирмонга қўшилган ва ҳоказо.

Сигир сути истеъмол қилинган, ёғи олинган ва бозорга чиқариб сотилган. Бўрдоқига етиштирилган мол гўштининг бир қисми истеъмол қилинса қолгани бозорга чиқариб сотилган. Кези келганда бузоқни боқиб сигир қилиб сотилган ёки сигирни қолдириб бузоғи сотилган.

Аҳолининг бир қисми деҳқончилик билан чорвачиликни қўшиб олиб борган, чорвачиликнинг айрим соҳаларини кўпайтириб, ортган маҳсулотни маҳаллий бозорларда, ҳатто Бухоро ва Самарқандда ҳам сотилган.

Кўпчилик қоракўлчилик хўжаликларида сигир сути фақат шу ернинг ўзида истеъмол қилинган. Улар хўжаликнинг ўзи учун ҳам, бозор учун ҳам мол гўшти етиштирмаган, қорамоллар гўштга боқилмаган.

Қоракўлчилик хўжаликларида қариб қолган сигирлар ўрнига бозордан мол сотиб олишган, хўжаликларнинг ўзида бузоқ боқиш билан деярли шуғулланмаганлар. Баъзи хўжаликларда қорамолни кўпайтириш учун асосан ўз имкониятларидан фойдаланишган.

Зотли қорамол бўлмаган. Жайдари моллар шу жойнинг ўзида ўстирилиб, бозорга олиб чиқилган. Шунинг учун бозордан ҳам яхши сигир ёки буқа сотиб олиш имкони бўлмаган.

Янги туғилган бузоқ 2—3 ой давомида фақат сут ичган, шундан кейин уни кепак билан боқиб, секин-аста ем-хашакка ўргатилган. Бузоқ аввалига барра ўт, куздан бошлаб сомон ейдиган бўлган.

Сигирлар то октябрь-ноябрь ойларигача очиқ дала ва яйловда ўтлатилган, фақат ўзига тўқ хўжаликларгина қўшимча ем-хашак билан боққан. Қишда сигирлар молхонада боқилиб, кун исиган вақтлардагина ўтлоққа ҳайдалган.

Қишда ҳам, ёзда ҳам моллар қишлоқдан 3—4 километр нари-берида ўтлатилган. Галла ўриб олингач, моллар ангорга ҳайдалган. Ўтлоқлар кам бўлган жойларда сигирларга ёзда ҳам қўшимча равишда сомон ва кўк беда, кунжара беришган. Октябрдан бошлаб қорамол молхонада боқилган. Бу вақтга келиб сигирлар сут бермай қўйганлиги учун, уларга озуқа кам миқдорда, қишдан чиқиб олишни мўлжаллаб берилган.

Бир бош сигирга бир кунда 10—13 қадоқ<sup>33</sup> сомон ва 2—5 қадоқ беда, баъзан яна 2—5 қадоқ кунжара берилган. Уларнинг емишига ярим-бир қадоқ кепак ҳам қўшиб берилган. Беда майда-майда қилиб қирқилиб, сомонга аралаштириб — дурушта қилиб берилган.

Баҳорда кўкарган ўтлар ёз кириши билан қуриб қолгани учун бир оз семира бошлаган моллар яна озиб қолган, кузда, ангорга ҳайдалган моллар семиргани билан қишдан ориқлаб чиққан.

Қишда қор қалин ёққандагина моллар ўтлатилмаган ва ем-хашак бериб боқилган. Лекин айрим хўжаликларгина қурби етганча бедани қишга ғамлаб қўйган.

Буқаларни боқишдаги фарқ унчалик эмас. Қўшга қўшилмайдиган буқалар ёз фаслида фақат ўтлоқда боқилган. Қишда буқаларга сомон, беда, кунжара бир оз кўпайтириб берилган. Хўкизлар қиш фаслида 3 ой яхшироқ боқилиб, ҳайдовга тайёрланган. Хўкизлар ишлатилаётган вақтда ҳам емга кунжара қўшиб берилган.

Биз келтирган ем-хашак нормалари тахминий албатта. Аслида моллар турли хўжаликларда турлича боқилган. Ҳатто, бир хўжаликнинг ўзида ҳам моллар муттасил яхши парвариш қилинган деб бўлмайди.

Қорамолга бериладиган туз ўлчанмаган. Тош тузнинг катта-катта бўлаклари охурга ташлаб қўйилган, ҳар ойда бир бош молга 2 қадоқ туз сарфланган. Ёзда тузнинг кераги бўлмаган. Қорамол қишда пастак қилиб қурилган, ички қоронғи ва ости зах молхонада,

<sup>33</sup> Бир қадоқ — 409,5 грамм.

бошқа фаслларда эса бостирма остида ёки очиқ жойда сақланган. Молхонанинг тор ва ифлослиги устига унинг ичида кана кўп бўлган. Қишда кечалари молларнинг ҳаммаси, каттаю-кичиги, сигиру-бузоқ ҳаммаси бир молхонага қамаб қўйилган. Баъзи бўғоз сигирлар моллар орасида сиқилиб қолиб, бола ташлаган ҳам.

Қорамоли оз бўлган қишлоқ аҳолиси ўз молларини баҳор ва ёзда бирлаштириб алоҳида подада боқишган, подани подачи боққан. Подачи ҳар куни навбати билан ҳар қайси мол эгасиникидан нон ва бошқа озиқ-овқат олиб турган. Молларни боқиш учун олдиндан келишиб қўйилган бир ойлик ёки бир йиллик иш ҳақи тўлаб ёки ғалла бериш йўли билан узилган.

Аҳоли урф-одатига кўра, мабодо бирор киши муҳтожликдан сигирини сотса, албатта унинг арқонини қайтариб олиб келган. У, гарчи сигирини сотган бўлса ҳам, яна сигирли бўлишни ният қилган. Шунингдек, сигирини бойлаб қўядиган қозиқни суғуриб олмаган, хонадонини узоқ вақтларгача сигирсиз қолдиришдан кўрққан.

Ҳар бир хўжаликда сигир қадрли бўлган. Сигирни фақат қисир қолиб, сут бермаган ёки ҳаром ўлиш хавфи бўлган вақтдагина сўйишган ёки сотишган. Хўжаликда сигир туғса, шу куни оилада хурсандчилик бўлган. Сигирнинг уч кунлик сутини йиғиб, озлик қилса қўшниларида ҳам сут олиб қўшиб оғиз пиширишган. Бу одат гилагай деб аталган. Сигири туққан киши гилагайни ўз уйида, қўшниларини чақириб ўтказган.

Сутга ва сутни истеъмол қилишга оид бир қанча ирим-сиримлар бўлган. Масалан, кечқурун сут хонадан четдаги кишиларга берилмаган, ҳовлидан ташқари чиқарилмаган. Бу ирим қадимги замонлардан қолиб келмоқда. Мабодо, сут сўраб келган киши сигирнинг эгасига яқин бўлса ёки сут шу кишига ниҳоят зарур бўлиб қолган бўлса, масалан, бирор касал бўлиб қолган кишига ёки ёш болага керак бўлса, унда сигир эгаси унинг илтимосини рад этолмаган, лекин албатта шу хонадон овқат қиладиган қозоннинг қоракуясидан сутга озгина солиб берган.

### Туячилик

Туячилик водийнинг суғориладиган ерлари ва чўл территориясида чорвачиликнинг бошқа тармоқларига қараганда кам ривожланган эди. Аммо, шунга қарамай, туя асосий иш ҳайвонларида бири ҳисобланиб, аҳолий турмушида кенг ўрин эгаллаган. Маҳаллий аҳоли туя-



нинг боласини то бир ёшгача бўталоқ, икки ёшлисини тойлоқ, уч ёшлисини туя, бир ўрқачли туяни нортуя ва урғочисини нормоя деб аташган. Нортуянинг лўк, арвона ва жўн деб аталадиган зотлари ҳам бўлган.

Туя чидамлилиги ва ювошлиги учун қадрланган.

Икки ўрқачли туялардан энг яхши зотлари бугра ёки айри, урғочиси инган, жайдарилари қушмоқ, урғочиси қушмоқмоя деб аталган. Туянинг боласи икки ёшли бўлгунча онаси ёнида юрган, оёққа туриб олгач, хўжалик ишларида фойдалана бошлаган. Беш ёшли туя 12 пудгача юк кўтарган. Бўйи новча, суяги йўғон, жуни кўнғироқ нортуянинг ҳар бири 16 пудгача юк кўтара олган. Қўйчивонлар ихтиёридаги туялар февраль-март ойларидан октябрь-ноябрь ойларигача, айрим ҳолларда қишин-ёзин чўлда юраверган.

Оғир ишларда — сув чиқаришда, узоққа юк ташишда ишлатилган вақтда туяларни қўшимча озиқлантирилган. Кунжара ёки чигит берилган. Туя ишлатилмаса, ем берилмаган, фақат қишда оч қолмаслиги учун берилган. Улар учун махсус бино қуришмаган.

Бўта 1,5 яшар бўлгунча онасини эмган. Тўққиз ойлигидан бошлаб уни қуруқ янтоқ ва кунжарага ўргатишган, бироқ бир кунда бериладиган кунжара 800—900 граммдан ортмаган.

Туялар баъзан олис масофаларга боришда қўл келган. Чунончи, чорвадорлар Қаршидан туз олиб келишган. Баъзи ҳолларда ер ҳайдашда қудуқдан сув чиқаришда ҳам туядан фойдаланилган. Туя кунига 5—6 соат ишлатилган. Бундай ишлар икки ўрқачли туялар ёрдамида бажарилган. Нортуяларда эса юк ташилган. Туя яхши чопа олади. Шунинг учун уни миниб юрадиган чўпонлар йўқолиб қолган қўйларни топишда унчалик қийналишмаган.

Хўжаликларда туялар зотини яхшилашга ҳам алоҳида эътибор берилган. Туянинг жуни кўпинча оч кўнғир, ўртача кўнғир, тўқкўнғир ва малларанг бўлади. Икки ўрқачли туя жунининг ранги кўпроқ тўқкўнғир, нортуяники эса бирмунча очроқ, икки ўрқачли туяларнинг жуни қалинроқ бўлади.

Асосан юк ташишда фойдаланиладиган бир ўрқачли туялар жуда кучли ҳисобланади. Ўзбекистоннинг шимолли районларидаги совуққа, қор-ёмғирларга чидай олмасида, икки ўрқачли туяга нисбатан чўл яйловларида яхшироқ фойдаланилади, у янтоқни ёқтириб ейди ва яхши ҳазм қилади. Урғочи нортуя серсут бўлганлиги учун сутидан қимиз тайёрлаганлар.

Маҳаллий аҳоли икки ўрқачли туяни бир ўрқачли туя билан аллақачонлардан буён чапиштириб келган. Бундан туғилган биринчи бўғин дурагайлар иш ҳайвони сифатида фойдаланилган, чунки дурагайлар аждодига нисбатан катталиги, кучлилиги, иссиқ ва совуққа чидамлилиги билан ажралиб турган. Бу бўталоклар тез ўсиб ривожланган.

Эркак дурагай туялар ахта қилиниб, узоқ ерларга юк ташишда фойдаланилган. Туя гўшти кам истеъмол қилинган. Қари туя гўшти қаттиқроқ бўлганлиги учун кўпроқ ёш туянинг гўшти ейилган. Лекин иш ҳайвони бўлгани учун ёш туялар камдан-кам сўйилган.

\* \* \*

Шундай қилиб, XIX асрнинг охирлари ва XX аср бошларига қадар текширилаётган Зарафшон водийси аҳолиси ўз хўжаликларида чорвачиликнинг қўйчилик, қорамолчилик, йилқичилик, туячилик ва қисман паррандачилик тармоқлари билан шуғулланган.

Чорвачиликнинг ривожланиш даражаси Ўрта Осиёнинг бошқа жойларига қараганда паст эди. Умуман, Зарафшон воҳасида етиштирилган чорва моллари маҳсулоти аҳолининг талабини тўла қондиrolмас эди. Масалан, Бухоро шаҳрида ўрта ҳисобда, ҳар куни 6 000 қўй сўйиб сотилган. Шу туфайли аҳоли эҳтиёжини қондириш учун чорва молларининг маълум қисмини четдан келтиришга мажбур бўлганлар. Бу иш билан чорвадор саноатчилар, мол жаллоблари шуғулланган, улар Шимолий Афғонистондан йилига деярли 100 минг бош қўй келтирганлар. Шундан озроғи Тошкентда, катта қисми Зарафшон воҳасида сотилган.

Зарафшон водийси аҳолисининг суғорма деҳқончилик билан шуғулланган аҳолиси деҳқончилик билан чорвачиликни қўшиб олиб борган. Улар кўпроқ қорамолчилик, йилқичилик ва паррандачилик билан шуғулланганлар.

Тоғ ёнбағри ва чўл қисмида жойлашган қишлоқ аҳолиси асосан қоракўл қўйлари, қисман йилқи, туя, қорамол боқишган.

Қоракўлчилик билан шуғулланиш натижасида чўл, тоғ шароитида қўйларни йилнинг ҳар фасли учун боқиш услублари ишлаб чиқилган ва бу анъаналар авлоддан-авлодга ўтиб келган. Қоракўл қўйларини етиштириш, ўстириш, парвариш қилиш бўйича ўтмишда яратилган усуллар бизнинг давримизда ҳам қоракўл қўйларини етиштиришда тўла қўлланилмоқда.

## ЗАРАФШОН ВОДИЙСИ ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИНING ИЖТИМОЙ ТУРМУШИ

XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида Зарафшон водийсида истиқомат қилган қишлоқ аҳолисининг таркибий қисми бир хил эмас эди.

Қишлоқ жамоаларининг айримларида бутунлай бир тоифага мансуб бўлган уруғдошлар жойлашганликлари билан характерланар эди. Кўпчилик ҳолда қишлоқ жамоалари ўзларининг этник таркиби жиҳатидан бир хил бўлмасдан турли халқлар — ўзбеклар, тожиклар, эронлар, араблар, қорақалпоқлар, қозоқлар, қирғизлар ва бошқа миллат вакиллари бир-бирлари билан аралаш ҳолда яшаб ҳаёт кечирар эдилар. Улар касблари турли бўлишидан қатъи назар бари бир меҳнат фаолиятида деҳқончилик ёки чорвачилик билан албатта боғлиқ бўлганлиги билан ажралиб турар эди.

Зарафшон водийсида ҳаёт кечирган кишилар машғулотларидан қатъи назар қайси қишлоқда ҳаёт кечирса, шу қишлоқ жамоасининг аъзоси ҳисобланар эди. Қишлоқ жамоасининг аъзолари ижтимоий жиҳатдан бир хил эмас эди. Кўпчилик қишлоқларда бойлар, камбағаллар хўжаликлари ёнма-ён жойлашган эди.

Шу зайдда жойлашган қўшниларнинг ижтимоий тенгсизлиги азалдан давом этиб келаётган турмуш тарзига таъсир этмай қолмади. Тўғри, бой, ўрта ҳол деҳқон оилалар учун бундай қўшничилик қисман қулайликлар яратар эди. Эҳтиёж бўлганда ҳамма вақт зарур бўлган ишчи кучларини ва ишлаб чиқариш қуроолларини ўз қўшниларидан топар эдилар. Лекин аҳолининг турлича фарқлари, синфий тенгсизлиги аксарият ҳолларда уларнинг ўзаро ишлаб чиқариш ва касб муносабатлари билан боғланмаганлигига қарамай бойларнинг камбағалларни ишлатиш ҳисобига янада бойиб бориши ва улар эҳтиёжи учун керакли асбоб-ускуна ҳақи учун эксплуатацияни кучайтириш имконини берди. Шу тўғрисида ҳам бу ерларда азалдан давом этиб келган жамоа эгаллигининг излари йўқолиб бораётган эди. Қўшничилик ҳуқуқи унинг ифодаси эди: ерлар, уй-ҳовли-

лар қишлоқда яшаган аҳолининг шахсий мулки бўлганлигига, уни сотиш ва сотиб олиш мумкинлигига қарамай, сотиш эркинлиги қўшничилик ҳуқуқи билан чегараланган эди. Одатга кўра, фақат қўшнилар сотиб олишни ихтиёр қилмаганларидан кейингина ер ва ҳовли-жой бошқа одамга сотилиши мумкин эди.

Қўчмас мулк олди-соттиси қози ҳузурида расмийлаштирилар эди. Қўшниларнинг иштироки зарур ҳисобланарди, қози эса уларга бевосита савол билан мурожаат қилиб, уларнинг қўшничилик ҳуқуқидан фойдаланишга хоҳиши бор-йўқлигини сўрарди.

Зарафшон водийсида айниқса суғорма деҳқончилик ерларига азалдан талаб катта бўлган, шу туфайли бирор хонадон ўз ерининг бир қисмини ёки ҳаммасини сотиш ниятида бўлса, ундан қишлоқ аҳолиси хабардор бўларди. Мабодо ер эгаси ёки барча шундай олди-соттиларда воситачилик қиладиган қишлоқ оқсоқоли ерни бегона одамга сотишга ҳаракат қилса, жанжал кўтариларди, агар қўшнилар сотиб олишдан воз кечсаларгина, бошқа кишиларга сотилиши мумкин эди.

Қишлоқ жамоаси ҳаётида масжиднинг тутган ўрни ниҳоятда катта бўлиб, йирик қишлоқларда бир неча, кичикроқ қишлоқларда албатта битта масжид бўлган. Масжидни озода сақлаш ва маросимлар учун зарур бўладиган ашёлар билан таъминлаш ҳам оғир иш бўлиб, уни бажариш ҳам бечора камбағал халқ гарданига юкланарди. Қишлоқ жамоа ҳаётининг турли томонлари ана шу жойда амалга оширилар эди. Бойларнинг ерида ишлаб, ўз ерида ишлашга, уни ўз вақтида суғоришга улгуролмаган деҳқон ноилож масжидга бориб туриши ҳам мажбурий эди. Акс ҳолда, у жамоадан айрилган одам сифатида қаралиб, кўпчиликнинг таънасига қолган, кофир деб ҳақоратланган, оқсоқолнинг ишораси билан сув тақсимотида навбати ортга сурилган, уч-тўрт кун бадалида амир ва беклар ерида ишлатилган.

Қишлоқ аҳолисини уюштиришда айниқса маросим тантаналари ўзига хос роль ўйнаган. Булар жамоанинг қурбонлик ўтказиши ёки қишлоқ жамоаси аъзоларининг оилавий маросимлари (тўй, дафн) муносабати билан ўтказиладиган йиғинлар бўлган. Бундан ташқари, қишлоқларда маросим таомлари пиширилган.

Айниқса ўлим жуда кўп маросимлар билан ўтказилган. Одат талабига кўра, ўлим муносабати билан бир қанча маросимларни ўтказиш зарур бўлган. Оилавий

маросимларда кўпчиликнинг иштирок этиши зарур ҳисобланар эди. Кўпчилик иштирокисиз никоҳ ўтказиш ҳам, ёки марҳум хотирасига маъракалар ўтказиш ҳам мумкин эмас эди. Урф-одатга бойлар ҳам, камбағаллар ҳам бир хилда риоя қилишлари лозим эди.

Қишлоқ ёшлари, катталарнинг кўпчилиги турли иш ва топшириқларни бажарар эди: ўтин ёриш, сув келтириш, сабзи тўғраш, меҳмонларни кутиб олиш ва бошқалар уларнинг зиммасида бўлиб, уй эгаси бу ташвишлардан холи эди. Унинг асосий иши меҳмонларни кутиб олиш эди. Маҳалладаги қўшни аёллар ҳам қариндош аёллар сингари, удумга кўра, таомлар тайёрлашда иштирок этишарди.

Қишлоқ аҳолисининг бир-бирларининг оилавий тантана-маросимларида бевосита иштирок этишлари туфайли улар ўртасида доимий алоқа ўрнатилган эди. Ҳар бир оилада ким кимнинг зиёфатида бўлгани, нима ва қандай тўёна келтирилгани, демак, оиланинг кимдан ва қандай қарзи борлиги аниқ ҳисоб-китоб қилиб борилар эди.

Тўй тантаналарида маҳалланинг ижтимоий қиёфаси намоён бўларди, ижтимоий алоқалар мустаҳкамланар эди. Қишлоқ бошлиғи деҳқончилик қиладиган ерларда ва чорвадорлар ўртасида оқсоқол деб аталган. Қишлоқ оқсоқолини сайлаш тўла маънодаги сайлов эмас эди, албатта. Сайлов одатда масжидда ўтказилар, шу сабабли ташаббус имом қўлида эди. Имом ўзининг мавқеи ва даромадига ёрдам кўрсата оладиган энг нуфузли кишилар билан маслаҳатлашиб, номзодларни эълон қилар эди. Аммо оқсоқолнинг номзоди маҳалладаги энг обрўли киши томонидан бевосита таклиф қилиниши ҳам мумкин эди.

Оқсоқол маҳалла бошқарувининг бошқа аъзолари сингари жамоа хизматкори ҳисобланган. Бирор кишининг бошига кулфат тушса унга ёрдам бериш оқсоқолнинг вазифаси эди. Агар унга нисбатан ҳокимият бирон айб қўядиган бўлса оқсоқол воситачилик қилиб, қозихонагача боришнинг олдини олишга ёки ўз қишлоғи фуқаросини кафилликка олишга ҳаракат қилар эди. Қишлоқдагилар ўртасида низо ёки жанжал чиқадиган бўлса, улар биринчи навбатда оқсоқол ҳузурига келишарди.

Қишлоқда ер ёки ҳовли сотилиши фақат оқсоқол орқали мумкин эди. Оқсоқол вафот этган кишидан қолган мол-мулкни меросхўрлар ўртасида тақсимлашда пайдо бўладиган келишмовчиликларни ҳал қиларди.

ХІХ асрнинг охири ХХ асрнинг бошларида Зарафшон водийси аҳолиси, юқорида кўриб ўтганимиздек чорвачилик, деҳқончилик ва ҳунармандчилик билан шуғулланган. Баъзан улар бу машғулотларни қўшиб олиб боришган. Лекин, умуман воҳа аҳолисининг биринчи галдаги машғулоти, деҳқончилик, чорвачилик, хусусан унинг асосий тармоғи ҳисобланган қоракўлчиликдан иборат эди. Шу жиҳатдан мазкур давр учун Зарафшон водийси чорвадор аҳолисининг ижтимоий аҳволини илмий таҳлил қилишга журъат этамиз.

ХІХ аср охири ва ХХ аср бошларида Зарафшон водийси чорвадор аҳолисини қуйидаги ижтимоий группаларга бўлиш мумкин.

### Камбағал ярим пролетар хўжаликлар

Камбағал ярим пролетар хўжаликлар 10—12 бош қўй ва эчкига эга бўлган. Бундай хўжаликларнинг ҳар бештасидан учтаси ишчи ҳайвонларига эга эди.

Мазкур хўжаликларнинг 75 фоизи қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналари, 45 фоизи сигир, 76—86 фоизи майда уй ҳайвонларига эга эмасди. Аҳолининг 30—35 проценти ўз ерига эга эди. Ерсиз киши — ер-сувли бой-бадавлат кишиларга ўз иш кучини сотган<sup>34</sup>.

### Камбағал хўжаликлар

Зарафшон воҳаси умум хўжаликларининг учдан бирини камбағал хўжаликлар ташкил қилган. Уларнинг бисотида оз миқдорда қўй, эчки бўлгани ҳолда мустақил равишда иш юрита олмаган: топилган даромад хўжалик эҳтиёжларини қоплай олмаган<sup>35</sup>.

Қўйларни бир меъёрда парвариш қилиш учун даставвал совлиқ қўйлар ва қўчқорлар бўлиши керак. Камбағал аҳоли ўртасида чорва наслини яхшилашнинг асоси бўлган бу омилларга етарли эътибор берилмаган ҳамда оддий усуллардан нарига ўтилмаган. Бундан ташқари, камбағал чорвадорлар қишда қўйларга ем-хашак ғамлай олмаслиги натижасида кўплаб қўйларинобуд бўлган.

Камбағал чорвадорлар учун ўз қўйларини бир яйловдан иккинчи яйловга кўчириш осон кечмаган. Улар

<sup>34</sup> А. А. Арасимович К. А. Очерки экономики каракулеводства УзССР. Самарканд. 1923.

<sup>35</sup> Уша асар, 50-бет.

яйлов унуми бўлмаган йиллари ўтлоқ ерларга кўчншга мажбур бўлишган. Натижада уларга от, туя, чўпон жуда керак бўлган. Шундай кезлари улар яна бой хўжаликларга мурожаат қилишган. Улар ўз қўйларини бой чорвадорларнинг сурувларига қўшишган. Бу эса камбағалларнинг аҳволини янада оғирлаштирган.

Яйловда сув топишнинг қийинлиги туфайли ҳам камбағал чорвадорларнинг кўпчилиги ўз молларини бой чорвадорларнинг подаларига қўшишга мажбур бўлганлар ва ўзлари бойга батрак бўлиб қолганлар. Камбағал чорвадорлар ўз хўжалигида энг оддий асбоб-ускуналар ишлатишарди, улар ҳам етишмасди. Бундай ускуналарни оғир шартлар эвазига бой чорвадорлардан олишган.

Умуман барча етишмовчиликлар камбағал хўжаликнинг даромадларини қисқартириб, моддий чиқимни кўпайтирган. Қўйларнинг жунини қирқиш учун ишлатиладиган оддий қайчи ҳам фақат бой хўжаликлардан олинган.

### Урта ҳол хўжаликлар

Ҳар бир ўрта ҳол хўжаликнинг 100—400 тагача қўйи бўлган. Улар ўз яйлови, от-улови, қўйчивони ва ўз асбоб-ускуналарига эга бўлгани учун ҳам бой табақаларга қарамлиги бўлмаган. Қўйларини ўз кучлари ёки бошқалар билан тенг ҳуқуқ асосида бирлаштириб боқишган.

### Бой хўжаликлар

Бой хўжаликлар 400—1200 тагача қоракўл қўйига эга эди. Зарафшон воҳасидаги бой хўжаликларнинг деярли 3—5 гектардан лалмикор ери бўлган. Бу хўжаликлар анча бақувват бўлиб, ёлланма ишчи кучидан фойдаланган<sup>36</sup>.

Бой хўжаликлар юқорида айтилганидек, камбағал хўжаликларга асбоб-ускуналар бериш, уларнинг қўйларини ўз чорвасига қўшиш ҳисобига уларни ўзига қарам қилиб олган.

Ҳозирги «Ленинчи чорвадор» колхозини Қарноб қишлоғи территориясида жойлашган бўлиб, революциядан илгари қишлоқнинг ерлари Иброҳимбой, Юнусбой, Отақўзибой каби бойларнинг қўлида бўлган. Бу бойлар-

<sup>36</sup> Уша асар, 51-бет.

нинг чорваси жуда кўп эди. Қултой деган бухоролик бойнинг 20 минг қоракўл қўйи ҳар йили Қарноб чўлида боқилган<sup>37</sup>.

Жом қишлоғидан Бутунбойнинг 3500 та, Омондара қишлоғидаги Ҳайитбойнинг 400 та қўй-эчкиси, 150 та оти, 60—70 бош туяси бўлган.

Хоной қишлоғидан бўлган Бобошербой, Мулламелиқулбой, Жонибой, Шўрқудуқ қишлоғидан Муллаерибойнинг, Тим қишлоғидан Худойберди оқсоқолларнинг 2—3 сурув қоракўл қўйи, бир неча ўн бош туя ва 100 бошга яқин йилқиси бўлган.

Хоной қишлоғида қоракўл қўйларнинг асосий қисми тўрт ака-ука бойлар қўлида тўпланган бўлиб, улар шу қишлоқ атрофидаги бутун яйловларга: Жойилмасой Ҳокимсой, Шўрсой, Қаҳрамонсой яйловларига эгаллик қилган. Шу яйловларда қудуқ қазиб чорвани суғоришган<sup>38</sup>. Атрофдаги камбағал чорвадорлар бу бойларга қарам бўлган.

Чорвадор бойлар камбағалларнинг қўйларини боқиш учун ўз чорвасига қўшиб олиш натижасида роса фойда кўришган. Ўз сурувларида боқилгани учун боқилган қўйларнинг бир йиллик жунни бойга қолар ёки ўз қўйларини боқиш учун топширган киши ҳар бир қўйи учун бойга 1—1,5 кун<sup>39</sup> ишлаб берар эди.

Бир неча хўжалик бирлашиб ҳам қўй боқишган. Улар қўйларини боқиш учун бирор бой хўжаликнинг чорвасига бирлаштирганлар. Бирлаштириш шартларига биноан, камқувват чорвадор қўйларни йил бўйи боқиш учун йирик чорвадор хўжаликка биттадан одам берган. Улар бой раҳбарлигида ишлаган, бой уларга овқат ва кийим берган. Икки уч суруви бор бой 40, 30, 15, 60, 20, 12 ва 6 бош қўйга эга бўлган камқувват чорвадорларнинг молини қўшиб боққан. Шартномага асосан, улар бой хўжалигининг дала ишларига ёрдам қилган, қўчқорларини боққан, тул даврида бой хўжалигига ёрдам қилган; айрим вақтлари чўпонларнинг ўрнига қўй боқиш, умуман бойнинг турли хил юмуш ва топшириқларини бажаришга мажбур бўлган. Агар бой чорвадор камбағалга ўз сигирларининг сутини соғиб ичиш учун

---

<sup>37</sup> Қулангиев П. М., Вейнблюм С. А. Илғор қоракўлчи колхоз. Ташкент. 1955. 3-бет.

<sup>38</sup> Дала ёзувлари. 8—10-блокнот, 1963—1964.

<sup>39</sup> Асимович К. А. Очерки экономики каракулеводства УзССР. С. 31.



вақтинча бериб турса, бунинг учун ишлаб бериши керак эди.

Шунингдек, эксплуатациянинг баъзи шакллари ҳам бўлганки, унда қариндошчилик, бой томонидан ўзининг қариндошига қилинган ёрдам туси берилган. Масалан, шериклик асосидаги фойда олишни олайлик. Камбағал бойнинг пулига қўй сотиб олиб, уларни бир йил боқиб семиртирган ва сўнг қимматроққа сотган. Чиққан фойданинг кўпроқ қисми бойга, арзимаган қисми камбағалга теккан.

Давлатманд ва пулдор бойлар камбағалнинг бир парча ерини сотиб олиб уни яйловдан сиқиб чиқарар ва кўп вақтлар қарзга ботириб асоратга олар эди.

Бой ва бадавлат бўлиб олган кишиларнинг хўжаликларида ёлланган хизматкорларнинг иш шароити гоёт оғир бўлишига қарамай, иш ҳақи паст эди. Етим асраб ишлатиш ҳам эксплуатация шаклларидан бири эди. Чорвадор ва ўтроқ қишлоқ аҳолиси қўлидаги етим бола рўзғор ишларига ёрдам бериб, сув олиб келган, тандирга ўт ёққан, болага қараган. Кунинг ярмигача рўзғор ишларини қилиб, тушдан кейин чорва молларига қудуқдан сув тортиш ва шунга ўхшаш юмушлар билан банд бўлган. Дастурхонда қолган-қутганларни еб кун кечирган. Етим алоҳида ажратилган уйда ётган, хизмати учун 6 ойга бир тўсоқ қўй, бир бош эчки олган. Бой етимга кийим-бош ҳам берган. Етим катта бўлиб балоғатга етгач, уй ишларига аралаштирилмаган. Йирик чорвадор бойлар етимларни чўпон қилиб олган<sup>40</sup>.

Бир йилга ёллаб олинган етим чорвадор оғир шароитда ишлаган, бундай хизматкор ёзги ва қишки кийим, уйда тўқилган олача ва бўздан икки жуфт ички кийим, ёзлик салла, қўй ёки туя жуни солинган қишки бош кийими, пахталик тўн, этик, ковуш ва кундалик озиқ-овқат билан таъминланган. Иш ҳақи сифатида унга бир йилга 6—8 бош қўй берилган. Аммо бу қўйларни олиш учун хизматкор сурувдаги қўйларни тўлиқ сақлаб биттасини ҳам нобуд қилмай боқиб бериши шарт бўлган.

Қишлоқ бойлари томонидан сақланган етимларга бериладиган ҳақ ҳар хил эди. Пастдарғом район Хазормаст қишлоғида туғилиб ўсган кекса Дўсанбобо Қўнғиров бу ҳақда қуйидагиларни айтиб берди: «Мен аср

<sup>40</sup> Дала ёзувлари. 1963.

бошларида Каттақўрғонда Маҳмудқулбойникида етим бўлдим. Унинг 30 танобидан ошиқ ери бор эди. У турли хил экинлар экарди. Мен 6 ой ишлаб иш ҳақига бир бош болалик эчки олдим. У менга қишда этик, ёзда чориқ, кўйлак-иштон, чопон ва телпак берди. Бой овқатни мен билан бирга ер эди. Катта тош товоққа солиб келинган суюқ ошни дастаси узун қошиқ билан айлантириб ичардик. Менинг қиладиган ишим уйга сув ташиб бериш, супаларга сув сепиш, мардикорларга чой-нон олиб бориш, мардикорлар қўш ҳайдаб бўлса ҳўкизларни боқиш ва шунга ўхшаган майда ишлар эди. Бой мени ота-онамнинг олдига 12 ойда бир юборар эди»<sup>41</sup>.

Нарпай район Қулагантепа қишлоқлик отахон Ҳайит Ҳамидов бойлар қўлида 8 йил етим бўлиб ишлаган. Ёши 21 га етганда Кўкота қишлоғида Ибодулла қорига етим бўлган. У билан бир йилга 900 танга ҳақ тўлашиши тўғрисида келишган. Бундан ташқари, хўжайини ёзлик ва қишлик уст-бош ҳам қилиб бермоқчи бўлган. Етим эрта кўкламдан то кузгача деҳқончилик қилган. Қишда, ҳеч бир иш қилиш мумкин бўлмаган даврдагина унга ўз ота-онаси ҳузурига боришга рухсат этилган. Бу киши шу қишлоқда Қорахўжа бойга ҳам икки йил етим бўлган ва яна ўша хил ишларни бажарган. Лекин бу сафар у йилига 900 эмас, фақат 600 танга олган. У Қашанота қишлоғида Тошнйёз домланикида яна бир йил етим бўлган. Янги хўжайин унга йилига 800 танга тўлаган.

Шундай қилиб, бой ўз хўжалигида одатда озми-кўпми хизматкор тутган. Иқтисодий жиҳатдан қарам бўлган бу кишиларнинг бошқа иложи йўқ эди. Чунки яйловлар ва чорва моллари асосан бойларники эди. Утмишда кўчманчи ва ярим кўчманчи халқларда тарқалган патриархал-феодал эксплуатация ерга — яйловларга ва экин экиладиган майдонларга, чорва молларига хусусий эгаликдан келиб чиққан.

Шундай қилиб, XIX асрнинг охирлари ва XX аср бошларига қадар текширилаётган территория хўжаликларида чорвачиликнинг қўйчилик, қорамолчилик, йилқичилик, туячилик ва қисман паррандачилик тармоқлари мавжуд эди. Лекин чорвачиликнинг ривожланиш даражаси Ўрта Осиёнинг бошқа жойларига қараганда паст эди. Зарафшон воҳасида етиштирилади-

<sup>41</sup> Дала ёзувлари. 1963—1964.

гаң чорва моллари аҳолининг гўштга бўлган талабини тўла қондиrolмас эди.

### Ер-мулк муносабатлари

Феодал ер мулкчилиги шундай бир моддий база эдики, унинг асосида аҳолини иқтисодий ва иқтисодий бўлмаган мажбурий меҳнатга жалб этиларди.

Феодал ер мулкчилиги хонликда деярли ўрта асрга хос крепостнойлик муносабатларининг ҳукмронлигига шароит яратиб берарди. Бироқ бу муносабатлар ҳар доим ҳам крепостнойлик ҳуқуқини яққол намоён этувчи юридик шаклга эга бўлавермаган, албатта.

Феодал крепостнойчилик муносабатлари заминдор, мулк эгасининг ерини текинга ишлаб беришда ўз ифодасини топган. Бу кўпинча ҳашар йўли билан амалга оширилган.

Мулкдор бой камбағал деҳқонларни ҳар тарафлама эзиб ишлатишга ҳаракат қилган. Боз устига у камбағалнинг қизларини зўрлик билан хотинликка олиши ёки ўз ўғилларига олиб беришга ҳақли эди. Камбағалнинг хотини ва фарзандларини ўзиникида ишлашга мажбур этар, қўй ва молларини яйловларда боқтирарди. Мулкдорга қарашли ерларда яшаётган деҳқонлар, юридик жиҳатдан бўлмаса-да, деярли амалий жиҳатдан унга мутлоқ қарам бўлиб қолишарди.

Амир ва унинг беклари учун иморат солиш ишларида, уларни таъмирлаш — тузатишда, ариқларни тозалаш каби ишларда деҳқонлар зиммасига уларни ҳолдан тойдириб, тинка-мадорини қуритувчи мажбуриятлар юкланарди.

Бухоро деҳқонлари ана шундай «иқтисодий бўлмаган» эксплуатация омиллари натижасида зодагонларга мутлақо қарам бўлиб қолганди.

Деҳқонлар тўрт тоифага бўлинарди: расман озод — хусусий ер эгалари ва жамоа аъзолари, давлатга (амирликка) қарашли ер деҳқонлари; танхо — танходорлар қўл остидаги деҳқонлар; шунингдек, чоракорлар.

Умуман, ишловга яроқли ерларнинг ҳаммасини деҳқонлар ишлаб берарди. Шунга қарамай, маълум муддатга ишлаб бериш учун олган ерида яшаётган деҳқон оиласи, ер ҳақини оқлай олмаса, амирликка турли хил пул ва натурал солиқлар тўлашга мажбур эди. Бордию, деҳқон шу ерда турган ҳақини оқлаб бўлгандан кейин

ҳам яна турли-туман пул ва натурал солиқ, шунингдек, текин хизмати шу ер эгасининг фойдасига ўтарди.

Деҳқон ер эгасига лалми ерлар ҳосилидан — ушр ва суғориб экиладиган ерлардан — хирож тўлаган. Адабиётларда ва информаторларнинг берган маълумотларида қайд этилишича, деҳқонлар ўз мулкдорларига етиштирган қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан солиқ тўлашган.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, Россия империясининг Бухоро хонлиги устидан протектори ўрнатилгандан кейинги дастлабки йилларда феодал эксплуатация системасида маҳсулот ишлаб чиқариш рентаси билан боғлиқ бўлган маҳсулот рентаси устунликка эга эди. XIX асрнинг охири — XX асрнинг бошларига келиб, хонликка Россия капиталининг кириб келиши ҳамда унинг таъсирида миллий капиталнинг вужудга келиши натижасида пул-товар муносабатларининг ривожланиши оқибатида пул рентаси жорий этила бошлайди<sup>42</sup>. Аммо маълум даражада рента системаси ҳам сақланиб қолаверади.

Солиқларнинг барча турлари шарият қонунларида белгиланган тартибга кўра жорий этилганди. Шариятда эса фойда келтирадиган нимаики бўлса, ҳаммасига солиқ солиниши керак эди.

Закот тўлайдиган одам, аввало мусулмон ва соғ-саломат бўлиши, қарздор ёки қул бўлмаслиги, шунингдек, фойда келтирадиган манбага эга бўлиши (ер, сув, тегирмон, чорва, дўкон ва ҳоказо) керак эди<sup>43</sup>. А. Мажлисунинг маълумотларига кўра, тадқиқ этилаётган давр учун 33 хил солиқ, 11 хил ҳашар; 15 хил маҳаллий йиғимлар хос бўлган<sup>44</sup>.

Амир хазинасига келиб тушаётган солиқлар унинг хусусий мулки ҳисобланиб, унинг хоҳишига кўра харжланган.

Бухородаги Россия сиёсий агентлигининг маълумотларига кўра, амир хазинасига келиб тушаётган солиқларнинг умумий миқдори 7439 000 сўмни ташкил этгани ҳолда, ишланган ерлардан олинадиган солиқлар — хирож 4909 905 сўмни ташкил этган, яъни асосан

---

<sup>42</sup> Кисляков Н. А. Патриархально-феодалные отношения Бухарского ханства конца XIX — начала XX века. М., 1962, С. 69—

<sup>43</sup> Дала ёзувлари. 5-дафтар. 1964 й.

<sup>44</sup> Мажлис А. Аграрные отношения в Восточной Бухаре в конце XIX — начале XX века. Автореферат докт. дисс. Душанбе. 1968. С. 23.

камбағал деҳқонлар зиммасига тушадиган хирож амирлик даромадининг 70 фоизини ташкил этган. Бошқа маълумотларда амирликнинг умумий бир йиллик даромади 18—30 миллион сўм деб кўрсатилади. Қушбеги, қозикалон ва бошқаларнинг «пешкаш» (совға-салом келтирувчилар)дан олган мол-мулклар бу ҳисобга кирмаган, албатта. Чунки, бу совға-саломлар ғазнани четлаб тўппа-тўғри ўша зодагонларнинг ўз мулкига қўшилиб кетаверган.

Амир ва унинг яқинлари қозилик, раислик, амлокдорлик ва беклик унвонларини ҳам катта-катта пора эвазига бераверишган. Мана шу ҳамма даромадларнинг манбаи эса камбағал аҳолининг эксплуатация қилинишида эди. Бухоро амирлигида ер бир неча тоифага бўлинган:

Мулки ҳур — солиқдан мутлақо воқиф ерлар;

мулки хирож — ҳар бир таноб ерга учдан икки ёки бешдан бир қисмгача солиқ солинган ерлар;

амлокдорларнинг ҳосилнинг бешдан икки қисми миқдорида натурал солиқ тўлайдиган ерлари.

Даҳяк — ер эгалари ҳосилнинг ўндан бир қисмини давлатга ўтказар эди.

**Вақф.** Вақф ерлари асосан хайри эҳсон муассасаларига тегишли бўлиб, турли вақтларда турли шахслар томонидан ҳадя қилинган. Улардан келадиган даромад мадрасаларда таълим эҳтиёжлари учун ва бошқа диний эҳтиёжларга сарфланган. Вақф ерлари четга сотилиши ёки бегоналаштирилиши мумкин эмас эди.

**Танҳо** — XVI асрдан бошлаб Шайбонийлар сулоласи (1501—1599) ҳукмронлиги даврида давлат хизмати ва ҳарбий хизмат учун амалдорларга танҳо — хизмат ҳақига шартли ер бериш қоидага кирди. Танҳодор ерга эгалик қилмас, балки ердан фойдаланувчи деҳқонлардан ўлпон олиш ҳуқуқига эга эди.

Амир ғазнасига келиб тушадиган даромаднинг асосий қисми амалдорлар ерларидан тушарди. Хирож солиғининг миқдори турли ерларда турлича эди. Масалан, Хатирчи ва Зиёвуддин бекликларида суғориладиган ерларда олинадиган хирож ҳосилнинг ўндан уч қисмини, лалми ерларида ўндан икки қисмини ташкил қилгани ҳолда Ғиждувон, Вобкент, Ромитон туманликларида суғориладиган ерлардан олинадиган хирож ҳосилнинг ўндан тўрт қисмини ташкил қилган.

Бухоро амирлигида ер солиғи йиғимлари системаси ўзининг мураккаблиги билан ажралиб турарди. Девонбеги ва маҳаллий беклар тавсиясига кўра, амир ёрлиқ-

ларига биноан, ҳар бир туманга саркор (солиқ йиғувчи) сайланган. Саркорнинг дарға, мирзо, шунингдек, йигитлари бўлган. Мирзолар деҳқонларнинг рўйхатини тузиб чиқишган, дарғалар эса ҳар бир участка бўйича солиқ йиққан. Йигитлар уларни бўладиган ҳужумлардан ҳимоя қилишга шай туришган.

Маҳаллий молиявий маъмурият вакиллари учун ғазнадан хизмат ҳақи тайин қилинмаган. Улар учун аҳолидан махсус солиқ — кафсан йиғиб берилган. Солиқ ва йиғимларда амин ва қишлоқ оқсоқоллари, шунингдек, руҳонийлар ва бек вакиллари ҳам иштирок этишган. Фақатгина Зарафшон атрофидаги районларнинг ўзида 1000 дан ортық киши шу йўсинда тирикчилик қилган. Барча бекликларда бойлардан олган катта совға-саломлар эвазига солиқнинг қийинчиликларини камбағал деҳқон гарданига юклашга ҳаракат қилинган.

Пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосили етилган паллада дарғалар келиб даладаги «ҳосил чўғини» аниқлашар ва ўз дафтарларига ёзиб кетишарди. Дарғанинг рухсатсиз деҳқон етиштирган ҳосил хирмондан олиб кетиш ман этиларди. Дарғанинг иродасига қарши иш тутган киши қатъий жазоланарди, ҳатто етиштирган ҳосилни мусодара қилишгача бориб етарди. Бухоро амирлигида феодал ер мулкининг асосий шакли бўлган «амлок ерлар» амир ихтиёрида бўлиб, деҳқончилик қилиш учун айрим кишиларга бериларди. Амлок ерларига экин эккан деҳқонлар давлатга феодал рентаси — хирож ва бошқа солиқларни тўлаганлар. Бу ерлар айрим феодалларнинг мулки бўлмай бирлашган амир бошчилигидаги феодаллар группасининг ҳам мулки эди.

Амлок ерларига катта солиқлар солган Бухоро ҳукумати бу даромаднинг беихтиёр ғазнага келиб қўшилишини қатъий кузатиб борарди. Амлокдорлар амлок ерларини кўриб чиқишлари ва унинг эгасига қанча солиқ солинишини аниқлаб олиши керак эди. Йиғиладиган ҳосил чўғи, тўланадиган солиқ аниқланмагунига қадар, биронта ҳам бухоролик ўз ҳосилига қўл тегизолмаган.

Деҳқон зиммасига хирождан ташқари яна бир қанча солиқ ва йиғимлар тўғри келарди:

1. Таноб пули. Бедапоя, боғ, ҳовли ва пахта дала-сига ҳар танобдан 10—15 танга ҳисобида.

2. Сомон пули. Буғдой экилган суғориладиган ерлардан ҳар ботмон буғдой ҳисобига 2 ботмон сомон ҳисобида.

3. Кафсан — амлокдор хизмат ҳақи учун кафсан (ҳар 20 ботмон буғдой ҳисобига ярим пуд ҳисобида).

4. Қўш пули. Баҳорда деҳқон иш бошламасдан аввал ишга яроқли ҳар жуфт ҳўкиз ҳисобига 4—8 танга қўш пули берган. Пул бекка йиғиб берилган.

5. Обжувоз пули — 20—100 тангадан йиғиладиган бу солиқ бекка қарашли обжувоздан фойдаланганлиги учун тўланган.

6. Миробона — бек томонидан тайинланган ва маҳаллий амлокдорга бўйсунган миробнинг хизмат ҳақи учун йиғилган. Бунинг учун ҳар бир деҳқон йилига ҳар бир жуфт ҳўкиз ҳисобига бир ботмон буғдой ёки шоли ҳосилининг маълум қисмини пул ҳисобида тўлаган.

7. Чўп пули. Дарахтларни кесиш ҳуқуқига эга бўлиш учун деҳқон кесилган дарахтнинг саккиздан уч қисми ҳисобида ҳақ тўлаган.

8. Беклик навкарлари хизмат ҳақи учун ҳам ҳар бир ҳовлидан 5—6 танга пул йиғиб берилган<sup>45</sup>.

Чорва моллари ҳам ҳисобга олиб борилган. Чунончи, Б. И. Искандаров маълумотига кўра, 1903 йилга қадар ҳар бош туя учун биттадан қўй ёки эчки солиқ учун тўланган, 40 тадан 120 тагача қўй, эчкиси бўлган хўжалик ҳам шундай ҳақ тўлаган. Бу миқдорга 100 тадан қўй ёки эчки қўшилса, яна биттадан қўй-эчки солиқ ҳисобига ўтган. Закот ҳақи олинаётган вақтда моллар туёғининг камайиб кетиши, эпидемия, сел каби ҳодисалар ҳисобга олинмаган. Натижада аҳоли эга бўлмаган мулк учун солиқ тўлашга мажбур эди<sup>46</sup>.

Россия капитали ва маҳаллий эксплуататорлар мансабдорлар, савдогар-судхўрлар, феодал-бойлар томонидан олиб борилган деҳқонларни талашдан иборат солиқ системаси протекторатнинг ҳарбий ва граждон ҳукумати ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келди.

Шундай қилиб, Бухоро хонлигидаги деҳқонлар Россия мустамлакачилари ва маҳаллий феодал-бойлар томонидан тазйиқ остига олинди.

Маълумки, Бухоро хонлигида экономика мутлақо аграр характерга эга эди. Қишлоқ хўжалигида аҳолининг деярли 90 фоизи банд бўлиб, экин экишга яроқли ер ишлаб чиқаришнинг асосий омили ҳисобланган. Бухоро амирлигига қарашли ерларнинг XX аср бошлари-

<sup>45</sup> История народов Узбекистана. Т. II, С. 158.

<sup>46</sup> Искандаров Б. И. Из истории Бухарского эмира. М., ИВЛ. 1958, С. 42.

даги аҳволи тадқиқотчи олим И. А. Ремез томонидан кўрсатиб берилган.

Унинг маълумотларига кўра, амирликка қарашли суғориладиган ерлар 2,2 миллион десятирани ташкил қилган. Деҳқончилик маданиятининг Зарафшон водийсида бундай ерлар 400 000 десятинага етган. Умуман, экишга яроқли ерлар 2 700 000 десятирани ташкил этгани ҳолда фақатгина 1 800 000 десятина ердан фойдаланилган<sup>47</sup>.

Бухоро Халқ Комиссарлари Советининг 1921—1923 йиллардаги маълумотларида қуйидагилар қайд этилган: «Амир ҳукмронлик қилган даврда Бухорода амлокдорларга қарашли ерлар 114 минг гектарни, вақф ерлари 70 минг гектарни, ҳар қандай солиқлардан озод ерлар (мулки хур) 57 минг гектар, шунингдек шахсан амирнинг ўзига қарашли ерлар 1500 гектарни ташкил этган<sup>48</sup>.

Давлат ер фонди, тарихий жиҳатдан биринчи навбатда қўшни территорияларни қўлга киритиш ҳисобига орттирилган. Ҳукумат томонидан таъқиб қилинган кишиларга қарашли ер ва мулкларнинг муттасил мусодара этилиши, меросхўри бўлмаган кишиларга қарашли ерлар, қийналиб қолган кишилардан сотиб олинган ерлар, шунингдек, суғорилаётган ва қайта очилаётган ерлар ҳисобига ҳам амирликка қарашли ерлар кенгайиб борган.

Маълумки, Урта Осиё тупроқ-иқлим шароити, айниқса пахта экиладиган ерлар биринчи галда сунъий суғориш шохобчалари барпо этиш эҳтиёжини келтириб чиқарган. Йирик ирригация тармоқларини барпо этиш ва ташкил этиш давлат томонидан бошқарувни талаб қилади. Табиийки, давлатнинг ўзи шу ерларга эгалик қила бошлайди.

Бу вақтга келиб амир ҳукумати барча «ўлик» ерлар, тоғлиқ ва тоғолди районлари, қўриқ чўл ва чалачўл, ишлатилмай қолган ерларга эгалик қила бошлаган. Асримизнинг бошига қадар Қарши ва Шеробод чўлларида сақланиб қолган жамоа ерлари ҳам амлокдорларга қарарди<sup>49</sup>.

<sup>47</sup> Ремез И. А. Внешняя торговля Бухары до мировой войны. Ташкент. Из ИСУ Туркеспублики, 1922. Устройства Бухарского анства. Ташкент, 1929 г. С. 98.

<sup>48</sup> Семёнов А. А. Очерк подземельно-податного и налогового устройства Бухарского ханства. Ташкент, 1929. С. 98.

<sup>49</sup> Полозов В. А. Узбекское общинное землепользование в Шерабадской долине в Каршинской степи УзССР. Народное хозяй-



Давлат ерни кенгайтириш манбаларидан бири, феодалларга аввал ўзига қарашли бўлган ернинг бир қисмини қайтариб берган ҳолда унинг қолган қисмини ўзида қолдирган.

Қатта феодаллар бутун куч-ғайратларини тўплаб ўз ерларини кенгайтиришга ҳаракат қилганлар, улар шартли нарсани шартсиз нарсага айлантиришга уринганлар, ерларнинг маълум қисмини солиқдан озод қилиб хусусий мулкка айлантиришга ҳаракат қилганлар.

Агар амир ўзларига бўйсунмаган вассалларига қарши чиқса ва у ғолиб келса, зодагонларга қарашли ерлар давлат фондига ўтган. Аммо амирнинг ўзи давлат ерларини деҳқонлари-ю қишлоқлари билан қўшиб бирор кишига мукофот ва совға тариқасида ҳадя этган. Бунда феодал шу ердан келадиган солиқ ер рентасининг ҳаммаси ёки маълум қисмини олиш ҳуқуқига эга бўлган.

Шундай қилиб, амлоқдорларнинг ерлари ерга эгалик қилишнинг асосий манбаларидан бири эди. Бухоро то Россия протекторатига айлантирилишидан анча илгарироқ давлат ерларининг маълум қисмига парчаланган мулкчилик асосида эгалик қилинарди: давлат ерни идора қилар ва солиқларни йиғиб олар, феодаллар рентани олишар, майда деҳқонлар ерга меросхўр сифатидагина эгалик қилишарди. Умуман, ер кимнинг қўлида бўлишидан қатъий назар, давлат даромаднинг ўзига тегишли қисмини олиш имконига эга эди.

Россиянинг Бухоро устидан протекторатлиги ўрнатилгач, бир қатор рус олимлари ва чиновниклари Бухоро ерларидаги солиқ системасини аниқлашга уриниб кўришган.

XIX аср 70-йилларининг бошида рус олими Л. И. Соболев Самарқанд областини ана шу пландан татбиқ қилган. Унинг таъкидлашича, амлоқдорлик ерларидан ер солиғи, хирож олинган<sup>50</sup>. Ер эгалиги турларини махсус тадқиқ этган М. Н. Ростислаов ҳам шу фикрни тасдиқлайди<sup>51</sup>. А. А. Семёновнинг фикрича, амлоқдор-

---

ство Средней Азии. Ташкент. 1925, №7. С. 69—75; Шаниязов К. Общинное землепользование в селении // Краткие сообщения Института этнографии АН СССР. Вып. XXXI, М., 1960, С. 30.

<sup>50</sup> Соболев Л. И. Географические и статистические сведения о Зерафшанском округе. ЗИРГО по отделению статистики. Т. IV, СПб, 1874, С. 317.

<sup>51</sup> Ростислаов М. Н. Очерк видов земельной собственности и поземельный вопрос в Туркестанском крае. Труды III Международного съезда ориенталистов. 1876. Т. 1, СПб., 1879—1880, С. 331.

лар ерларидан олинадиган солиқлар хирожга нисбатан жуда оғир бўлган, унинг таъкидлашича, бу солиқ умумий ҳосилнинг 40—50 процентигача етиб борган<sup>52</sup>.

Бухорода йирик феодал ер эгаллиги мавқеи катта эди. Чунончи, ҳосилдор Зарафшон водийсида революцияга қадар 3 700 000 десятина суғориладиган ер (водий ер фондининг 30 процентига яқини) тархон ер эгаларига тегишли бўлиб, бу ерлар мулки хурри холис, яъни солиқдан озод эди<sup>53</sup>. Қоратегиндаги ерларнинг ўндан тўққиз қисми зодагонларга қарашли бўлган<sup>54</sup>.

Ер эгалари ўз даласида ишлаётган деҳқонларни қаттиқ эксплуатация қилар, мумкин қадар кўпроқ даромад орттиришга тиришарди. А. А. Семёнов таъкидлашича, «деярли барча яхши ишлов берилган далалар амлоқдорларга қарашли бўлиб, ўзга далалардан мутлақо ажралиб турарди, бу нарса бир қарашдаёқ кўзга ташланарди<sup>55</sup>.

Мулк ва хирож ерларидан хонликнинг деҳқон аҳолиси фойдаланарди. Унинг эгалари ерни сотиш, ҳады этиш ёки гаровга бериш ҳуқуқига эга эди. Бу ерлардан таомили қадимийга кўра, ҳосилнинг учдан бир ва бешдан бир қисми ер солиғи олинарди. Бироқ бу солиқлар ҳосилнинг 40 фоизини ташкил этган пайтлар ҳам бўлган. Хирож солинадиган ерлар XIX асрнинг сўнгида умумий ҳосилдор ернинг 15,2 процентини ташкил этган<sup>56</sup>.

Хирож ерлари билан бир қаторда мулки ушр ерлари ҳам бор эди. Ушр ерларидан ҳосилнинг ўндан бир қисми ҳисобида солиқ олинган. Бу ҳуқуқни олган ер эгалари, биринчидан, мусулмончиликни тинч йўл билан қабул қилган кишилар авлодлари бўлиб, иккинчидан, ҳарбийларга мукофот тарзида берилган ерлар, учинчидан, амир ҳукмига кўра обод қилинган «ўлик ерлар» бўлиб, фармойишга кўра аҳолига мулки ушр сифатида ҳады этилган<sup>57</sup>. Лекин бу ерлар жуда оз эди.

Баъзи деҳқонлар ҳам мулки ушр билан бир қаторда даромаднинг ўндан бир қисмига солиқ тўлашарди.

<sup>52</sup> Семёнов А. А. Очерки поземел но-податного устройства... С. 25.

<sup>53</sup> Мирзаев К. М. Амляковая форма феодальной земельной собственности в Бухарском ханстве. Ташкент. 1954. С. 4.

<sup>54</sup> Пославский Ю. К. Аграрному вопросу в Зерафшанский области. Народное хозяйство Средней Азии. 1926, № 11—12. С. 2

<sup>55</sup> Маджалилов А. Аграрные отношения в Восточной Бухаре в конце XIX — начале XX вв., Душанбе. 1967. С. 148.

<sup>56</sup> ЦГА УзССР. Ф. 50, оп. 1, д. 7, л. 48—53.

Бу солиқ пуллари мадрасалардаги муллаваччаларга нафақа тарзида тўланган, шунингдек, бошқа диққатга сазовор ишларга сарфланган.

Бухоро амирлиги руҳонийлари бутун Урта Осиёда бўлган катта мулкни бошқарганлар. У вақф мулки ва вақф ерлари деб аталган. Вақфнинг асосий манбан ер мулкларни эди. Феодал бойлар ўз ерларини авлоддан-авлодга ўтувчи вақфга айлантириш йўли билан ўз мулкларини узоқ муддат сақлашга ҳаракат қилишган. Ерлар мачит, мадраса, хонақо ёки вақф берувчининг авлодлари фойдаси учун ҳужжатлаштирилган. Бу ерлардан келадиган фойда мачит мутаваллиси қўлига келиб тушган ва у бу пуллари вақфномага кўра тақсимлаган.

Вақф ерларининг Бухоро амирлигида нақадар катта ўрин тутганлигини қуйидаги рақамлардан ҳам кўриш мумкин. Бухорода халқ революциясининг дастлабки йилларида вақф ерлари фақат Бухоро вилоятининг ўзида 278 500 танобни ташкил этган<sup>58</sup>. Зарафшон водийси бўйича XIX асрнинг охирига келиб суғориладиган ерларнинг учдан бир қисми вақф қилинган эди<sup>59</sup>. Бухородаги биргина Кўкалдош мадрасасига вақф ерларидан йилига 150 минг танга даромад тушган.

А. А. Семёнов ерлари мулкдорларга танҳо ер сифатида ўтказиб юборилган камбағал деҳқонлар аҳволини баён қилган. Бундай деҳқонлар ҳуқуқсиз ярим қулга айланган, нафақат солиқ тўлаш азобигина эмас, балки текин хизмат қилиб берувчи ночор аҳволга тушган<sup>60</sup>. Шунини таъкидлаб ўтиш зарурки, ерлари танҳо мулкига ўтиб кетган Шарқий Бухородаги деҳқонларнинг аҳволи Бухоро шаҳрининг чеккасидан ер олган деҳқонларникидан ҳам оғирроқ кечган<sup>61</sup>.

Рус капитализининг Бухорога кириб келиши пул-товар муносабатларини ўзгартириб юборди.

Танҳо ер эгалари, беклар, оқсоқоллар, аминлар, ҳарбий бошлиқлар деҳқончилик билан ўзлари шуғулланишмасди. Улар ижарачи ёки ўлпон олувчиларга со-

<sup>57</sup> Абдусаматов М. А. Очерки аграрных отношений в Бухарском ханстве. Ташкент, 1970. С. 53.

<sup>58</sup> История УзССР, Т. 1. С. 618.

<sup>59</sup> Мирзаев И. Вақфное землевладение в Бухарском ханстве. Труды ТашСХИ, Вып. 14. Ташкент. 1961. С. 113.

<sup>60</sup> Семёнов А. А. Очерк устройства центр администруправ. Бухарского ханства позднейших времен. Труды АН ТаджССР, Т. XXV, л. 4.

<sup>61</sup> Кисляков Н. А. Патриархально феодальных отношения... с. 95.

лиқ олиш ҳуқуқини бериб қўйишарди. Ижарачи солиқларни танҳодорга нисбатан кўпроқ йиғиб олишга ҳаракат қилган. Шу йўл билан камбағал деҳқон қанча таланса, ижарачи ва зодагонлар шунча бойиб бора-верган. Бухоро заминдорлари ўз ерларини деҳқонларга авлоддан-авлодга ўтувчи ижара сифатида ҳам беришган. Ижара шартлари турлича бўлган. Т. Тошбоева Бухоро хонлиги учун хос бўлган ижаралардан бири ярим ҳосил эвазига шартлашиш эканлигини таъкидлайди. Аммо чоракор фақатгина ҳосил йиғиб бўлингач, ҳамма солиқлар тўлаб бўлинган тақдирдагина ўз улушини олиш ҳуқуқига эга эди. Бу пайтга келиб, умумий ҳосилнинг бешдан икки қисмигина қолар эди<sup>62</sup>. Чоракорлик Бухоро феодаллари томонидан деҳқонларни эксплуатация қилишнинг энг оғир формаларидан бири эди.

Шундай қилиб, Бухоро қишлоқларида феодал муносабатларнинг ҳукмрон бўлиши пахтачилик ва ўрта аср муносабатлари билан боғланиб қолган бошқа соҳаларининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатди.

\* \* \*

Зарафшон водийси қишлоқларида аҳоли турли табақалари, кўп ҳолларда турли миллат вакиллари ёнма-ён яшаганлар. Бу, биринчи навбатда, кишиларни ўзаро яқинлаштириб, муносабатларини яхшилаб, жамоанинг қудратини оширса, иккинчи томондан, мулкдорлар, беклар, қозилар ва улар орқали амир ҳукумати учун қишлоқ хўжалигини системали ташкил қилиш, бошқариш, уюшган меҳнат аҳлининг текин кучидан усталик билан фойдаланиш натижасида янги ерлар очиш, канал ва ариқлар қаздириш, иншоотлар қурдириш учун катта имкониятлар очиб берган. Амирнинг территориясида асрлар давомида шаклланган, шариат қонунлари асосида юритилган солиқ тўловлари биринчи галда энг камбағал қора халқ гарданига тушган. Амир беклари судрама зарчопонлар билан савлат тўкиб от минганда, туну-кун қора терга ботиб меҳнат қилган деҳқонларнинг «у бари бу барига етмаган». У етиштирган ҳосилнинг деярли ярмидан ортинини солиқ тўловларига топширган. Бухорога рус капиталининг кириб келиши ҳам аҳволни ўзгартира олмаган, фақат шу нарса маълумки энг унумдор катта ерлар рус маъмурларига ижарага берилган.

<sup>62</sup> Ташбаева Т. Об основных формах феодальной эксплуатации в сельском хозяйстве Узбекистана в конце XIX — начале XX вв. Автореф. дис...: ист. наук, Ташкент, 1968, С. 14.